

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ
ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ДАВЛАТОВА МУҲАЙЁ ҲАСАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
РЕЗУЛЬТАТИВ ТУЗИЛМАЛАР**

Монография

“Бухоро вилоят босмахонаси” МЧЖ
нашриёти—2022 йил

УЎК: 811.111'36, 811.512.133'36

КВК: 81.2Англ-2, 81.2Ўзб-2

Д 14

ISBN 978-9943-7493-2-0

ДАВЛАТОВА М.

Инглиз ва ўзбек тилларида резултатив тузилмалар. Монография //

Бухоро: “Бухоро вилоят босмахонаси” МЧЖ нашриёти –

2022 йил. 124 бет.

Мазкур монографияда инглиз ва ўзбек тилларида резултатив тузилмаларнинг шаклланишида тил бирликларининг иштирокини функционал-семантик ҳамда лингвокогнитив жиҳатдан қиёсий ўрганиш натижасида аспектualлик назариясига оид тадқиқотларни танқидий ўрганиб чиқишга эришилган ва улар замирида мавзу тадқиқининг методологик асоси шакллантирилган. Инглиз тилида резултатив тузилмани ҳосил қилувчи лисоний бирликлар мажмуаси тавсифланиб, уларнинг лугавий маънолари, аргументнинг синтактик муносабатлари тузилмаларнинг асосини ташкил қилиши исботланган, ўзбек тилида резултатив тузилмаларни шакллантирувчи лисоний бирликлар белгиланиб, ушбу тузилмалар бўлаклари синтактик муносабатлари асосини лексик-грамматик воситалар ташкил қилиши далилланган. Инглиз ва ўзбек тилларидаги резултатив тузилма таркибидаги унсурларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш натижасида резултативликни ташкил қилувчи бирликларнинг вазифавий моҳиятини далилловчи тасниф мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда қиёсланаётган тилларда резултатив семантика ифодасининг лингвомаданий мақоми ва лингвокогнитив моҳияти очиб берилган.

Масъул муҳаррир:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович

Филология фанлари доктори, профессор (СамДЧТИ)

Такризчилар:

Шодмонов Қурбон Бадриддинович

Фалсафа фанлари доктори, профессор (БДТИ)

Атабоев Нозимжон Бобожонович

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бухоро давлат университети

Монография Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий кенгашида чоп этишга тавсия этилган. (8- баённома, 25 феврал 2022 й.)

© “Бухоро вилоят босмахонаси” МЧЖ нашриёти, 2022 йил.

*Устозим професор Шаҳриёр
Сафаровнинг 75 ёшлик
юбилейларига бағишлайман*

КИРИШ

Жаҳон тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида тил тизимининг турли сатҳларига тегишли тузилмаларнинг шаклланиши ва семантик ифодаси тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Натижавийлик касб этадиган тузилмаларнинг лингвокогнитив аспектда амалга ошириладиган қиёсий-типологик таҳлили ва аспектual семантиканинг юзага келишида синтактик бирикмалар вазифасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида алоҳида тузилмалар англатадиган аспектual маъноларни шакллантирувчи лисоний бирликларни тизимли равишда таҳлил қилиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Аспектualлик ҳодисасининг лингвокогнитив ва семантик аспектда илмий асосланиши соҳадаги устувор вазифалардан ҳисобланиб, ушбу ҳодиса лисоний майдонда қўлланадиган алоҳида маъноларни ташкил қилувчи тил бирликлари, уларнинг семантик ифодаси, синтактик муносабатлари ва шу асосда ҳосил бўладиган нутқий тузилмаларнинг когнитив-прагматик хусусиятларини ёритишда алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мазкур монографияда синтактик тузилма мазмуни шаклланиши ва унинг семантик воқеаланишини замонавий тилшуносликнинг когнитив ва функционал грамматика йўналишлари доирасида ўрганишнинг истиқболи белгиланганлиги, резултативлик маъноси ифодасининг лексик –семантик, грамматик воситаларини ажратиш лисоний бирликларнинг функционал-семантик майдонда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Монография кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат.

1 БОБ. АСПЕКТУАЛЛИК ҲОДИСАСИ ТАДҚИҚИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аспектуал ва акционсарт ҳодисалар тадқиқи

Феъл семантикаси билан боғлиқ тадқиқотларнинг кўпчилигини аспектуаллик ташкил қилади. Славян тилларидаги вид (тус) грамматик категорияси асосида ривожланган аспектологик тадқиқотлар, нафақат феъл, балки феъл семантикасига таъсир этувчи барча тил воситалари тадқиқини ҳам қамраб олади. Шу сабаб, аспектуал маъноларни аниқлаш, предикат ва предикацияга киришадиган контекстуал унсурлар, шунингдек, иккиламчи предикат таъсирини белгилаш ва иккиламчи предикатнинг аспектуалликка хос маъноларини топиш тилшунослар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Умуман, аспектология – (лотин *aspectus* – ташқи кўриниш, қиёфа, грекча *logos* – сўз ўрганиш) бу феъл шакллари ва аспектуал маъноларнинг барча қатламларини, яъни тилда у ёки бу ифодани қабул қиладиган тус (вид) ва унга яқин бўлган маъноларни ўрганадиган грамматиканинг бир бўлими (Б.Х. Ризаев; 1999, 47) сифатида талқин қилинади.

Грамматик тус, замон турлари категорияларидан ташқари аспектуаллик феълнинг акционал гуруҳларини (динамиклик, статиклик, чегараланганлик, чегараланмаганлик) ва уларнинг кичик гуруҳларини яъни, акционсарт (ҳаракат тарзи) атамасида ифодаланадиган бошланганлик, давомийлик, тугалланганлик, итеративлик, перфективлик, транзитивлик, резултативлик кабиларни ўрганади. Шу билан бирга, феъл иштирок этмаган лексик ва синтактик воситалар ёрдамида ифодаланадиган контекстнинг аспектуалликка таъсир этувчи компонентлари фарқини тадқиқ этади. Аспектуаллик мазмунининг ўхшаш белгиларига кўра турли даражадаги, турли мақсаддаги тил воситалари бирлашади (Ю.С. Маслов; 1984, 7–8). Бундай воситаларга морфологик (тур-замонга оид феъл формалари), лексик (ҳаракат усулига кўра феълларни семантик тасниф қилиш), синтактик фазали (ҳаракатнинг бошланиши, давомийлиги, тугалланишини англатувчи феъллар; *to begin, to go on, to finish*)

фeъллар билан ясалган тузилмалар, фeъл аргументи доирасида ҳосил бўладиган тузилмалар, ва умуман, аспектиал маънони юзага келтирадиган контекст ва ҳатто матн) воситаларни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам аспектиал семантиканинг майдон назарияси доирасида тадқиқ этилишига эътибор қаратилади (В.Бондарко; 1985; 16–29). Мазкур назария асосида аспектиал майдон атамаси ҳам юзага келди. Аспектиаллик майдони “ўзаро таъсир қилувчи тил воситалари” (В.Бондарко 1983; 19) (морфологик, синтактик, сўз ясовчи, лексик-грамматик, лексик-семантик бирикмалари), шунингдек, аспектиал муносабатларнинг турли соҳаларига мансуб бўлган умумий семантик вазифалари билан боғлиқдир. Аспектиалликнинг асосий компонентлари сифатида, таъкидланганидек, фeълнинг грамматик категорияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар морфологик шаклларни бир мазмунли таркибларга бирлаштиради ва бутунлай грамматикалаштирилмаган фeъл турига оид ибораларни, фазали фeъллар билан ясалган ибораларни (ҳаракатнинг бошланишини, давомини, охирини кўрсатадиган), қўшимча аспект вазифасидаги синтактик воситаларни, ҳаракат тарзини, фeъл ифодалаган ҳаракат таъсирида субъект ёки объектнинг ҳолат ўзгаришини англатувчи тузилмаларни қамраб олади.

Умумий ва қиёсий аспектология тадқиқи учун функционал-семантик майдон тушунчаси муҳим аҳамият касб этади.

Аспектиаллик назарияси кейинги йилларда жаҳон тилларида долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки аспектиаллик барча тилларга хос универсал ҳодиса эканлиги тан олинган. Ҳар бир тилда ҳаракатнинг замонда ривожланиш ва вақт кесимида тақсимланиш характерини ифодаловчи воситалар мавжуд (А.В. Бондарко; 1983, 76). Аспектиаллик майдонининг асосий компонентлари орасида, энг аввало, фeълнинг тус (вид) грамматик категорияси кўрсатилади. Бунда мазкур категория бир хил мазмунга эга бўлган морфологик шакллар қаторини бирлаштирувчи система сифатида тушунилади. Кейин ушбу компонентларда чала грамматикалашган турлар; ҳаракатнинг бошланишини англатувчи фeълли бирикмалар; қўшимча аспектиаллик функциясига эга

синтактик воситалар; ҳолга тааллуқли лексик белгилар, масалан: *узоқ, дарҳол, доимо, секин, бирданига, тез-тез* ва ҳоказолар киритилади. Айни пайтда аспектualлик майдони таркибини аниқлашда ҳар бир конкрет тилда аспектual компонентларнинг қайсилари ҳал қилувчи ўрин тутишига, мазкур тилда аспектual воситаларни ўз атрофига бирлаштирувчи асосий категориянинг белгиланишига, умуман, аспектualлик майдонида аспектual маъноларни аниқлашчи энг муҳим тил воситаларга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Аспектual маънолар тадқиқида замон категорияси иш-ҳаракатнинг ташқи хоссасини воқеа-ҳодисани аниқ вақт кесимида содир бўлиш жараёни билан боғлиқ тарзда ўрганади. Тадқиқот ишимизда “акционаллик” атамасини аспектual синфлар (чегараланганлик/чегараланмаганлик) таснифи (Ю.Маслов; 1984, 28—29. Ю.С. Маслов; 2004, 312. Б.Ризаев, 1988/1999. Ғ.Мирсанов, 2009) ҳамда “ҳаракат тарзи” (рус тилида “способы действия” немис ва инглиз тилларида *Aktionsart*) нинг лексик-грамматик ва, шунингдек, семантик комбинацияси (И.Иванова, 1961; Е.В. Петрухина, 2000) натижасида юзага келадиган аспектual маъноларни гуруҳлашга нисбатан қўллаймиз. Аспектualлик эса келтирилган тушунчалар билан бир қаторда, грамматик тус категорияси, акционаллик ҳамда акционсартнинг умумлашган атамаси саналади. Шунинг учун ҳам аспектualлик ўзига хос сатҳларни қамраб олган. Жумладан, аспект грамматик сатҳ ҳисобланиб, морфологик белгилар асосида тугалланганлик ва тугалланмаганлик қарама-қарши қўйилади; акционаллик – феълнинг лексик-семантик маъносига кўра чегараланган/чегараланмаган гуруҳларга ажратилади; ҳаракат тарзи (ғарбда *акционсарт*, рус тилида эса *способы действия* атамалари билан маълум) – предикатнинг лексик-семантик хусусиятларига асосланиб таснифланиши; синтактик аспектualлик – фаза феълларининг бошқа тил бирликлари билан модификацияланиши орқали ҳаракатнинг бошланиши, давомийлиги, тугалланганлиги белгиланади. Мазкур сатҳлардан акционсарт таснифи энг мунозаралилардан бири бўлиб қолмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек тилшунослигида ҳаракат тарзи атамаси умуман бошқа мазмунда талқин қилинади. Хусусан, етакчи ва кўмакчи феълли

аналитик шакллар ҳаракат тарзи сифатида тадқиқ этилган ишлар ҳам мавжуд (О.Шукуров, 2005). Шунинг учун ҳам кейинги ўринларда ғарб тилшунослигида қабул қилинган акционсарт атамасидан фойдаланишни жоиз деб топдик. Инглиз аспектологиясида акционсарт таҳлили асосан З.Вендлер амалга оширган таснифга таянади.

З.Вендлер таснифи айни пайтда феъл аспект турини белгилаш имкониятини ҳам беради: ҳолатни ва фаолиятни ифодаловчи феъллар имперфектив, иш-ҳаракатни, натижани ифодаловчи феъллар эса перфектив турлардир. З.Вендлер таснифининг бошқа таснифлардан фаркли хусусиятларининг бири шундаки, феълнинг перфектив ёки имперфектив бўлишлиги учун иш-ҳаракатнинг ички (бажарилиши) ёки ташқи (эришиладиган натижаси) чегараси бўлишлиги ёки бўлмаслиги (фаолият - ҳолат) керак (Z.Vendler; 1967, 143–160). Бу ўз моҳияти билан рус лингвистикасида шаклланган феълнинг тус характеристикасига оид тушунчаларга ўхшаб кетади. Иккинчи томони эса, феъл ифодалаган иш- ҳаракатнинг давомийлиги ёки бир зумда содир бўлиши ҳисобланади. З.Вендлер концепциясини тадқиқ қилган олимлар гапнинг перфективлиги ёки имперфективлигини ифодаловчи қатор воситалар тизимини илгари сурадилар (W.Croft; 2012, 49. В.Kortman; 1991, 27. С. S. Smith; 2003, 47). Бу воситаларни гапнинг структурасига, субъект микдорига, тўлдирувчи ва ҳолларнинг турларига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Бундай концепцияда аспектual маъно феъл ва унинг атрофидаги компонентларда аниқланади ва феъл тусини қатъий грамматик категория сифатида белгилашга зарурият туғилмайди.

Аспектualлик майдонининг таркиби ҳар бир конкрет тилда аспектual компонентларнинг қайси бири асосий ўрин тутиши, хусусан, бу тилда тус категориясининг грамматик жиҳатдан расмийлаштирилганига боғлиқ. Аспектология доирасида аспектual хусусиятлар фақатгина феъл лексемаси билан эмас, балки предикативли ядрога эга бўлган вазият билан боғлиқ ҳисобланади. Бу борада аспектual маъноларнинг грамматик ва лексик кўрсаткичларига қараб “асспектual фраза” ва “акционал фраза” доирасида

семантик белгилар фаркланади (Б.Ризаев, 1988). Бу ўринда “аспектуал фраза” замирида ҳаракат динамикасининг бошланғич, ўрта, якуний фазаларини ифодаловчи барча тил воситалар назарда тутилса, “акционал фраза” тушунчасида феъл предикацияси орқали воқеаланувчи минимал фраза асосида ётадиган чегараланганлик ва чегараланмаганлик аниқланади (Б.Ризаев, 1988. Ғ.Мирсанов, 2009). Аспектуаллик таҳлили ғарбда кенг тарқалган назариялардан бири М.Крифканинг хомоморфизм (homomorphism) “объектдан воқеликка” қарашларига асосланган бўлиб, аспекттуал маъноларни аниқлашда объект (эга, тўлдирувчи, ҳол) нинг сифати, миқдори, ўлчов бирлигига эътибор қаратилади (М.Крифка; 2001, 31). Мазкур ёндашув “аспектуал композиционаллик” атамаси билан ҳам юритилади.

Аспекттуал семантик майдон турли динамик вазиятларни (феъл лексемасининг “ички вақт кўрсаткичи”) тасвирлаш усули сифатида талқин этилади. Аспект ва предикатнинг семантик (аспектуал) тури эса аспект ва “ҳаракатнинг бажарилиши” ҳисобланади. Е.Падучева рус ва инглиз тилидаги аспекттуал предикатларнинг давомли вазиятларини типологик таснифлаш ва когнитив нуқтаи-назардан таҳлил этиш жараёнида уларни икки катта турга ажратади: ТАШҚИ “периода наблюдения” (кузатиш даври) тушунчаси ва ИЧКИ “линейная структура ситуации” (вазиятнинг тизимли структураси) (Е.В. Падучева; 2004, 46-57). Ўз навбатида, муаллиф вазиятнинг тизимли структураси асосий кўрсаткичлари сифатида проспектив, прогрессив, результатив, комплетив, пунктив, лимитатив каби турларни келтиради. Муаллифнинг таъкидлашича, перфект “кучсизланган” результатив ҳисобланиб, унинг асосий семантик ривожланишини иммедиант (зудлик), экспериенциал (тажрибага оид) ва эвидинциал (аниқлик) перфектлар ташкил этади. Муаллиф, шунингдек, аспектни чегараланмаган жараён асосида “бирламчи” ва “иккиламчи” каби турларга ажратади. Бирламчи турни ички фазани англатадиган дуративлик (вақт оралиғидаги давомийлик) ва прогрессивлик (ривожланиш) ташкил этса, иккиламчи аспект хабитуалис (одатийлик, такрорийлик), мультипликативлик жараёнларидан иборат (Е.В. Падучева; 1996,

23). Е.В. Падучева томонидан ажратилган таксономик синфлар (объект, объект ва субстанция, ҳодиса, жараён, фаолият, ҳолат) (Е.В. Падучева; 2004, 54) онтологик категория атамасини олади.

Аспект маънолари тадқиқи билан шуғулланадиган тилшуносларда феъл бирликларини статив ва динамик гуруҳларга ажратиш одат тусига кирган. Умумий планда феълларни статик ва динамик гуруҳларга ажратишда бир хил услубга таянилади. Бу ҳол турли тиллардаги феъл системасини қиёсан таҳлил қилганда керакли натижани бермаслиги мумкин. Чунки баъзи тилларда ҳолатни ва ҳолатга киришишни англатувчи феъллар алоҳида лексемалар бўлса (инглиз, рус тиллари), бошқа тилларда ушбу икки хил маъно бир лексемада мужассам бўлади (ўзбек тили). Ҳолат ва ҳолатга киришиш кўмакчи феъл ёки контекст доирасида фарқланади. Инглиз аспектологи Б.Комри феълларни лексик имкониятларига қараб пунктуал (дуратив, чегараланган/чегараланмаган (telic/atelic)), статик ва динамик каби гуруҳларга ажратади (В.Сомри; 1976, 41).

Б.Кортман инглиз тили феъл тизими таҳлилига ТАА (tense-aspect-aktionsart) учлигини татбиқ этади. Мазкур учликнинг бош мақсади аспект ҳамда замон ва аспект ҳамда акционсарт ўртасидаги чегарани аниқлаш саналади. Аспект вазият билан алоқадор бўлган статик ёки динамик, тугалланганлик ёки тугалланмаганлик, яъни яқунланган вазият ёки берилган вақт жараёнида давом этаётган, “мавжуд” вазият сифатида тасвирланади (В.Кортманн, 1985). Акционсарт эса феъл ва предикат семантикасига тааллуқли бўлиб, вақт имкониятларига алоқадор семантика ҳисобланади. Шунинг учун ҳам акционсарт предикатлари композиционал саналади, яъни акционсарт бутун гап, баъзан эса эргашган қўшма гапларнинг прагматик хусусияти сифатида ҳам қаралади (Verkuyl, 1972. Declerck; 1979, 764. Brinton; 1988, 31).

Аспектуаллик борасидаги тадқиқотлар тор морфологик категориядан бошланиб, сатҳлараро даражага кўтарилди ва ўз ичига морфология, лексика ва синтаксисни қамраб олди. Бу каби кенгайтиш жараёни аспектуал динамика терминологиясининг тараққиётида акс эта бошлади. Натижада вид (тус), ҳаракат тарзи, аспектуаллик, aspect, actionsart, чегараланганлик,

чегараланмаганлик, инхоативлик (бошланиш), итеративлик (такрорийлик), прогрессивлик, интенсивлик, перфект, результативлик ва бошқа кўплаб атамалар юзага келди.

Феъл семантикаси тилда мавжуд бўлган барча воситалар билан синтактик-семантик муносабатда бўлади. Феълни ўраб турган барча сўзлар ва синтактик воситалар феъл лексемасининг реалликдаги маъноларини очиб беради. Т.Лайфринк таъкидлаб ўтганидек, алоҳида сўз тирик, табиий тилда алоҳида ажралган ҳолда келмайди, балки матндаги бошқа бирор сўз билан муносабатда қўлланилади (Т.Laifrink; 1972, 8). Албатта, ҳар бир лексик бирликнинг синтактик сатҳда категориал маънолари ўзгаради, лексик-семантик маънолар бойийди. Сўз ва гапларнинг нутқдаги синтагматик дифференциал фарқланувчи белгилари ошиб боради. Тилдаги ушбу дифференциал белгиларнинг, семантик-синтактик маъноларнинг ўзгариши, феълларнинг қўлланилишига боғлиқ ҳисобланади. Бизга маълумки, феъл семантикаси бошқа лексик грамматик синфларга қараганда, гапда, нутқда синтагматик боғланиши самаралироқ бўлиши билан бир қаторда, гап семантикасининг бошқарилишига, маънолар мазмунининг ўзгаришига олиб келади. Феълларнинг лексик-семантик майдони хилма-хил синтактик шакл ясалиши, гап семантикасининг турлитуманлилиги билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Феъллар лексик-семантикасининг таҳлили полисемантик масалаларни очиб беришда, семантик-синтактик майдондаги структуравий компонентлар ўртасидаги алоқаларни аниқлашда муҳим ўрин тутаяди. Таниқли ўзбек тилшунос олимлари Р.Расулов, С.Мухамедовалар ҳам мақолаларидан бирида сўз маъноси хусусида ўз фикрларини билдириб ўтишади: “Сўзнинг маъноси, маъно таркиби мантиқий бўлаклардан ташкил топади. Сўзнинг маъно тузилишини ўрганиш, сўз маъносининг мантиқий бўлақларини аниқлаш, таркибий қисмларнинг хилларини белгилаш, ҳар бир семанинг маъно (сема) таркибидаги ўрни, аҳамиятини ёритиш, бошқа семаларга бўлган муносабатини очиш маънолар орасидаги мантиқий алоқани топишдир. Шунга кўра, сўзларнинг ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатларга киришиш, сўзлар қаторини

тузиш, парадигматик муносабатдаги сўзларни бир-биридан фарқлаб турувчи семаларни аниқлаш, топиш имконини беради (Р.Расулов, С.Мухамедова; 2002, 26-29). Маълумки, сўз тил бирлиги ҳисобланади. Сўзнинг лексик маъноси унинг предмет муносабатида ҳам аниқланади. Сўзларнинг предмет муносабатини аниқлашда уларни маъно мазмунига қараб бирор гуруҳга бириктириш мумкин. Бу каби гуруҳлаш сўзлардаги маъноларнинг қарама-қарши хусусиятлари, предмет муносабатини аниқлаш, уларнинг бирор грамматик синфга тегишлилигини, материал (ҳаракат, товуш ҳаракати, ҳаракат усули ва бошқалар) шаклини аниқлашга ёрдам беради. Жумладан, феълнинг тузилиши маънолар мазмунини ўрганиш, нутқ вазиятида воқеланишини очиқ беришга қўмаклашади. Бу, ўз навбатида, феълнинг аспектual маъноларини ёритишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аспектual масалаларни ҳал этишда кейинги пайтда тилшунослар предикатларнинг семантик таснифига кенг эътибор қаратишмоқда. Чунки предикатларнинг турли-туманлиги уларнинг замон ва аспект кўрсаткичлари билан бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Аспектual маъноларнинг турли сатҳларда (грамматик категория сифатида, лексик категория, майдон назарияси, хусусан функционал-семантик майдон) тадқиқ этилиши, ҳар хил таснифларга ажратилиши (лексик гуруҳлаш, лексик-семантик гуруҳлаш, лексик-грамматик гуруҳлаш (ҳаракат тарзи)) барча тилларда бир хилда масала моҳиятини очиқ бера олмаслиги кўзга ташланди. Албатта, келтирилган тадқиқот йўналишлари бирор тил доирасида олиб борилиши аниқроқ кўзга ташланса, бошқа тил структурасига мазкур ёндашув мос келмаслиги эҳтимоли кучлироқ кўзга ташланди. Кейинги даврда аспектual тадқиқотлар когнитив сатҳда (R.Langacker, 1999, Т.В. Белошапкина, 2008. Ғ.Мирсанов, 2009), дискурда (M.Bittner, 2007), прагматик доирада (Ғ.Мирсанов, 2020) олиб борилмоқда. Когнитив нуқтаи назардан аспектualликнинг концептуал асослари, фрейм турлари, аспектualликнинг прототип асосларига аниқлик киритилаётган бўлса, дискурда аспектual мазмун ифодасига эътибор қаратилмоқда. Прагматик

жиҳатдан референциал бирликлар аспектуал семантикасининг мулоқот жараёнига таъсири ва шу жараёнда аспектуал мазмун ифодалари аниқланмоқда.

Аспектуаллик доирасида ва тус-замон туркумига оид семантик белгиларнинг ўзаро муносабатлари таҳлилини Т.Г. Акимованинг (Т.Г. Акимова, 1984, 71-91) тадқиқотларида учратиш мумкин. У инглиз тили материалларини таҳлил қилиб, аспектуалликнинг қуйидаги семантик белгиларини келтиради: 1) ҳаракатнинг чегарага йўналтирилганлиги ёки йўналтирилмаганлиги; 2) ҳаракатнинг чегарага етганлиги ёки етмаганлиги; 3) ҳаракатнинг турғунлиги ёки динамиклиги; 4) ҳаракатнинг натижаллиги; 5) фактнинг умумлаштирилганлиги; 6) ҳаракатнинг маълум бир вақтда содир бўлиш ёки содир бўлмаслик белгиси (локализованность/ нелокализованность); 7) ҳаракатнинг маълум бир вақтда содир бўлишининг бирор нарсага боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган йўналишда бўлиши. Бу таснифда таъкидланган аспектуал маъноларнинг асосий белгилари билан бир қаторда инглиз феъл тизимининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади. Мазкур тасниф акционсарт мақомига эга бўлиб, аспектуалликнинг рус тилшунослари талқинидаги назариялари асосида олиб борилган.

И.П. Иванова тус-замон шакллари таҳлил қилар экан, ушбу тус-замон асосида уларнинг аспектуал маънолари ётиши керак, деган фикрни билдиради. Чунки Indefinite нинг асосий шакллари соф замон маъносини англатади, улар атрофидаги бошқа шакллар тус-замонни ифодаловчи вазифаларга бўлинади. Булар феълнинг давомийлик, перфект ва перфект-давомий иш-ҳаракатини ифодаловчи вазифаларидир. Асосий туркумга нисбатан улар иш-ҳаракатни аниқлаштирувчи вазифаларни бажаради. Бу тус-замон, баъзи тус кўрсаткичлардан устун бўлиб кўринади. Тус категорияси, «Инглиз тили назарий грамматикаси» муаллифларининг фикрича, одатда, нореал категория сифатида белгиланади. У иш -ҳаракатнинг содир бўлиш жараёнини ифодалайди. «Инглиз тили феъли тус шаклининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, феълнинг тус маъноси, албатта, ҳаракат содир бўлган маълум бир вақтни кўрсатади, шунга кўра у маълум бир замон доирасида ифодаланади»

(И.П. Иванова; 1961, 180). Шундай қилиб, инглиз тили феълига хос тус категориясининг грамматик категориал хусусияти унинг тусга оид характерининг аналитик шаклларда ифодаланишида кўзга ташланади.

Аспектуаллик доирасидаги результативлик¹ ўзига хос семантик категория сифатида кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этган. Кўпгина тилларда результативлик кўрсаткичларининг синонимик ва омонимик муносабатлари етарлича ўрганиб чиқилган (В.Недялков, 1983). Тадқиқот доирасида ушбу масалага мурожат этиш сабабини результатив тузилмаларнинг семантик фаркланиш жиҳатларини аниқлаш, депиктивлик, перфект ва результативлик ўртасидаги чегараланишни белгилаш, қолаверса, инглиз ва ўзбек тиллари доирасида қиёсий чоғиштириш тадқиқот жараёни амалга оширилмаганлиги билан боғлашимиз мумкин. Бевосита мазкур масала юзасидан инглиз тили мисолида Ж.Миллер томонидан олиб борилган изланишлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. У инглиз тили сўзлашув нутқидаги результатив ва перфект конструкциялар турли кичик системаларни ташкил этиши ва эксплицит кўринишга эгалигини аниқлайди. Бунга кўра, результатив ва перфект тузилмалар грамматикалашган жараён сифатида фақатгина шу тилга хос хусусият, деган хулосага келади (J.Miller; 2004, 229).

1.2. Аспектуаллик тушунчаси талқинида асосий назарий ёндашувлар

Турли тиллар тизимида аспектуаллик категориясини алоҳида ўрганиш муаммоси, энг аввало, ҳар бир тилда феъл турларининг морфологик категорияси мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш билан боғлиқ бўлди. Феълнинг тусга оид маъноларини тадқиқ қилишда нафақат грамматик шаклланган категориал бирликлар, балки аспектуалликни ифодаловчи барча лисоний воситаларга мурожат қилиш орқалигина мўлжалланган мақсадга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам маълум тил таркибидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос аспектуаллик назариялари, ёндашувлар юзага келди. Бу славян

¹Аспектуаллик назарияси доирасида ажратиладиган “результативлик” тушунчасини ўзбек тилига “натижавийлик” шаклида бериш имконияти мавжуд. Аммо биз инглиз тилшунослигида қабул қилинган resultative атамасини калькалаштирилган муқобилини сақлаб қолишни маъқул деб топдик.

тилшунослигида функционал-семантик майдон назарияси бўлса, ғарб тилшунослигида композиционал ёндашув саналади (M.Krifka; 1992, 29). Функционал-семантик майдон деганда грамматик ва лексик бирликлар ҳамда турли лексик-синтактик воситаларнинг бирикишидан юзага келадиган семантик бирликлар мажмуи назарда тутилади (А.В. Бондарко; 1987, 11). Шунингдек, у аспектиал муносабатларнинг турли соҳаларига мансуб бўлган умумий семантик функциялари билан ҳам боғлиқдир. Композиционал сатҳ контекстда иштирок этадиган ва семантик таркибни ҳосил қиладиган барча тил бирликларининг бир маънога умумлашадиган ҳодисасидир. (D.Geeraerts; 2006, 39). Композицион аспектиал сатҳда номинатив аргументнинг таъсири натижасида предикатнинг чекланган/чекланмаган (telic/atelic) гуруҳлари аниқланади (S.Rothstein; 2004, 20). Бунда номинатив аргументнинг миқдорий хусусияти муҳим аҳамият касб этади. Кўринадикки, функционал-семантик майдонда контекстуал элементларнинг предикатга таъсири муҳим ўрин тутса, композиционалликда номинатив бирликларнинг миқдорий кўрсаткичларига эътибор қаратилади. Композиционалликка оид тадқиқотлар, хусусан, инглиз тили доирасида олиб борилган. Ҳар иккала ёндашув ҳам тадқиқ этилган рус ва инглиз тили структурасидан келиб чиққан ҳолда юзага келган.

Тилшуносликда гапнинг ташкил этувчиси сифатида асосий эътибор феълга қаратилади, чунки унинг семантик моҳияти ёки семасиологик ўзаги замон ва вақт билан биргаликда намоён бўлади. Бундан ташқари, феъл динамик белги сифатида қаралади (В.Л. Егоров; 1989, 86). Гапдаги қолган бўлақлар, яъни эга, тўлдирувчи, ҳол кабилар феъл ҳаракати билан узвий боғлиқ ҳолда амал қилади. Гапдаги ҳар бир иштирокчи бирлик феъл ҳаракатининг ифодаланишида, семантик фарқланишида, феъл маъноларининг бойишида муҳим ўрин тутди. Таниқли рус тилшуноси А.М. Пешковский феъл тўғрисида қуйидаги фикрни келтиради: “Феъллар - бу “тирик” сўзлар, улар ўзларига яқинлашган барча сўзларни жонлантиради” (А.М. Пешковский; 1974, 96-99). Келтирилган ушбу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, феъл контекст таркибидаги ҳар қандай сўзнинг маъносини ўзгартиришга қодир. Феълнинг

лексик-грамматик маъносига қараб эга вазифасидаги субстант ҳаракат бажарувчиси, ҳаракат бошқарувчиси, ҳаракатни қабул қилувчи бўлиши мумкин. Шунингдек, феъл ҳаракати эганинг ҳолат, характер, усул ва бошқа белгиларини ҳам ифодалаб келади. Объект эса феълнинг нафақат лексик, балки грамматик (ўтимли/ўтимсиз) хусусиятига боғлиқ ҳисобланади. Гап таркибидаги ҳол вазифасида қўлланиладиган тил бирликлари феъл ҳаракатининг тарзи, макони, вақтини ва шу каби хусусиятларни англатиш учун қўлланилади.

Феъллар ҳар қандай тилдаги ифода мазмунида энг муҳим ўринда туради. Феълларнинг лексик-семантик маънолари бошқа туркум сўзларига нисбатан бойроқ ва эгилувчан ҳисобланади. Эгилувчан деганимизда, бир хил вазиятда бир шаклга эга компонентнинг лексик маъносига қараб феъл семантикаси ўзгариши мумкинлиги тушунилади. Кўпгина ҳолатларда феъл лексемалари бошқа туркумлар билан бирикиб, мураккаб маънолар ҳосил қилиши мумкин. Бу маънолар турли тилларда турлича, ҳар хил бирикмаларда намоён бўлади. Пайдо бўладиган маънолар синтактик birlikларнинг вазифасидаги компонентларнинг ҳаракат, ҳолат ва бошқа белгиларнинг мазмуни, хусусан, субъект билан боғлиқ бўлган вазиятларда намоён бўлади, деб изоҳлашимиз мумкин. Инглиз тилидаги феъл лексемалари морфологик (инфинитив, герунд, сифатдош), синтактик (мураккаб феъл кесим, иккиламчи предикат) қўлланилиши билан ажралиб туради. Инглиз тили феъл семантикаси маъно мазмуни турли послелоглар билан бирикканда, турли бирикмаларда турлича намоён бўлади. Бу каби ҳолатларнинг фарқланишини бошқа тиллар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ўзбек тилида ҳам феъллар гапнинг асосий ташкил этувчиси сифатида ўрин тутишига гувоҳ бўламиз. Одатда, тилда феълларнинг лексик-семантик маъноларини тадқиқ этишда ҳаракат, ҳолат каби катта гуруҳларга ажратиб таҳлил этиш кенг тус олган (А.В. Бондарко; 1983, 208, Ю.С. Маслов; 1984, 263, В. Levin and M. Rapoport; 1992, 247-269).

Феълларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатларини ёритиш уларнинг синтагматик хусусиятларини ўрганиш билан уйғунликда олиб борилади. Тилшуносликда тилнинг функционал томони унинг тузилиши ва

ривожига таъсир кўрсатиши кўпгина олимлар томонидан тан олинган, зеро тил нутқда яшайди ва ривожланади (В.З. Панфилов; 1977, 6). Демак, тилнинг ривожланиши унинг функционал томони билан ҳам боғлиқ. Тил функционаллигида муҳим ўрин тутган феъл бошқа сўз туркумларига нисбатан кўп маънолиги, шакл ясашдаги хилма-хиллиги, бойлиги, бирикмалар ҳосил қилиши ва улардаги маъноларни фарқлаши ҳамда маъно ўзгартира олиш, когнитив жиҳатдан қарайдиган бўлсак, субъектнинг ички, ташқи ҳиссиётларини, онгида кечаётган жараёнларни ёрита олиш хусусиятлари билан фарқ қилади.

Тадқиқотчилар томонидан феъл, феъл категориялари, феъл бирикмаларининг таҳлилида ҳар хил сатҳларда турлича ёндашилиши мазкур объектнинг трансформацион ва деривацион хусусиятларини очиқ бериш билан бир қаторда, тадқиқотнинг тилшуносликнинг турли йўналишлари доирасида ҳам олиб борилиши имкониятига эга эканлигини кўрсатади. Бунинг исботи феълнинг антропологик, психологик, когнитив ва бошқа тилшунослик сатҳларида ўрганилишида намоён бўлади. Умуман олганда, феълларнинг лексик, лексик-семантик, лексик-грамматик, функционал-семантик нуқтаи назардан таснифланиш имкониятининг кенглиги ушбу категориянинг келтирилган соҳаларда тадқиқ этилишининг сабабларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Кўпгина ҳолларда туб маъноли феъллар модал, таксис, каузатив, пассив, бенефактив, аспектуал, темпорал, инкор” (А.К. Оглоблин, В.С. Храковский; 2001, 9-17) грамматик категорияларни ташкил қилади.

Маълумки, феъл семантикаси тилда мавжуд бўлган барча воситалар билан синтактик-семантик муносабатга киришади. Феъл билан модификациялашадиган барча тил бирликлари ва синтактик воситалар лексеманинг аниқ маъноларини очиқ беради. Албатта, ҳар бир лексик бирликнинг синтактик сатҳда категориал маънолари ўзгаради, лексик-семантик маънолар бойийди. Сўз ва гапларнинг нутқдаги синтагматик дифференциал белгилари ошиб боради. Тилдаги ушбу дифференциал белгиларнинг, семантик-синтактик маъноларнинг ўзгариши, феълларнинг қўлланилишига боғлиқ. Бу

когнитив жараённинг маҳсули бўлиб, ҳар бир тилда ўша тил соҳибларининг мулоқот имкониятлари доирасида амалга оширилади. Бизга маълумки, феъл семантикаси бошқа лексик-грамматик синфларга қараганда, гапда, нутқда синтагматик боғланиши самаралироқ бўлиши билан бир қаторда, маънолар мазмунининг ўзгаришига олиб келади. Феълларнинг лексик-семантик майдони хилма-хил синтактик шакл ясалиши, гап семантикасининг турли-туманлилиги билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Феълларнинг кўп маънолиги масалаларини очиб беришда, семантик-синтактик майдондаги структуравий компонентлар ўртасидаги алоқаларни аниқлашда функционал-семантик майдон муҳим ўрин тутаяди.

Функционал-семантик майдон категорияси таҳлилида қуйидагилар фарқланиши муҳим ҳисобланади: а) тил тизимидаги функционал-семантик категория структураси, яъни “марказ ва периферия”, периферия ва ядро компонентлар ўртасидаги дифференциал семантик белгиларнинг тақсимланиши, гуруҳлаш, умумий микромайдон, уларнинг қурилиш тамойиллари; б) тилнинг функционал жараёнида функционал-семантик категорияни аниқлаш (мазкур категория компонентларининг нутқдаги ўзаро таъсири: контекстдаги грамматик ва грамматик бўлмаган воситалар комбинацияси, семантик комплексларни яратиш, аниқ иборада функционал семантик микромайдонни яратиш (Н.С. Авилова; 1976, 35). Функционал-семантик майдонда аспектиаллик грамматик тус, акционсарт, феълнинг акционал хусусияти, темпорал бирликлар таъсирида умумлашадиган маъно таҳлилига қаратилади. Акционсарт тушунчаси Сигурд Агрелл томонидан киритилган бўлиб, у феъл семантикасини турли-туман гуруҳлаш ва таснифлашга асосланади. Акционсартнинг кейинги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тадқиқоти ҳам икки хил йўналишга ажралади, яъни феълнинг: 1) луғавий маънолари асосида таснифлаш (чегараланганлик/чегараланмаганлик) (Ю.С. Маслов; 1984, 26); 2) феълнинг турли бирикмаларда, матн таъсирида, объект аргументлари ёрдамида юзага келган семантик маъноларини таснифлаш. Иккинчи тадқиқот йўналиши рус тилшунослигида ”способы действие” (ҳаракат тарзи) тарзида тадқиқ этилади (Н.С. Авилова; 1976,

34). Чунки бу каби тадқиқот ҳар қандай тил тизимида олиб борилиши мумкин. Бу борадаги тадқиқотлар тахминан икки аср илгари тараққий эта бошлади. Аспект тўғрисидаги умумий концепция замондан фарқланди ва етмиш беш йилдан сўнг бу концепция тор маънодаги аспект концепцияси ва кенгроқ бўлган акционсарт категориясига ажралди. Бу жараён икки йўналиш, яъни славян тилшунослари ва герман тиллари тилшуносларининг турли муаммоларга дуч келишлари таъсирида содир бўлди. Замон, аспект ва акционсарт ўртасидаги фарқланиш Сигурд Агреллнинг илмий ишлари асосида ривожланди. У "акционсарт" тушунчасини ўзининг поляк тили феълларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишида аспект тушунчасига қўшимча сифатида ишлатади. Яъни (Сигурд Агрелл, 1908) биринчи бўлиб славян тилида аспект ва акционсарт ўртасидаги фарқни батафсил изоҳлаб берди. Сигурд Агреллнинг аспект ва акционсартни бир-биридан фарқлаб бериши аспектологиянинг ривожланишини белгилаб берган бўлса-да, ушбу ҳолат унинг бир йўналишда ривожланишига кафолат бермаган эди. Кейинчалик аспектни ўрганиш икки асосий оқимга бўлинди: герман ва славян оқимларига. Агрелл бу икки оқимда ҳам изланишлар олиб борди ва бу икки оқим бир-бирига ўзаро таъсир ўтказди. Шунга қарамадан, ҳар бир оқим ўзининг ўхшашлик ва муаммоли томонларига эга. Феълларнинг акционал хусусиятларини ўрганиш аспект категорияси билан узвий боғлиқ.

Турли хил аспектунал қарама-қаршиликлар (перфективлик ва ноперфективлик perfectivity/imperfectivity, тугалланганлик ва тугалланмаганлик, terminativity/aterminativity, чегараланганлик ва чегараланмаганлик telicity/untelicity ва чеклилик ва чексизлик boundless/unboundless) ҳар бир тил таркибида мавжудлиги сезилса-да, бу тилшуносликда умумлаштириш орқали аниқ хулоса беришга сабаб бўла олмайди. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар славян тилидаги аспект тушунчасини герман тилларига қўчиришни хато деб ўйлайдилар. Бу қараш Зендворт (R.W. Zandvoort; 1962, 1-2.) нинг танқидий фикридан сўнг яна жонланди. У "Аспект - бу инглиз тилида мавжуд бўлмаган концепция", деган фикрга қарши чиқди. Умуман олганда, герман тилшунослари замон ва аспектуналлик ўртасидаги фарқланиш, турли хил

тилда турли хил йўл билан ифодаланиши мумкин деган фикрга келишди ва герман тилларида аспектиалликни тизимли равишда ўрганишга қарор қилишди. Аспектиал жуфтлик (telic/atelic) тушунчаси ва акционсарт алоҳида қаралиши керак, деган хулосага келинди. Сигурд Агреллинг фикрича, перфект ва ноперфект аспектиал жуфтликнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу жуфтликнинг ҳар бир жуфти бир феълнинг икки шакли ва улар бир хил лексик маънога эга деб қаралади. Албатта, ҳар қандай феълнинг перфект ва ноперфект шакли ўртасида семантик фарқ бор. Лекин бу семантик фарқ лексик фарқ сифатида қаралмайди. Олимнинг аспект тўғрисидаги тор концепцияси ва акционсарт орасидаги фарқ аспектнинг ўзгариши феълнинг лексик маъносига таъсир қилмайди, аммо феълнинг акционсарт вариантыни ўзгартириш эса феълнинг лексик маъносининг ўзгаришига олиб келади, деган фикрда ўз ифодасини топади.

Аспектнинг икки компонентли таҳлилини амалга оширган Карлота С. Смитнинг (Параметр аспекта, 1991) ишлари ҳам феълларнинг акционал хусусиятларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Карлота С. Смит аспект ва акционсарт ўртасидаги фарқни эслатиб турувчи грамматик ва лексик аспект ўртасидаги фарқни изоҳлаб беради. Бунинг натижасида муаллиф инглиз тилида аспект бутун предикация доирасида олиб борилиши ва предикатни чекланган/чекланмаган гуруҳларга ажратиш муҳимлигини таъкидлайди. Шунингдек, бир предикат аспект ва акционсарт нуқтаи назаридан таҳлил этилиши мумкинлигига ишора қилади (C.S. Smith, 1991).

Аспектиал маънолар таҳлилида муҳим аҳамият касб этадиган акционаллик феълнинг чегараланган ва чегараланмаган хусусияти саналади. Таъкидланганидек, феълларнинг акционал хусусияти деганда феъл семантикасига тегишли бўлган чегараланганлик/чегараланмаганлик ва лимитатив/нейтраллик тушунчалари назарда тутилади. Чегараланганлик феълнинг лексик-семантик хусусияти бўлиб, феълнинг ички тугал чегарасининг мавжудлиги ҳисобланса, чегараланмаганлик деб ўша ички чегаранинг йўқлиги тушунилади. Феълларнинг чегараланганлик/

чегараланмаганлик хусусиятлари уларнинг инфинитив шакли ва минимал бирикмада аниқланади (Б.Х. Ризаев; 1999. 20). Минимал бирикма деганда феълнинг инфинитив шаклига савол бериш тушунилади. (to go - қаерга, to walk - қаерда). Лимитатив нейтрал хусусиятли феъллар семантикасида эса ҳам чегараланганлик, ҳам чегараланмаганлик хусусиятлари мавжуд бўлади. Ўз навбатида, улар соф процессуалликнинг ифодаланиши билан бирга минимал бирикмани ҳосил қила олади (to walk - қаерда, қаерга).

Аспект тадқиқотчилари, одатда, ҳолат ва ҳаракатни ифодаловчи феълларни қарама-қарши қўйишни маъқул кўради. Ушбу тадқиқотимиз жараёнида ҳам биз феълларни шу тарзда тадқиқ этдик. Ҳаракат ва ҳолатни таққослаб ўрганиш, одатда, икки гуруҳга оид феълларнинг чегараланганлик ва чегараланмаганлик хусусиятларини таққослаш орқали амалга оширилади. Феълнинг акционалликка нисбатан олимлар томонидан турли атамалар қўлланилади, чунончи, предикатнинг семантик тури (Т.В. Булыгина; 1982, 7), аспектual синф (акционсарт), лексик тур (В.Comrie, P.Vogel; 2000, 8), воқелик тури (eventuality type) (Н.Filip Events and Maximalization: The Case of telicity and Perfectivity // plaza.ufl.edu/hfilip) феълнинг таксоманик категорияси (Е.В.Падучева; 2004, 46-57), boundess-unboundness, telicity-atelicity, terminativity-unterminativity (R.Boogaard, T.Janssen Aspects of Language - 31. Tense and Aspect // www.let.vu.nl/staf/thalm.janssen) ва бошқа атамалар билан юритилганлиги маълум. Ю.С.Маслов феълларнинг акционал хусусиятларига қуйидагича таъриф беради: “Феъл лексемасига нисбатан чегараланганлик/ чегараланмаганлик тушунчаларини қўллаш тўғри бўлмайди. Феълларнинг акционал хусусиятини белгилашда уларнинг барча лексик-семантик хусусиятларини инобатга олиш зарур” (Ю.С.Маслов; 1984, 50). А.Б. Бондарконинг фикрича, акционаллик иш-ҳаракатнинг ички чегарасига нисбатан аспектualлик сатҳининг устувор белгисидир (А.В. Бондарко; 1983, 80). Феълнинг чегараланганлик ёки чегараланмаганлик категориясини қайси лексик, лексик-грамматик ёки синтактик сатҳда аниқлаш кераклиги хусусида ҳам фикрлар бир хил эмас. Масалан, Ю.С. Маслов чегараланганлик ёки чегараланмаганликни феъл

семантикасига киритиб, ушбу мулоҳазани беради: “Чегараланганлик бу феъл семантикасига кириб, берилган ҳаракатнинг ўз табиатида кўзланган ички чегарасига йўлланма ҳисобланади. Бунда ҳаракат бирон-бир чегарага интилган бўлади ва ўша чегарага етиш билан тўхтади. Чегараланмаганлик эса ўша ички чегаранинг йўқлиги ҳисобланади” (Ю.С. Маслов; 1978, 4-44).

Тилшуносликда феълларни аспектун нуктаи назардан гуруҳлаш ҳам кенг тус олган. Жумладан, аспектун маънолар гуруҳланиши биринчилар қаторида О.Есперсен томонидан амалга оширилган. Олим семантик тамойилга асосланган ҳолда турли тилларда учрайдиган ва ягона умумий қоидага бўйсунмайдиган феълларнинг етти хил турини фарқлайди: 1) аорист ва имперфект; 2) феъл маъносининг конклюдивлиги ёки конклюдив бўлмаганлиги; 3) тугалланганлиги ёки тугалланмаганлиги; 4) кўп марталилик ёки бир марталик иш-ҳаракатнинг ифодаланиши; 5) давомийлик ёки бир зумда содир бўлиши; 6) назарда тутилган ёки тутилмаган натижанинг ифодаланиши; давомийлиги ёки ўзгарувчанлик кабилар (О.Есперсен; 1958, 359).

Акционсарт одатда, лексик аспект сифатида қаралади. Лексик аспект тилшунослар томонидан турлича номланади: “вазиятнинг ўзига хос маъноси” (Comrie, 1976), аспектун синф (Filip, Hana; 1993,1991), вазият аспекти (C.S. Smith, 1991). Кўпчилик тилшунослар лексик аспекти тилшуносликка оид ибора деб билишади” (В.Comrie, 1976. C.S. Smith, 1991). Агар акционаллик (акционсарт) лексик тушунча бўлса, у феълларнинг луғавий маъноси асосида аниқланиши зарур. Биринчидан, феълларнинг чегараланганлик/ чегараланмаганлик хусусиятлари уларнинг лексик-семантик хусусияти асосида белгилан қиши лозим. Иккинчидан, шу чегараланганлик/ чегараланмаганлик хусусиятлари асосида феъл “функционал майдон” да ўрганилиши керак (А.В. Бондарко, 1987).

Г.Виркюль аспектининг таркибий категориялари гапнинг юқори чўққисига тааллуқли, деган хулосага келади. Бунда гап “нисбатан оддий даражадаги формуладан иборат бўлиб, субъект феъл – объект - воситали тўлдирувчи – предлогли тўлдирувчи (Verkuyl; 1972, 52)” моделида ифодаланади. У аспекти

– перфект ва перфект бўлмаган (тугалланган ва тугалланмаган) маъноларини аниқлаш имконини берадиган формулалар тузишга эътиборини қаратади. Бу қарама-қаршилик феълларни семантик нуктаи назаридан тасниф қилишга асосланган. Ҳаракат, жараён, ҳолатга асосланган таснифлашдан фарқли ўларок, З.Вендлер феълларнинг семантик гуруҳларини фарқлайди: 1) фаолият ёки гомоген жараёнлар - ноаниқ вақт бўлаги билан боғлиқ, давомий ҳаракатни англатувчи Activities, масалан: running. 2) маълум вақт оралиғи билан боғлиқ аввалги жараён натижасида тайёрланган ҳаракатни бажариш (accomplishments); масалан: running a mile. 3) муайян вақт нуқталари билан боғлиқ бир лаҳзалик ҳаракатлар ва натижалар: (achievements-reaching the top); 4) ноаниқ вақт жараёнида ҳолат ифодаланишининг давомийлиги (states) (Z.Vendler, 1974). З.Вендлер келтирган таснифдан кўриниб турибдики, семантик гуруҳлар айрим умумий белгиларга эга: давомийлик ва бажарув маълум жараёнларини англатиб, маълум вақт оралиғида давом этишни англатади.

Нутқ жараёнида қўлланиладиган феъл ҳаракатларнинг бошланиши, тугалланиши, давомий вазиятларни ифодалаш ва танланадиган феълларнинг уйғунлигини келтириб чиқаради. Натижада лаҳзалик, карралик каби ҳодисалар ҳам вужудга келади. Лаҳзалик, карралик ҳаракатлари лексик воситалар, шу семантик белгиларга эга бўлган сўзлар, грамматик воситалар ёрдамида вужудга келади. Бу жараёнлар аспектualiликнинг ҳаракат тарзи категориясида бир неча синфларга бўлиниши мумкин. Хусусан, лексик бирликларнинг соф семантик ва лексик хусусиятларига асосланган ҳолда, шунингдек, феъл бирликларининг бошқа тил воситалари билан алоқага киришиши, яъни бирикиши орқали юзага келадиган лаҳзалик ёки карралик ҳамда грамматик воситалар орқалигина ҳосил бўладиган маънолар грамматик хусусият ва лексик бирлик уйғунлашуви орқали вужудга келадиган семантик маънолар орқали ҳаракат тарзи турларига ажратилади.

Гапни семантик таҳлил қилишда объектив факт ва у билан муносабатда бўладиган компонентлар ўртасидаги фарқни аниқлаш муҳимдир. Бунда, биринчидан, вазиятнинг аниқ кўринишга эгаллиги, иккинчидан, мавҳум

вазиятни ифода этувчи элементларидаги объектив факт аниқланади. Бериладиган элементларда аниқланадиган онтологик ва мантикий хусусият мос келиши ҳам, ва шунингдек, фарқланиши ҳам мумкин. Мавҳум вазият бевосита мулоқотнинг маҳсулоти сифатида эмпирик вазиятларнинг уюшиб келишида мос келади. Бу каби ҳолатларда вазият онтологик турларининг мантикий турлар билан биргаликда келиши тасвирланади.

Бирор бир маълум гапдаги синтактик шаклнинг аспекти ички синтактик хусусиятнинг таркибидаги субъект ва предикат орқали ифодаланади.

Турли тиллар тизимида перфективликнинг ифодаланиш усуллари билан боғлиқ ҳолларни инглиз тилшуноси Б.Комри қуйидагича таснифлайди:

1. Қисқа дуративлик. Перфектив имперфективга нисбатан қисқа вақт оралиғидаги давомийлик билан характерланади.

2. Чекланган дуративлик. Мазкур ҳолда перфектив чегараланганлик "bounded" (*telic, having a natural end*) чегараланмаган "unbounded" (*atelic*) имперфективга қарама-қарши қўйилади: *shut the door- started to laugh*.

3. Ингрессив (инхоатив) маъно. Перфективлик ҳаракат ёки ҳолатнинг бошланиш нуқтасини кўрсатса, имперфективлик унинг прогрессивлигини англатади. Мазкур маъно, одатда, имперфективлик ҳолатида *begin* ва *start* феъллари билан қўлланилади.

4. Результивлик. Перфективлик ҳаракатнинг натижаси билан боғлиқ ҳисобланади: *shut the door*. (В.Комри; 1981, 65-78).

Тилдаги лексик бирликларнинг қиёсий тадқиқоти лексик бирликларнинг қўлланишидаги бир хил маъноси ва "грамматик нутқ" (ҳар бир тилга хос қоидаларнинг маълум маъноларини функционал-семантик воқеланиши)нинг ҳосил бўлиш қонуниятларини тасвирлашга йўналтирилиши керак (Гак; 1977, 6–7, 10).

Қиёсий тадқиқотларнинг контекстуал семантик сатҳда олиб борилиши тилнинг формал таркиби ва билимнинг лисоний ва нолисоний хусусиятларини умумлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, контекстуал семантикани аспектual жиҳатдан фарқлашда содир этиладиган ҳаракат,

ҳолатнинг тасаввурдаги вазиятини аниқлаш лозимдир. Бунда ҳаракатнинг тугалланганлиги, давомийлиги, якка ёки такрорий ҳодисаларни фарқлаш, объектив вазиятни баҳолаш орқали аниқлик киритилади. Аспектуал маънолар концептуал таркибда “тажрибага асосланган билим ва лисоний билим (R.Jackendoff; 1996, 104)” биргаликда олиб борилади. Ифодаланаётган ҳар бир ҳаракат ёки ҳолат маълум фазалардан ташкил топади. Булар ҳаракатнинг бажарилиши, мақсади, тугалланиши, ҳолатга киришилганлиги, ҳолат ўзгариши кабилардир. Мазкур ҳодисалар таҳлилида феълнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятлари контекстдаги аргумент (от билан ифодаланган эга ёки тўлдирувчи) вазифасидаги отнинг микдорий, ўлчов хусусиятлари эътиборга олинади ва қарама-қарши қўйилади. Мазкур таҳлил композиционал ёндашув доирасида олиб борилади. Ушбу ёндашув иккиламчи предикатлар таҳлилида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, иккиламчи предикатлар ҳам онтологик категория (объект, объект+субстанция, ҳодиса, фаолият, ҳолат) (R.Jackendoff; 1990, 22. Е.Падучева; 1998, 142–156.) доирасида таҳлил қилинади.

1.3. Результивликнинг аспектуал тадқиқотлар доирасида ўрганилиши

Аспектуал семантик тасниф қатор катта ва кичик гуруҳлардан иборат. Ушбу гуруҳлардан бири результивлик саналади. Результивлик, одатда ҳолат ўзгариши, амалга оширилган воқеа-ҳодисани натижасини англатувчи ифода саналади. Результивлик ифодаланишига кўра морфологик, лексик, семантик, синтактик усулларга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳар қандай тилда результивлик ифодаланишининг бир неча усуллари мавжудлиги кузатилади. В.П. Недялков ва С.Е. Яхонтовларнинг аниқлашича, диатеза тури, результив кўрсаткичнинг маъно кўлами, результив семали аниқ феъл лексемасининг мавжуд бўлиши каби бир неча усулларда юзага келиши мумкин (В.Недялков, С.Яхонтов; 1983, 15). Бу ҳол тилнинг грамматик кўрсаткичлари шаклланганлиги, лексик бирликларнинг, хусусан, феълнинг маъно кўлами, ўзига хос синтактик тузилмаларда ифодаланиши билан ҳам муҳим аҳамият касб

этади. Грамматик кўрсаткич шаклланган тилларда (инглиз тили) мазкур ифода грамматик маънонинг синтактик-семантик хусусияти ёрдамида юзага келади. Бу жараён агенс (A), пациенс (P) ва ўтимли феъл, шунингдек, ўтимсиз феълда қатнашадиган ёлғиз актант (S) иштирокида амалга оширилади. Мазкур ҳолатда (A) ва (S) каузацияга учрайдиган вазифани бажаради (V.Comrie; 1981, 69, Кибрик; 2003, 126-132). Результативликнинг ифодаланиши қарийиб барча тилларга хос бўлган ҳодиса. Бу ўтимли феъл билан боғлиқ бўлиб, ҳаракат бажарувчиси бўлган субъект каузацияга учрайдиган объектга тенглашади, ҳаракат натижаси юзага келади. Масалан: *She opened the door / The door opened; У эшикни очди / Эшик очилди.*

Результативлик атамаси фанга ўтган асрнинг 70-йилларида кириб келди. Шундан сўнг ушбу тушунча аспектларнинг алоҳида ўрганилиш объекти сифатида ривожланди. Мазкур тушунчанинг тадқиқот объекти сифатида юзага келиши В.П. Недялков (В.П. Недялков, С.Е. Яхонтов; 1983, 5–41), О.Даль (Ö.Dahl; 2000, 3–25.), Б. Комри (В. Comrie, 1976), (Ю.С. Маслов; 1983, 41–54), В.С. Храковскийларнинг (В.С. Храковский; 1980, 3-23) номи билан боғлиқ бўлса, кейинчалик мазкур тушунча аспектологиянинг бир бўлаги сифатида Б.Х. Ризаев (Б.Х. Ризаев; 198, 121), Мак Ковлей (Mc Cawley; 1981, 81–90), Е.В. Падучева (Е.В. Падучева; 1998, 142–156.) Ж.Линдштедт ва И.Депарде (J.Lindstedt; 2000, 365—383., I. Depraetere; 1998, 597—613), В.А. Плунгян (В.А. Плунгян; 2011, 377—387), Ж. Кариер, Ж. Рандалл (J. Carrier; J.H. Randall; 1992, 173-234), Д. Ж. Наполи (D.J. Napoli; 1992, 53-90.), Д.М. Насилов (Д.М. Насилов; 1983, 118–123), М. Козими (М.Koizumi; 1994, 24–79), А. Мемтимин, И. Невская (А. Memtimin, I. Nevskaya; 2012, 80–94.) ва бошқалар томонидан турли тиллар тизимида ривожлантирилди. Результативликнинг умумий қабул қилинган талқинига кўра чегараланганлик жараёнининг ҳолатни ўзгартириши оқибатида натижага эришилганлик ҳисобланади. Бунда, “маълум чегарада”ги (линейный) (В.А. Плунгян; 2011, 377) ҳаракатнинг натижага эришилганлик ифодасига эътибор қаратилади. Таъкидлаш жоизки, результативлик кучсиз грамматикалашган феъл шакли ҳисобланади. Результативлик шаклан чекланган

бўлиб, чегараланган акционал предикатларда ифодаланади. Шунингдек, ушбу ҳодиса феълнинг лексик маъноси билан ифодаланадиган тор аспектual семантик ифодага эга эканлиги билан изоҳланади (O.Dahl; 2000, 3-25). Тиллар тизими фарқланишига кўра резултатив маъноларнинг ифодаланиши, маълум тузилмаларни ҳосил қилиши ҳам тил тизимидан келиб чиққан ҳолда фарқ қилади. Шу билан бирга, резултативлик фақатгина феълга хос хусусият эмас (E. Schultze-Bernd, N.P. Himmelmann; 1988, 234). Чунки резултатив тузилмаларнинг шаклланишида феълдан бошқа бирликлар (сифат, от, феълнинг номинатив шакллари) ҳам муҳим ўрин тутди. Бунга сабаб резултативлик субъект ёки объектнинг ҳолат ўзгаришига тегишли бўлган ва лексик детерминация орқали аниқланадиган семантик маъно сифатида ҳам баҳоланади. Унинг аспектualлик доирасида ифодаланиш воситалари маълум маънода чекланган. Кўпгина тилларда резултативлик ва перфект маъноларнинг яқинлиги ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Аммо баъзи тилларда, хусусан, инглиз тилида, перфект ва резултативлик аниқ фарқланишга эга. Бу перфектнинг грамматик шаклга эгаллиги билан баҳоланса, резултативлик мураккаб тўлдирувчи бирикмасида иккиламчи предикатда юзага келадиган тузилмада ўз ифодасини топади.

Чегараланмаган ва нейтрал лимитатив (икки акционал хусусиятга эга) (Б.Х. Ризаев, 1999) феъллар гуруҳига тегишли бирликларда резултативлик ва перфект фарқланиши борасида тортишувлар ҳалигача давом этиб келмоқда (A.Nishiyama, J.-P.Koenig; 2010, 617). Кўпгина тилларда резултативлик ва перфект ўртасидаги фарқ семантикага эмас, балки дискурсив вазифага боғлиқ эканлиги таъкидланади (H.Lodrup; 2000, 171-188). Чунки иккала шакл ҳам нарратив ифодада воқеа-ҳодисаларни боғлай олиш вазифасини бажара олмайди. Таъкидлаш жоизки, одатда, инглиз тилида перфект ва перфект бўлмаган феъл шакллари қиёслаб ўрганиш кенг тус олган (И.П. Иванова, 1961), (Ю.А. Ландер; 2002, 300–312), (Маслов; 1983, 41–54). Феълнинг перфект шакли грамматик жиҳатдан ривожланган тилларда перфектнинг дискурсив

вазифасига эътибор қаратилиши масала моҳиятини тўлиқроқ намоён этиши мумкин (S.G. Tatevosov; 2001, 443–464).

Результативликка оид ишларда махсус грамматикалашган бирикмалар мавжудлиги ва улардаги посессивлик (эгалик) хусусияти натижани англатиши ва результатив маъно борлиги борасида қарашлар мавжуд (S.Kim, J.Maling; 1997, 189-204. Д.В. Сичинава; 2008, 712). Жумладан, инглиз тилидаги *have got* бирикмаси бунга мисол тариқасида келтирилади (В.Heine, 1997). Албатта, инглиз тилида *have got* тузилмасидан ташқари, *have* феъли ҳам эгалик маъносини англатади. Лекин *have*, одатда, мавҳум отлар билан ишлатилиш баробарида доимий эгалик семантикаси билан фарқланади ва шунинг учун ҳам результативлик маъноси мазкур феълга хос хусусият эмас, деб баҳоланади. Бундан ташқари, Б.Хайне жаҳон тилларида результатив тузилмаларни таҳлил қилиш жараёнида тўлалигича феълнинг результатив грамматик категориясини ҳосил қилмаган, аммо посессив маънога эга бўлган тузилмалар мавжудлигига ҳам тўхталади. У “результатив посессив” ва “инхоатив посессив” синонимиясини қарама-қарши қўяди (В.Heine; 1997, 130—131).

Ж.Миллер турли посессив ва результатив тузилмалар ўтимли феълларнинг кўпчилигига хос хусусият эканлигини таъкидлайди. Бунда ўтимли феъл ўз хусусиятини ўтимсизликка ўзгартириши орқали амалга оширилиши мумкинлигига тўхталади ҳамда қуйидаги мисолни келтиради: *You have access to a vein gained and cardiac analysis done* (J.Miller; 2004, 239). Мисолдаги феълнинг сифатдош II шакллари билан ифодаланган результативлик ўтимли хусусият сифатида намоён бўлган. Сифатдош II шаклида қўлланилган ўтимсиз феъл ҳам ўтимсиз маъно ифодалаш имконига эга. Масалан: *There's something fallen down the sink; there's one person injured in the explosion (British corpora); Make that forehead to chin, she thought, forced, despite her highest heels, to look up.* (Liz Fielding, 9). Келтирилган мисоллар кўрсатадики, результатив маъно феълнинг ўтимли ёки ўтимсизлик хусусиятига боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам бу ҳодисани феълнинг динамиклик/статиклик, акционал (чегараланганлик/чегараланмаганлик) каби аспектual жиҳатларидан излашга

этибор каратилиши лозим. Иккиламчи предикат вазифасида келган тил бирликлари орқали ифодаланадиган резултатив маънолар эса асосий предикатни ҳосил қиладиган феълнинг ўтимли ёки ўтимсиз хусусиятига боғлиқ бўлиши мумкин.

Резултатив тузилманинг наъмунавий кўринишига *have* кўмакчи феъли ва *have got* бирикмасининг ўтимли хусусияти асосида қуриладиган тузилмалар мисол бўла олади: *I have the letter written; I've got the letter written*

Аммо барча ўтимли феъллар билан ифодаланадиган ҳодисаларни ҳам резултатив тузилмалар ҳосил қила олади, деб айта олмаймиз. Мисол учун *to take the book off the table* / *китобни столдан олмоқ* бирикмаси объект мавжудлик ҳолатининг йўқолиши ёки мавжудлик ҳолатининг ўзгаришини англатмайди ва субъектнинг саъй-ҳаракати натижасида бирор натижага эришилганлик семантикасини билдирмайди. Шу сабаб, бу каби бирикмаларни резултатив тузилмалар қаторига киритмаймиз. Резултативликка оид кенг қамровли тадқиқотларни олиб борган В.П. Недялков ва С.Е. Яхонтовлар “посессив резултативлик” атамасини қўллашади. Муаллифлар мазкур атамани ўтимли феъл билан ифодаланган эгалик семантикасига нисбатан қўллашади ва *я взял шляпу' / 'я держу шляпу'* мисоли орқали тушунтиришади (В.Недялков, С.Яхонтов; 1983, 17-18). Фикримизча, бу ҳол бирор ҳаракатнинг натижасини ифодаламайди, шунинг учун ҳам уларни резултатив тузилма сифатида қабул қилишдан тийилдик. Умуман, посессив резултативлик атамасидан фойдаланиш ўринли, деб ҳисобламаймиз. Бу каби ифода усуллари ўтимли феълнинг одатий хусусияти саналади, деган фикрдамиз. Муаллифлар резултативликнинг эргатив тури атамасидан ҳам фойдаланишади. Бунда субъект ва объект резултативлиги икки диатезали кўрсаткичга эга саналади (В.Недялков, С.Яхонтов; 1983). Эргативлик тури ўтимсиз феълнинг якка-ю ёлғиз актанти ва маълум таъсир натижасида ўзгаришга юз тутган объектдаги резултативликка нисбатан ишлатилади. Мазкур ҳолда субъект ҳолатининг ўзгариши иккиламчи характерга эга саналади (Comrie; 1981, 112–114).

Результативлик билан алоқадор бўлган яна бир ҳодиса стативлик ҳисобланади. Баъзи тилшунослар результативлик ва стативликни битта грамматик синонимия қаторида кўришади. Жумладан, В.П. Недялковнинг таъкидлашича, результативлик ва стативлик ўртасидаги фарқни аниқлаш мураккаб саналади ва уларни биргаликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ (В.Недялков, 1981: 161). Результативликни ифодалайдиган асосий лексик манбалар сифатида ҳолатни англатувчи феълларнинг равишдош, сифатдош ва феълдан ясалган отлар билан бирикиши таъкидланади (В.Недялков; 1981, 164), (J.Bybee; 1995, 425–455). Результативликни англатувчи лексик бирликларнинг аксари ҳолат маъноси билан узвий боғлиқликка эга. Мазкур ҳолни инглиз тилидаги *to be* феъли ва сифатдош II (Р II) бирикмасида кузатиш мумкин. Шакл жиҳатдан мажҳул нисбат сифатида қараладиган ушбу бирикма ўзига хос результатив тузилмани ташкил этади. Масалан: *He was gone*.

Ўзбек тилида эса, кўпгина ҳолларда, результатив маъно статив семантикали кўмакчи феъл ҳамда ҳолатни англатувчи етакчи феъл бирикмаларида юзага келади. Мазкур ҳолда субъектнинг нутқ вазиятидаги ҳолати семантикаси олдин содир этилган ҳаракатга нисбатан результатив маънони билдиради. Масалан: *Сувга ивитилган қалампирмунчоқнинг ҳиди саримсоқ каби меъдага теккандай бўлди. Калакаланиб қолдим (Ғ.Ғулом, 114). – Кенжатой ўғлингиз Бўрибойвачча, теракка чиқиб, чумчуқ боласини оламан деб йиқилиб тушиб, бир марта “дада”, деди-ю, “эйқ..” этиб жон берди (Ғ.Ғулом, 214).*

Маълум бир лексемалар, грамматик кўрсаткичлар ёрдамида юзага келадиган результатив маъно кўпгина ҳолларда лексик манбага бориб тақалади. Результатив хусусиятга эга бўлган феълларнинг объектга нисбатан муносабатини қуйидаги компонентларга ажратиш мумкин: “мақсадли натижага эришиш” (X (субъект) Y (объект) ҳолатини ўзгартириш орқали результативликка эришади, масалан; *to destroy the files; сабзини тўғрамоқ*), “замонга алоқадор натижа” (X (субъект) нутқ вазиятидан олдин Y (объект)ни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказиши орқали результативликка эришади,

масалан; *He spilled the milk*; мушук сутни аздариб юборди), “каузатив результативлик” X (субъект) бошқа шахсга Z (бошқа шахс) жисмоний ёки вербал таъсир этиш натижасида Y (объект) ҳолатини ўзгартиради, результативликка эришади.

Маълумки, инглиз тили феъл тизимининг аспектида З.Вендлер таснифига асосланиб, предикатларни *activity*, *state*, *accomplishments* ва *achievements* (Vendler Z, 1967) каби турларга ажратиб таҳлил қилиш кенг тус олган. Бунда ҳар қандай предикат ушбу турларнинг бирига тегишли саналади. Аммо результативлик семантикасини ушбу турлардан қай бирига киритиш борасида аниқ фикрга келинмаган. Жумладан, В.Крофт, Ж.Кариер, Ж.Рандаллар результативликни *accomplishments* (тугалланиш) турига тегишли (W.Croft; 2001, 416; J.Carrier, J.H. Randall; 1992, 173-234) деган фикрни илгари суришса, Мак Ковлей, Рапппорт Хавов, Б.Левин кабилар *achievements* (натижага эришилганлик) (J.Mc. Cawley, 1981; M.Rappaport Hovav, B.Levin; 2001, 766–797) турига хос деб баҳолашади. А.Голдберг эса результативликнинг ўзи алоҳида чегараланган хусусиятга эга бўлган фраза деган ғояни илгари суради (A.Goldberg; 2006, 188). Муаллифнинг фикрича, результативлик *accomplishments* ёки *achievements* каби мустақил таснифга учрайдиган ҳодиса эмас. Мисол тариқасида *activity* гуруҳига тегишли бўлган *push* феълени келтириб ўтади (*Terry pushed the door shut*). Результативлик феъл ифодалаган ҳаракат натижасида аргумент ҳолатининг ўзгариши, маълум натижанинг юзага келишидир (A.Goldberg; 2006, 188).

Результатив бирикмаларни ҳосил қиладиган аспектида синфлар борасида кўплаб қарама-қарши фикрлар мавжуд. Жумладан, Ван Валин результативлик фақат чегараланган предикатларда учрайди деган фикрни илгари сурса (Van Valin, 1990), Д.Доути ва Р.Жаккендофлар эса *activity* турига мансуб чегараланган хусусиятли феълларга хослигини таъкидлашади (D.Dowty, 1991; R.Jackendoff, 1990). Т.Хоекстра эса результативликни статик феъллар ва статиклик натижасида юзага келадиган ҳолат билан боғлайди (Т.Ноекстра,

1988). Одатда, результативликни феълнинг лексик-семантик маъноси билан боғлаш ҳам кенг тус олган.

Результативликни англатувчи лексик ифодани қўллашда куйидаги семантик чекланишлар таклиф этилади: результативликни ҳосил қиладиган ҳар иккала аргумент (агенс ва пациенс) ҳам бир хил вазифани бажаради; каузациянинг амалга оширилиши жараёнида вақт оралиғи мавжуд бўлмайди; результативликни англатувчи сифат аниқ ифодаланиши керак; результативликни билдирувчи сифат тузилманинг ажралмас бўлаги сифатида баҳоланади. Аммо мазкур семали феъллар ҳамма тилларда ҳам бир хил эквивалент сифатида амал қилавермайди. Баъзи тилларда ушбу ҳодиса грамматик шаклланган бўлиши мумкин. Результатив хусусиятга эга бўлган феъллар семантикасини бирлаштирувчи компонентлар сифатида объектнинг бирламчи ҳолати бутунлай ўзгариши натижа сифатида қабул қилиниши, каузатив жараён, ҳаракат натижасида объектнинг бирламчи ҳолатини умуман йўқотиши кабиларни келтириш мумкин. Схемалар турли контекстларда янгиланади, бундай янгилашнинг меъёри унинг тўлдирилиши лозим бўлган тугунлар (слотлар) миқдори билан белгиланади. Бинобарин SVO қолипи эга (субъект) феъл ва объект иборалари тугунлардан таркиб топади (Ш.Сафаров; 2019, 57). Шунингдек, бир феъл лексемаси турли грамматик бирликлар таъсирида ҳар хил семантик ифодага эга бўлиши мумкин. Мисол учун инглиз тилидаги результатив маъно синтактик-семантик хусусият бўлса, ўзбек тилида ҳар доим ҳам бир хил сема билан ифодаланмайди. Қиёсланг: *Meanwhile Mr. McGowan's smile faded to a look of perplexed gloom. (O'Henry, 43); Мени шуур тарк этган, бутун вужудим карахт бўлиб қолган эди (С.Аҳмад, 29).*

Инглиз тилидаги мисолда *to fade* феъли семантикасида результатив сема мавжуд. Мазкур феъл ҳолат ўзгаришини англатади. Ўзбек тилидаги мисолда “тарк этган” мураккаб феълли бирикма ва “бўлиб қолган эди” аналитик шакллари ҳолат ўзгаришини англатган, ҳамда результатив маъно юзага келган.

Результативлик, ўз навбатида, интенционал ҳаракатлар билан боғлиқ. Бу эса интенционал результативлик атамасининг юзага келишига сабаб бўлди

(H.Filip, 1993, A.Goldberg; 2006, 28). Бунинг оқибатида, инглиз тилида интенционал резултатив феъллар гуруҳи шакллантирилган. Қуйидаги феъллар инглиз тили интенционал резултатив сема гуруҳини ташкил қилади: *annihilate, demolish, ruin, wreck, break, shatter, smash, pulverize, cremate, consume, dissolve* в.х.к. *behead (decapitate) wreck – burn (consume, devour), disintegrate – crush₁, explode – break, burst – blast, dynamite – mine, melt – dissolve flatten* (J.Bowers; 1993, 591-656).

Феълнинг синтактик-семантик хусусиятлари вазият иштирокчилари микдори ва улар бажарадиган вазифага, вазият тури ҳамда предикат ва аргументларнинг (эга, тўлдирувчи) мослашишига қараб белгиланади. Мазкур таркиб ўзига хос резултатив ифодага эга бўлиб, резултативлик объект сифатида қатнашаётган предметнинг йўқ бўлиши билан изоҳланади. *A beam would fall and smash the tomb* (E.Schultze-Bernd, N.P.Himmelman; 2004, 59–131). Мазкур мисол XVcausY моделини ташкил қилади.

Резултатив тузилмалар каузатив тузилмалар билан узвий боғлиқликка эга. Каузатив вазият эса каузацияни амалга оширувчи шахс, каузацияловчи ҳаракат, каузацияга учрайдиган субъект, каузацияга учрайдиган объект, каузация таъсирида юзага келган ҳолат каби компонентлардан ташкил топади (Алисова, 1971; Арутюнова, 1976; Балли, 1955; Золотова, 1973; Недялков, Сильницкий, 1969; Чейф, 1975 ва бошқалар). Ушбу ҳолатда вазият семантикаси каузатив феъл таъсирида субъектнинг объект мавжуд ҳолатини йўққа чиқариши билан изоҳланади. Объектнинг мавжуд ҳолатини йўқотиши маълум натижа сифатида резултативликни ҳосил қилади. Иштирокчилар (субъект ва объект) вазиятга аниқлик киритувчи асосий вазифани бажаради. Жумладан, каузацияни амалга оширувчи шахс агентив каузатив, инициатив вазифаларни бажарса, объект эса каузацияга учрайдиган, инструментив, резултатив вазифада қатнашади.

Каузативлик тушунчаси феъл билан ифодаланган кесимдаги сабаб ва оқибат семантикаси таъсирида объектга таъсир ўтказиш ва объектни бошқа

ҳолатга келиши натижаси деб қаралади (В.П. Недялков, Г.А. Отаина, А.А. Холодович; 1974).

Результатив тузилмалар бевосита феълнинг акционал хусусияти билан боғлиқ ҳодиса саналади. Хусусан, феълнинг чегараланган хусусияти феъл лексемасидаги ҳаракатнинг тугал нуқтага интилган семаси мавжудлиги билан изоҳланади (Петрухина; 2000, 24) ва шунинг учун ҳам результатив тузилмаларнинг юзага келишида мазкур ҳодисага мурожаат қилиш муҳим саналади. Феълнинг акционал хусусияти результатив тузилмаларни шакллантирадиган асосий манба ҳисобланади.

1.4. Результатив ва перфект муносабатларига назарий қарашлар

Результативлик тадқиқи билан шуғулланган В.П. Недялковнинг таъкидлашича, результативлик перфектга жуда яқин бўлган грамматик маъно саналади (V.Nedjalkov, 1988). Результативлик илгариги ҳаракат натижасида объект ҳолати ўзгаришини белгиловчи шакл (В.Недялков, С.Яхонтов; 1983, 7), результативлик ўтган замондаги маълум бир ҳаракат таъсирида юзага келган объектнинг ҳолати ҳисобланади (J.Bybee; 1994, 53). Результативлик ва перфект муносабатлари борасида олимларнинг қарашлари ҳар доим ҳам мос келавермайди. Жумладан, Ю.С. Маслов результативлик перфектнинг асосий манбаси саналишини [Маслов; 1983, 46] таъкидласа, Байби эса перфект грамматик асосга эга бўлган тугалланган ҳодисанинг бош кўрсаткичи, результативлик лексик асосга эга ҳодиса (Bybee J., 1994: 69—74), деб таъриф беради.

Результативликни перфектдан фарқловчи бир неча диагностик контекст ажратиб кўрсатилади. Бунга кўра результативлик матндаги баъзи равишлар, ҳол вазифасидаги тил бирликларининг семантикаси таъсири орқали аниқланади. Бундан ташқари, ҳолат ўзгаришини англатувчи феъллар ҳам (*to break, to build*) результатив тузилмаларни ташкил этади. Феълнинг чегараланганлик хусусияти ва результатив маъно боғлиқлиги борасидаги

масалага оид тадқиқни В.П. Петрухинанинг ишларида кузатишимиз мумкин (П.В. Петрухина; 2000, 55-56).

Перфект таҳлилига ёндашувлар турличадир. Баъзи ҳолларда перфект замон, таксисга мансуб бўлган граммема сифатида талқин қилинади. Мазкур ҳолда перфект нутқ вазиятига мос келадиган, аммо саноқ бошига (точке отсчёта) нисбатан олдин содир этилган (Е.В. Падучева; 2004, 46-57) воқеа-ҳодисага муносабат сифатида қаралади. Б.Комри инглиз тилидаги перфектга нисбатан эксперинциал (тажрибалар асосида юзага келган) маъно таърифини беради. Муаллифнинг талқинича, перфект ўтмишда содир этилган воқеа-ҳодисанинг ҳозирги ҳолатга келиши натижасидир (В.Сомри; 1985, 58). Ж.Байбининг перфект борасидаги қарашлари нисбатан фарқ қилади. Унинг фикрича, ўтмиш тажрибалари билан боғлиқ маълум билимлар асосида агенсга сифатий нисбат берилишидир, масалан: *Have you ever met my brother?* (J. Bybee; 1994, 62).

Перфектни янги маълумотларни ўзида акс эттирувчи прагматик ҳодиса сифатида талқин этувчи тилшунослар (Mc.Cawley, 1971; O.Dahl, Hedin; 2000, 385–386) “*The king has arrived!*” ҳам мавжуд. Замонавий инглиз тилида *have* ҳамда *be* кўмакчи феълларининг сифатдош икки шаклига бирикиши орқали ҳосил бўладиган конструкциялар ифодаладиган маъноларни семантик жиҳатдан фарқлашга қаратилган ҳаракатлар учрайди. Жумладан, *He is fallen*, *He is gone to the market* гапларидаги *be* кўмакчи феъли ва сифатдош икки шакли бирикмаси резултатив маънони ифодалаши таъкидланса, *have* кўмакчи феъли ва сифатдош икки грамматикаллашган перфект сифатида баҳоланади ва резултативдан фарқланади.

В.А. Плунгяннинг талқинига кўра, перфект ва ноперфект шакллари кийёсий ўрганиш асосий вазифадир, қолган шакллар эса соф замонга хос функциялардир (В.А. Плунгян; 2011, 399). Бу инглиз тили феълининг шахс шакллари орқали ифода қилинган замон категориялари ва тусларни ўз ичига оладиган ҳодиса сифатида баҳоланади. У перфект шаклларни тус-замон сифатида тавсифлайди. Муаллиф перфект ва резултативликни бир ҳодиса деб

талқин қилади. Ваҳоланки, результативлик фақатгина синтактик бирикиш билан боғлиқ ҳодиса эмас ва у лексик ҳамда семантик воқеланади.

Бу борада Е.В. Падучева “кўпгина тилларда перфект диахроник результативликка киради, шундай экан, “перфект” тушунчаси остидаги аналитик замонларнинг грамматикалашуви результатив тузилмаларнинг ҳосил бўлишида лексик чегараланишнинг йўқотилишига олиб келади”, деган фикрни келтиради (Е.В. Падучева; 1998, 142–156).

Инглиз тилидаги перфект грамматик шакли перфект маъносининг прототипи сифатида олинади. Аммо ушбу категория билан алоқадор бўлган масалалар етарлича тадқиқ этилмаган. Инглиз тили перфект шакллари англатадиган маънолар борасидаги қарашлар назарий жиҳатдан, ва шунингдек, амалий грамматикаларда ҳам фарқ қилади (R.Novav, V.Levin; 2001, 766–797). Перфект ва результативлик фарқланишига прагматик нуқтаи назардан эътибор қаратганлар ҳам мавжуд. Мисол учун Б.Комри таърифича, “перфект нутқ вазиятидан олдин содир этилган ҳодисани” англатади (B.Comrie; 1985, 52), результативлик нутқ вазиятига алоқадор воқеа-ҳодиса тарзида баҳоланади. Маънонинг ҳосил бўлиш омилларини англаб етиш учун тил бирликларининг, бир томондан, функционал динамик тизимга хос жиҳатларини инобатга олиш лозим бўлса, иккинчи томондан, уларни инсон тажрибаси давомида тўплаган билим маҳсули сифатида қараш лозим бўлади (Ш.Сафаров; 2013, 97).

Америка инглиз тили сўзлашув нутқи тадқиқотчиларининг (J.Lindstedt, 2000), (D.J.Napoli, 1992) таъкидлашича, ўтган замон (Past Indefinite) ва перфект шаклининг аралаш шакли ёки перфектнинг *have* кўмакчи феъли иштирокидаги шакли Америка оғзаки нутқида муомаладан чиққан. Шунинг учун ҳам улар оғзаки нутқ вазиятига алоқадор воқеа-ҳодисани результативлик билан боғлаш маъқул, деб ҳисоблашади.

Перфект типологик нуқтаи назардан тасвирланганда бошқа тилларга нисбатан инглиз тилида грамматик жиҳатдан шаклланганлиги кўринади. Мазкур тилда перфектни прототип сифатида олиш мумкин. Инглиз тилидаги перфект шакллари тадқиқи турли ёндашувлар татбиқида олиб борилган бўлса-

да, ушбу категория билан боғлиқ бўлган барча масалалар тўлалигича тадқиқ этилгани йўқ. Жумладан, перфект грамматик категорияси ифодаладиган семантик хусусиятлар, феълнинг лексик-семантик гуруҳларининг ушбу шаклдаги маънолари қиёсий ўрганилмаганлиги, концептуал моҳияти ва мулоқот жараёнидаги прагматик ифодаси таҳлили бунга мисол бўла олади. Перфект шаклида ифодаланадиган маъноларни аниқлаш мураккаблиги “давомийлик” семантикаси билан ҳам боғлиқ. Мазкур ҳолат мулоқот жараёни ҳамда нутқ вазияти билан бевосита алоқадор бўлиб, тадқиқотчилар уни “давом этаётган релевантлик” атамаси билан номлайди (McCawley; 1971, 54). Результивлик ва перфект маъноларининг ҳосил бўлиши феълнинг акционал хусусияти (чегараланган/чегараланмаган) билан ҳам боғлиқ (Б.Ризаев, 1988; Ғ.Мирсанов, 2009). Перфект шаклида результив маъно ифодаланиши кўпгина ҳолларда чегараланган акционал хусусиятга эга бўлган феълларга хос ҳодисадир. Перфектив маъно эса чегараланмаган акционал хусусиятли феълларда ифодаланиши мумкин. Шунингдек, перфект таксис муносабатларининг юзага келишида муҳим аҳамият касб этади.

Результивлик кўп ҳолларда феълнинг лексик хусусияти таъсирида юзага келадиган ҳолат ўзгариши маъноси билан боғлиқ. Перфект эса мулоқот вазиятига алоқадор бўлган кўплаб прагматик омилларга асосланган бўлади. О.Даллнинг таъкидлашича, перфект, бир қарашда, результивлик билан мос келадигандек туюлади, аммо у результивликнинг муҳим шакли сифатида қаралмаслиги лозим. Чунки ушбу категория фақатгина ташқи кўриниши жиҳатидан вазиятга мос келадиган ҳодисадир. Перфект ўтган замонда содир этилган воқеа-ҳодиса натижасида юзага келган прагматик ҳолатни англатади. Результивлик ва перфектни фарқлашда феълнинг акционал хусусияти муҳим ўрин тутиши борасида қарашлар мавжуд. Жумладан, чегараланмаган хусусиятли феъллар перфектни юзага келтиради, деб ҳисобланади (И.П. Петрухина; 2000, 56. J.Bybee; 1994, 68–69. O.Dahl, E.Hedin; 2000, 385–402. J.Lindstedt; 2000, 368).

Ҳозирги кунга келиб, Америка ва Британияда инглиз тилини алоҳида тил сифатида ажратиб ёки қиёсий ўрганишлар кенг тус олмақда. Бунга ушбу тиллар оғзаки нутқидаги кўплаб лексик бирликларнинг фарқланиши, фонетик номутаносиблик, грамматик категориал белгилардаги фарқларнинг юзага келаётганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда (J.Miller, 2004). Таъкидланганидек, АҚШда қўлланиладиган оғзаки инглиз тилида перфект шаклининг муомаладан чиқиб бораётганлиги кузатилмоқда. Оқибатда, феъл перфект шакли ўтган замон кўшимчаси ёки сифатдошнинг икки шакли билан ифодаланиши кенг тус омокда. Замоनावий афроамерикаликлар нутқида *have кўмакчи феълнинг ўрнини done + претерит done ate* (еб бўлди) шакли эгаллаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Инглиз тили перфект шакллари ва улар ифодалайдиган маънолар фарқланиши Afroamerican English, Indian English, Samanian English каби вариативликнинг юзага келиши билан боғлиқ. Мисол учун Доминикан Республикасида қўлланиладиган инглиз тили вариантыда *have кўмакчи феъли аллақачон нутқдан чиқиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд* (H.Lødrup; 2000, 171-188). Қиёсланг: *she has been married - she been married* ёки *I have been to New-York -I done been to Miami* 'каби фарқланишга эга.

Э.Даль ва Е.Хединлар “давом этаётган релевантлик” тушунчасини прагматик нуқтаи назардан таҳлил этади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, *A bank has been robbed* (банкни ўмаришди) мисолидаги воқеа-ҳодисанинг натижаси эмас, балки мулоқотдошлар учун ушбу ҳодисанинг ҳозирги воқелик билан алоқадор бўлган жиҳатлари муҳимдир. (O.Dahl, E.Hedin; 2000, 391—392). Албатта, мазкур ҳолда сўзловчи содир этилган ҳодиса тўғрисидаги маълумотни етказиб қолмасдан, мазкур ҳодиса натижасида юзага келган бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳим эканлиги назарда тутилади. Бу, ўз навбатида, маъно ўзгаришига ҳам олиб келаётганлигини кузатиш мумкин. Бунда вақт оралиғи билан алоқадор бўлган семантик ўзгариш содир бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Перфект шакли келтириб ўтилган вариацияларда нутқ вазиятига нисбатан яқин ва узоқ ўтмиш кўрсаткичига айланаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин (J.Miller; 2004, 233). Аммо

“перфект бирор ҳаракатнинг тугалланиши натижасида юзага келган кучсизланган резултатив”, деган таърифга содиқ қолган тилшуносларни ҳам учратиш мумкин (В.А. Плуноян; 2000, 299). Бизнинг фикримизча, перфект ва резултативлик алоҳида ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Перфект шаклларида ифодаланадиган баъзи резултатив маънолар резултатив тузилмалар асосида қурилган. (М.Е.Ритц; 2012, 889) Яъни резултативлик шаклда эмас, балки бирикмадаги лексик хусусиятга боғлиқ саналади. Перфект ва резултативлик ўртасидаги фарқни ажратишда ҳолат ва ҳаракат семантикасига эътибор қаратиш лозим бўлади. Жумладан, перфектнинг семантикасини воқеа-ҳодиса тугалланиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида қараш лозим. Резултативлик эса ҳолат семантикаси саналади. Перфект маълум вазиятларда резултатив маънони англатса-да, бу ҳолат ўзгариши натижаси деб эмас, балки воқеа-ҳодисанинг натижаси сифатида баҳоланиши лозим. Бу бевосита феълнинг лексик маъноси асосига қурилган ҳамда маълум мулоқот вазиятида прагматик муносабатларни ҳосил қилади. Э. Дальнинг фикрича, перфектнинг қўлланиши тасаввур қилинган вазиятнинг бирор натижа билан тугашига боғлиқ. Шунинг учун ҳам муаллиф перфектни прагматик резултативликни юзага келтирувчи ҳодиса деб баҳолайди. Натижа ёки ҳолатнинг юзага келиши олдин содир этилган воқеа-ҳодиса билан алоқадордир (О.Дahl, Е.Нedín; 2000, 392).

Ўзбек тилида перфект маъноси яқин ўтган замон шакли ва “бўлмоқ” кўмакчи феъли ёрдамида ҳозирги замон билан алоқадор бўлган натижавийликни ҳосил қилади. Натижавийлик ўзбек тилида, асосан, баъзи кўмакчи феълли бирикмаларда юзага келади. Хусусан, ўзбек тилидаги “бўлмоқ”, “чиқмоқ”, “тугатмоқ” каби кўмакчи феъллар етакчи феъл билан ифодаланган ҳаракатнинг тугалланганлиги ва унинг натижасини англатиб келади. Масалан: *Тузалгандан кейин бир оёғи оқсайдиган бўлиб қолган* (Саид Аҳмад, 205). *Бир кун шундай кеч қайтиб келиб қарасам, ойм айвонда йиглаб ўтирибди.*” *Маъсуда йўлда кўнгли озиб йиқилиб қолибди, касалхонага олиб кетишди, аҳволи оғир*”, дейди (Пиримқул Қодиров, 141).

Результативлик ва перфект ўртасидаги фарқларни аниқлаш муҳим жиҳат саналади. Ўзбек тилшунослигида аспектиалликка оид ишлар мавжуд бўлса-да, уларда перфект ва результативликнинг фарқи акс этмаган. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар етакчи феъл билан бирикиш орқали турли маъноларни юзага келтиради. Улар баъзи ҳолларда бир-бирига яқин маъноларни англатади, деган фикр ҳам юзага келиши мумкин, масалан, *китобни ўқиб бўлмоқ*, *китобни ўқиб чиқмоқ*, *китобни ўқиб тугатмоқ* бир қарашда бир хил маъно, яъни ўқиш жараёнининг ниҳоясига етганлигини ифодалайди. Аммо улар матнда қўлланилиши билан аспектиал маъно жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, *китобни ўқиб бўлмоқ* иборасида китобни ўқиш жараёни якунланганлиги назарда тутилади. *Китобни ўқиб чиқмоқ* бирикмасида эса ўқувчи томонидан китоб ҳар томонлама ўрганилганлиги маъноси англашилади. *Китобни ўқиб тугатди* бирикмасида маълум хатти-ҳаракат натижасида (ва ниҳоят) ўқиш жараёнининг тугалланганлиги назарда тутилади. Ушбу бирикмаларнинг қай бири перфект, результативлик ёки тугалланганликка оидлиги ҳақида савол туғилади. Фикримизча, *китобни ўқиб бўлмоқ* бирикмаси матнда бошқа воқеа-ҳодисалар билан маълум алоқадорликка эга. Шунинг учун ушбу бирикмани перфект билан боғлаш мумкин. *Китобни ўқиб чиқмоқ* конструкцияси эса тўлиқ тугалланганлик, натижа билан боғлиқ. Шу сабаб ушбу бирикмани результативликка хос хусусият сифатида баҳолаш мумкин.

Олиб борилган таҳлилларимизга таяниб, таъкидлашимиз мумкинки, результативлик перфектдан фарқли ўлароқ қатор грамматик, лексик, синтактик, контекстуал ифодаланишларга эга. Аммо тиллар тизими, структураси бир-биридан фарқ қилганлиги сабаб уларни тадқиқ этишда семантик фарқланишларга кенгроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам перфект грамматик шаклланган инглиз тилида маълум қийинчиликларни туғдириши мумкин. Инглиз тилидаги грамматик шаклланган аналитик перфект шакллари ҳар доим ҳам кучсизланган результативликни англатавермайди. Ушбу шакллардаги результативлик ва бошқа ифодаланадиган маъноларни

фарқлашда феълнинг акционал хусусиятига (Б.Ризаев, 1999) эътибор қаратиш маълум натижалар бериши мумкин.

Результативлик ва перфектнинг фарқланиши бевосита ҳолат ўзгариши билан алоқадор саналади. Хусусан, результативлик ҳолатнинг аниқ ўзгаришини ифодалайди. Шундай бўлса-да, баъзи воқеа-ҳодисалар ҳам результативлик билан боғланади. Мисол учун “бирор киши қазо қилса, тор маънода унинг бу оламни тарк этганлиги воқеа-ҳодисанинг натижаси сифатида баҳоланади (Н.Meral, Mesut; 2005, 134-135)”. Результативлик феълнинг лексик маъноси таъсирида юзага келадиган аниқ ҳолат ўзгаришини англатадиган бўлса, перфект аниқ коммуникатив вазият билан боғлиқ прагматик “акс садо оқибатлари (O.Dahl, E.Hedin; 2000, 392)” билан изоҳланадиган маъноларни англатиши мумкин.

Результативликнинг семантик хусусияти бевосита феълларнинг акционал хусусияти билан узвий боғлиқ. Жумладан, феълнинг чегараланган хусусияти бунга мисол бўла олади. Чегараланган хусусиятли феълларда, одатда, ҳаракатнинг якуний нуқтага етганлиги ва шу орқали ҳаракатнинг тугалланганлиги семаси мавжуд бўлади. Бундан ташқари, мазкур феъллар ҳолат ўзгариши, бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтганлик маъносини билдирувчи феълларга нисбатан ҳам ишлатилади. Результативликда ҳаракатнинг якуний нуқтага етганлиги натижаси муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам ушбу категориянинг ифодаланиши феълнинг акционал хусусияти билан боғлиқ саналади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, акционаллик фақатгина феъл лексемасининг семантик хусусияти саналса, результативлик лексик-грамматик ҳодиса ҳисобланади.

Боб бўйича хулосалар

Аспектуаллик назарияси билан боғлиқ тадқиқотларнинг таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Аспектуаллик ходисаси универсал бўлиши билан бирга ифодаланиш усуллари ва воситаларига кўра ҳар бир тилда фарқ қилади. Ҳозирда аспектуал маъноларни тадқиқ этишда, асосан, функционал-семантик майдон назарияси ва композиционал ёндашув назариялари асосида иш олиб борилмоқда.

Аспектуал семантика феълга хос хусусият сифатида баҳоланса-да, уларнинг ифодаланишида контекстда иштирок этадиган барча лисоний воситаларнинг таъсири мавжуд. Жумладан, инглиз тилида аспект фақатгина феъл билан боғлиқ ходиса сифатида талқин қилинмайди. Аспект маъноси бутун предикатга хос бўлиб, аргументнинг миқдорий хусусиятларига боғлиқ тарзда амалга оширилади. Ўзбек тилида феълнинг аналитик шакллари, мураккаб феълли бирикмалар аспектуал маъноларни англатувчи асосий лисоний воситалар саналади.

Ҳар бир тилда аспектуал маъноларнинг ифодаланиш усуллари, тил бирликларининг фарқланиши, акционсарт таснифида ифодаланадиган маъно турларининг фарқланиши, аспектуал маъноларни ҳосил қиладиган тузилмаларнинг ўзига хос турлари мавжудлиги аспектуал соҳага оид терминларнинг ишлатилишидаги фарқланишга сабаб бўлган.

Инглиз ва ўзбек тилларида аспектуалликни ифодаловчи воситалар лексик, синтактик, морфологик ва семантик жиҳатдан фарқ қилади. Бу, бевосита резултативликни англатувчи тил воситаларига ҳам хос хусусият саналади.

Инглиз тилида резултативлик ва перфектнинг фарқланиши прагматик омилларга бориб тақалади. Кўплаб тилшунослар перфектни прагматик воқеликка алоқадор ходиса сифатида баҳолашади. Резултативлик эса лексик-семантик хусусият сифатида тан олинади. Ўзбек тилида резултативлик ва перфект маъноларнинг фарқли жиҳатларини аниқлашга қаратилган ишлар амалга оширилмаган. Шундай бўлса-да, перфект ва резултативликни кўмакчи

феълларнинг қўлланилиши ва матн муносабатида фарқлаш мумкин, деган мулоҳазага келдик.

Аспектуал семантика доирасида резултативлик ифодаланиш усули ва воситаларининг турли-туманлигига кўра махсус тадқиқотларда муҳим ўрин тутди. Чунки, резултативлик ўзига хос бирлик ва тузилмаларда ифодалана олиш имкониятлари билан ҳам ажралиб туради. Бу эса резултативликнинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланишига сабаб бўлди.

II БОБ. РЕЗУЛЬТАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ВОҶЕЛАНИШИ

2.1. Результив тузималарнинг лингвистик моҳиятига кўра фарқли жихатлари

Тузилмалар (конструкция) синтаксис ва семантика боғлиқлигини ўрганишда асосий ўрин тутди. Конструкция (тузилма) атамаси ифодаланиш режаси ва мазмунига эга лисоний ифодага нисбатан қўлланилади (Е.В. Рахилина; 2010, 18). Мазмун ва шаклга эга бўлган ҳар қандай сатҳдаги тил бирликлари ва бирикмалар тузилма ҳисобланади ва унинг элементлари морфема, сўз, бирикма, гап ҳам бўлиши мумкин (Ch. J.Fillmore, P.Kay; 1997). Шундай қилиб, каузатив ифода, нисбат, нисбатга хос бирикмалар, результив, инхоатив, итератив иборалар аспектвал тузилмага мисол бўла олади. Бизнинг таҳлилимизда результив, каузатив, пассив, депиктив тузилмаларга эътибор қаратилган. Мазкур тузилмалар шаклан ва мазмунидан бир-бирига яқин бўлганлиги сабаб улар катта гуруҳни ҳосил қилади. Результив, депиктив, каузатив тузилмаларда феълнинг лексик асоси, синтактик боғланиши бир хил кўринишга эга. Результив, депиктив, каузатив тузилмалар шаклан бир-бирига жуда яқин бўлса-да, ифодаланадиган семантик хусусияти билан фарқ қилади. Баъзи ҳолларда бир тузилма доирасида каузативлик ва результивлик ёки каузативлик ва депиктивлик маънолари мужассам бўлиши мумкин. Тузилмалар ҳар бир тилнинг амалий ифодасини берувчи асосий бирлик саналади. Маълум ибораларни ташкил қиладиган структураларнинг ясалишида бирор элемент маъно жиҳатдан бошқасининг имкониятларига мустақил тарзда боғланса, у тузилма ҳисобланади (А.Goldberg; 1995, 10).

Тил бирликлари тадқиқининг конструкцион ёндашувида каузатив ҳаракатлар, мақсадли трансформация, каузация натижасида юзага келган результивлик, мураккаб тўлдирувчи маъноларини қамраб оладиган таҳлил турлари тушунилади. Бу маълум морфологик, синтактик, лексик боғланишлар ёрдамида ўзига хос қолип сифатида олинади. Мисол учун ўтимли феъл

тузилмаларида бевосита агенс, пациенс ва адресат бажарадиган вазифалар ҳамда уларнинг қайси феъл синфи билан боғланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, воситасиз тўлдирувчилар бевосита феъл аргументи деб баҳоланмайди, балки тузилма сифатида қаралади (A.Goldberg; 2001, 117).

Кўпгина тилларда каузативлик ва результативлик билан алоқадор бўлган тузилмалар синтактик ва семантик жиҳатдан алоҳида тадқиқ этилган. Тадқиқотчилар каузативлик ва результативлик ифодаланишини интенционал, вазифавий, жисмоний ва лисоний хусусиятларига қараб бир-биридан фарқлашади (В.П. Недеялков, 1983). Каузативлик ва, шунингдек, результативликнинг ифодаланиши ҳар бир тилнинг морфологик, синтактик шаклланишига кўра фарқ қилади. Баъзи тилларда мазкур ходисалар морфологик кўрсаткич, синтактик шаклга эга бўлса, бошқаларида лексик хусусиятга эга. Лексик хусусият морфологик шаклланган тилларга ҳам хос жиҳат саналади. Чунки баъзида каузативлик ва результативлик бевосита феълнинг лексик ва семантик хусусияти билан боғлиқ тарзда юзага келади. Морфологик ва синтактик жиҳатдан улар маълум тилларга хос хусусият саналади. Мазкур тузилмаларда феълнинг ифодаланиши кўшимча аргументни бўйсундиришига қараб каузатив, депиктив ва результатив маънони англатиши мумкин. Жумладан, инглиз тилидаги каузатив феъллар мураккаб тўлдирувчини бўйсундириши ёки объектнинг ҳолатини ўзгартириш билан боғлиқ маълум сифатлар бирикиши орқали махсус каузатив ва результатив тузилмаларни шакллантириши бунга яққол мисол бўла олади.

Результативлик, ўз навбатида, феълнинг статик хусусияти билан ҳам алоқадор бўлиб, бунда статик предикат результатив тузилмаларни ҳосил қилади. Масалан, *The lake froze solid*. Предикатда ифодаланадиган результатив ва депиктив тузилмаларни ҳам фарқлаш талаб этилади. Результатив тузилмаларда предикат ифодаладиган ҳаракатнинг замон билан алоқадорлиги уларни депиктив тузилмалардан фарқлаш имконини беради. Мазкур ҳол ўзбек тилида яққол кўзга ташланади. Д.Насиловнинг таъкидлашича, ўзбек тилида феълнинг статик шакли результатив тузилмаларни ҳосил қилишда муҳим

аҳамият касб этади. Муаллиф мисол тариқасида *деворда милтиқ ос-иқлиқ* бирикмаларини келтиради. Бунда статик сифат предикат вазифасида резултатив тузилмаларни ҳосил қилган, деган фикр билдирилади. Кейинги *деворда милтиқ ос-ил-ган* мисолида эса мажҳул нисбат шаклидаги феълнинг перфект маъноси ҳосил бўлганлиги таъкидланади (Д.Насилов; 1983, 119).

Синтактик типологияда “результативлик” атамаси кетма-кет келган тузилмаларлардаги иккиламчи предикатга нисбатан қўлланилади. Масалан: *The lake froze solid, He shoot her dead* (S.Wechsler, 1997; R.Washio, 1999; Li, Chao, 2009). Резултативлик атамаси наздида трансформатив жараёнларнинг кутилган натижаси назарда тутилади (В.П. Недялков, 1983; А.А. Холодович, 1974).

Резултатив ва депиктив тузилмалар шаклан бир-бирига яқин ҳисобланади. Гапнинг кесимида ифодаланадиган депиктив маъно, одатда, ҳолатни, ҳолат ўзгаришини, ҳаракатни англатувчи феълнинг маълум семантик гуруҳларида ҳосил бўлади. Шунингдек, депиктив ифода от кесим билан ифодаланадиган шахснинг жисмоний ва психологик ҳолатини тасвирлашда ҳам ўз аксини топади. Масалан: *Унинг қалбида муҳаббат ҳисси уйғонган эди. Хона зах ва тартибсиз эди.*

Депиктив ифода семантик жиҳатдан шахснинг ҳолати билан боғлиқ маънони англатади. Депиктивнинг резултатив тузилмалардан фарқлайдиган яна бир жиҳати, у мураккаб тузилмали кесимни ҳосил қилмаслигида кўринади. Резултатив тузилмалар эса кўпгина ҳолларда бирламчи ва иккиламчи предикатлардан ташкил топади. Улар семантик жиҳатдан шахс билан боғлиқ бўлади ва резултативлик бирламчи предикат билан ифодаланган ҳаракат ёки ҳолат маълум вақтдан сўнг натижага эришилганлиги билан ҳам депиктивдан фарқ қилади. Масалан: *He pulled his tie **tight**. She snapped her bag shut* (S.Wechsler, 1997).

Резултатив маънолар ҳаракатни чеклайди ва унинг натижасини кўрсатади. Ушбу маънони англатувчи бирикмалар резултатив тузилма номи билан юритила бошланди. Мазкур тузилмалар, бевосита, предикат билан алоқадор бўлганлиги сабаб улар бош предикатнинг бир бўлаги, яъни ўзининг

синтактик вазифаси йўқ, деган фикрларнинг ҳам юзага келишига сабаб бўлди (D.Napoli, 1994).

Инглиз тилидаги мажҳул нисбат шаклига эга результатив тузилмалар грамматик шаклларнинг ривожланиш тарихига бориб тақалади. Ушбу тузилмалар ҳолат ўзгариши билан алоқадор бўлган мажҳул нисбат шаклининг маҳсули саналади. Ўзбек тилида результатив қурилмаларнинг баъзи кўрсаткичлари сифатида сифатдош шакли билан ясалган тузилмаларни мисол келтириш мумкин. Қиёсланг: *The windows of the brown-stone mansions were packed with the most opulent creations of Flora, the sister of the Lady of the Lilies.* (O'Henry, 272). *Ҳалиги газета ҳали ҳам букланган ҳолича қўлида турганини Аваз минбарга чиққанда сизди. Намсиз лабларини тили билан ялаб ўзини босишига тиришди* (Пиримқул Қодиров, 256).

Результатив тузилмаларни ҳосил қилувчи синонимик гуруҳлар ҳам мавжуд. Улар маълум аналитик шакллар ёрдамида ифодаланади ҳамда уларнинг синонимик гуруҳи ҳосил бўлишида кўмакчи феълларнинг ўрни муҳим. Кўмакчи феъллар инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ўзига хос вазифаларга, шаклга, маъно англатувчи хусусиятларга эга. Ушбу тилларда кўмакчи феъллар функционал жиҳатдан фарқ қилади. Кўмакчи феълларнинг результатив тузилмаларни ҳосил қилишдаги ўрни ва уларнинг қиёсий таҳлилига кейинги фаслларда батафсилроқ тўхталамиз.

Инглиз тили амалий грамматикаларида перфектга нисбатан бериладиган изоҳларда “натижаси маълум, тугалланган ҳаракат” каби перфект ва результативлик ўртасидаги тафовутни фарқламаслик ҳолатлари учрайди (F.R.Palmer;1987, 36). Формал жиҳатдан олиб қаралганда бу семантик фарқ ҳисобланиб, результативлик ҳозирги замонга тегишли бўлган воқелик билан алоқадор ҳодиса саналади (В.Недялков, С.Яхонтов; 1983). Маълумки, мажҳулликка хос бўлган результативлик ҳолат ўзгариши билан боғлиқ (В.Comrie, 1981). Умуман олганда, кўпгина тилларда результативликни ифодаладиган аниқ шакл йўқ. Хусусан, инглиз тилида результатив тузилмаларнинг мураккаб тўлдирувчи доирасида иккиламчи предикат билан

ифодаланиши алоҳида ҳодиса сифатида мавжуд. Аммо ушбу ҳодиса қатор лексик, синтактик ва семантик воситалар ёрдамида ҳам ифодаланади. Шунинг учун ҳам резултатив маънони акс эттирадиган барча шакллар таҳлил доирасига олинади. Жумладан, феълнинг лексик-семантик хусусияти, мажҳул нисбатли тузилмалар феълнинг сифатдош шакли, аналитик бирикмалар, мураккаб феълли бирикмалар, баъзи синтактик бирикмалар таҳлиliga эътибор қаратилади. Хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида резултатив ва каузатив тузилмалар фарқланиши, резултатив ва депиктив тузилмалар, резултативлик ва перфект фарқланишлари ҳам таҳлил доирасига киради. Резултатив тузилмаларни таҳлил қилишда одатда, қуйидаги мисолларга эътиборларини қаратишди ва уларни бевосита резултатив тузилмалар сифатида таҳлил қилишди:

- 1) *He wiped the table clean:*
- 2) *He hammered the metal flat* (S.Wechsler; 2005, 255-273).
- 3) *The river froze solid;*
- 4) *Bill followed the road into the forest* (A.Goldberg, R.Jackendoff; 2004).
- 5) *Ethan photographed Nathan happy* (Н.Рапопорт, 1993).

Келтирилган биринчи ва иккинчи мисолларда *wipe* ва *hammer* феъллари резултатив тузилмани семантик жиҳатдан тўлдирган. Ушбу мисолларда резултатив ва каузатив тузилма уйғунлашиб кетган. Учинчи мисолда эса феъл семантикаси ва сифат маънолари бирикувида резултативлик юзага келган. Кейинги тўртинчи ва бешинчи мисолларда депиктивлик ва резултативлик бир хил тузилма доирасида амалга оширилганлигини кузатиш мумкин.

Резултативликнинг ифодаланиши ва уни аниқлаш борасида кўплаб қарашлар мавжуд. В.П. Недялков ва С.И. Яхонтовлар резултативлик бирор олдинги ҳаракат натижасида юзага келган янги ҳолат деган таърифни беради (В.П. Недялков, С.И. Яхонтов; 1983,7). Муаллифларнинг таъкидлашича, резултативлик мажҳул нисбатга алоқадор ҳодисадир. В.С. Храковский эса резултативликни феълнинг акционал хусусияти билан боғлайди. У чегараланган хусусиятли феълларнинг сифатдош икки шаклини ушбу

маънонинг бош кўрсатгичи сифатида баҳолайди (Храковский; 1991, 151). Унутмаслик лозимки, мазкур хусусиятни барча тилларга хос жиҳат деб бўлмайди.

Т.Хукстра резултатив ва каузатив тузилмалар англатадиган ҳаракатларни таҳлил қилиш жараёнида, пациенсда содир бўладиган ўзгаришлардан қатғий назар, ифодаланадиган ҳаракатларни резултатив тузилмалар гуруҳига киритади (Т.Ноекстра;1988, 101-139). Муаллифнинг изоҳ беришича, резултативлик деганда объектнинг локатив ва сифатий ҳолатида бўладиган ўзгариш тушунилади. Т.Хукстра резултативлик ва каузативликни ягона тузилма доирасида ифодаланадиган семантик маънонинг икки хил кўриниши деб, изоҳлайди. У резултативликнинг локатив турига маълум ҳаракат билан объектга таъсир этиш натижасида юзага келадиган макон ўзгаришини англатувчи қурилмаларни киритади: *...he pushed a ball into the hole* (Т.Ноекстра; 1992, 45-75). Кўринадикки, ўтимли феъл билан ҳосил бўладиган семантик жиҳатдан резултативликка яқин бўлган маълум тузилмаларнинг резултативлар гуруҳига киритилиши ҳам масаланинг ҳали ҳамон баҳсли эканлигидан далолат беради ҳамда ушбу тузилмаларни типологик ўрганиш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатади. Структур лингвистика ва семантик синтаксис доирасида резултатив тузилмани иккиламчи предикат доирасида чегаралаш орқали масалани ҳал қилишга эътибор қаратилади (Kim Soowon, Joan Maling; 1997, 189-204). Мазкур йўналишларда мураккаб тўлдирувчи таркибида иштирок этаётган иккиламчи предикат (сифат, от, феълнинг шахсиз шакллари) резултатив маънони англатувчи унсур сифатида тан олинади ва асосий предикатдаги феълнинг семантик, резултативлик хусусияти ҳам эътироф этилади. Мазкур ёндашувда феълнинг агенс ва пациенсга бўлган таъсири эътибордан четда қолади. Шунинг учун ҳам бизнинг таҳлилимиз доирасида мураккаб тўлдирувчи таркибида ифодаланишидан ташқари резултативликни англатувчи барча лексик, морфологик, лексик-семантик воситалар ҳам ўрин олган. Чунки резултативлик нафақат иккиламчи предикат доирасида, балки аспектвал семантика таснифининг бир қисми сифатида феъл

семантикасига ҳам тегишли хусусият саналади. Шунингдек, типологик таҳлилда бир тилдаги тузилмалар иккинчи тилда бошқа таркибда намоён бўлиши ва аксинча, иккинчи тилдаги резултатив тузилма биринчисида умуман фарқли бирикмаларда ифодаланиши мумкин. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, резултатив, депиктив ва каузатив тузилмаларнинг алоҳида ёки бир-бирига яқин маъноларини ажратиш ҳам талаб этилади. Синтактик таркиб жиҳатидан ушбу тузилмалар бир хил структурага эга, аммо семантик жиҳатдан баъзан депиктивлик, фақат каузативлик ёки фақат резултативлик маънолари юзага келади. Бошқа ҳолларда эса иккала маъно (депиктивлик + каузативлик, каузативлик + резултативлик) ҳамроҳлигида ҳосил бўлади. Бу каби ҳолларда феъл семантикаси муҳим ўрин тутаяди.

2.2. Резултатив ва каузатив маъноларнинг ўзаро муносабати хусусида

Каузативлик тушунчаси феъл билан ифодаланган кесимдаги сабаб ва оқибат семантикаси таъсирида объектга таъсир ўтказиш ва объектни бошқа ҳолатга келиши натижаси деб қаралади (В.П. Неделков, 1969). Сўзларнинг семантик структурасига маъноли компонентлар ҳамда грамматик шакллар кириши мумкин, шунинг учун ҳам бу бир неча тематик синфга тегишли бўлади. Улар жисмоний ва эмоционал таъсир этишни англатувчи, эмоционал-каузатив синфга оид ёки объект, субъект муносабатини ифодаловчи, маълум грамматик кўрсаткичларга эга феъллар бўлиши мумкин. Шундай қилиб, феълларни турли сатҳларда таснифлаш, динамиклик, статиклик белгиларини эътиборга олиш, акционал семантика ва грамматик шакл мутаносиблиги орқали уларнинг ички семантикасини очиқ бериш, таҳлил этиш имкони кенглиги кўзга ташланади. Лексик-семантик тизимга луғавий ва фразеологик бирликларнинг маъно-мазмун муносабатлари, улар ташкил қиладиган гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлик характери (лексик-парадигматик) ва тилнинг бошқа қуйи тизимлари билан боғлиқ томонлари, тил бирликларининг семантик ўзгаришидаги вариантлик каби масалалар шунга тааллуқлидир. Мазкур муносабатлар феълларнинг семантик гуруҳларини тилнинг турли сатҳларида

таснифлаш имкони кенг эканлигини англатади. Бу борада каузатив маънога эга феъллар гуруҳи муҳим аҳамият касб этади. Каузатив феъллар ўзига хос лексик маънога эга бўлиш билан бирга, объект ва субъект муносабатига эга, маълум грамматик маркерлар воситасида муносабатга киришади, шунингдек, объект муносабатида резултатив семантиканинг ҳосил бўлишига таъсир этади. Натижада, резултатив-каузатив тузилма ҳосил бўлади. Мазкур тузилмалар баъзи тилшунослар томонидан алоҳида фрейм тарзида ўрганилган (M.Rappaport Novav, B.Levin; 2001, 766-797. W.Croft; 2012, 448. V.Heine; 1997, 359).

Резултатив тузилмалар фрейм семантикасида ҳам муҳим ўрин тутиши мумкин. Шунингдек, фрейм назарияси доирасида улар синтаксис ва семантика ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш учун ҳам хизмат қилади. Бу орқали фрейм семантикаси қай даражада синтактик сатҳда амалга ошишига ойдинлик киритилади. Мазкур резултатив тузилмаларда каузацияни амалга оширувчи, каузацияга учрайдиган объект, пациенс, натижа (резултативлик) каби фрейм элементлари фарқланади. Ушбу тузилмалар кўпгина ҳолларда каузатив тузилмалар билан қоришиб кетади. Шунинг учун ҳам асосий предикатни “каузатив ҳодиса (causing event) (J.Simpson, 1983)”, иккиламчи предикацияни эса “резултатив ҳодиса (resultative event)” атамалари билан номлашни маъқул деб топдик. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: *The furniture was chipped and bruised; the couch, distorted (resultative event) by bursting springs, seemed a horrible monster that had been slain during the stress of some grotesque convulsion. (O’Henry, 77); That snowstorm sure fixed us [causing event+ resultative event] with a fine lot of attainments apiece. By the time the snow melted [resultative event], if you had stepped up to me suddenly (O’Henry, 106); the room was dead [resultative event]. The essence that had vivified it was gone [resultative event]. The perfume of mignonette had departed. In its place was the old, stale odour of mouldy house furniture, of atmosphere in storage. (O’Henry, 79).*

Мазкур мисолларда каузатор каузатив воқеа-ҳодисани амалга оширувчи шахс бўлса, каузацияланувчи объект сифатида каузатор таъсирида ўзгаришга учраган ва резултатив воқеа-ҳодисанинг юзага келишида муҳим ўрин тутаяди.

Мазкур тузилмаларнинг фрейм элементлари синтактик сатҳда фарқланади.
Қиёсланг:

Doors banged somewhere; the elevated trains roared intermittently; a cat yowled miserably upon a back fence (O'Henry, 77);

The door opened. Katy walked in carrying a little hand satchel. John stared at her stupidly (O'Henry, 124).

Каузатив тузилмаларда эмперик асоснинг йўқлиги уларни тасвирлашда қийинчилик туғдиради. Тадқиқот натижалари кўпгина ҳолларда ишончли манбадан кўра муаллиф ёки тадқиқотчининг шахсий таҳлилига асосланади. Бу грамматик мулоҳазалар, лексик ва стилистик аспектларнинг нотўғри талқин қилинишида, семантик сатҳдаги қарама-қарши муносабатларда акс этади. Кейинги пайтларда каузатив тузилмаларнинг таҳлилини корпус маълумотларига асосланган ҳолда амалга оширишганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

He makes me laugh.

I always tell jokes that make them laugh (Gilquin G., 2010; 347).

Келтирилган каузатив ҳодиса турли контекстда турлича натижаларни англатиши мумкин. Бу бевосита каузациянинг мақсадли қўлланилиши ва унинг натижаси билан боғлиқ. Мисол учун *He made me laugh (у мени кулдирди)* мисолини оладиган бўлсак, кулгининг юзага келишини олдиндан башорат қилиб бўлмайди, шунингдек, маълум ҳазил кимнидир кулдириши мумкин бўлса, бошқани ҳайрон қолдириши ёки умуман ҳазилни тушунмаслигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, каузатив тузилмалар ёрдамида ҳосил бўладиган резултатив маънолар таҳлилида матн билан бир қаторда прагматик хусусиятларга ҳам эътибор қаратиш талаб этилади.

Каузатив тузилмаларга бағишланган тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар турли йўналишларда олиб борилганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Карриер ва Рандалл (2010) ушбу тузилмаларни диахроник нуқтаи назардан тадқиқ этган бўлса, В. Крофт (2012) Америка инглиз тили оғзаки нутқи доирасида тадқиқотлар олиб борган. О.Далл ва Е.Хединлар (2000) эса

каузатив тузилмалар тадқиқига квалитатив ёндашув орқали унинг тўртта турини ажратишган. Мазкур тилшунослар ва тадқиқотчилар каузатив тузилмаларнинг синтактик шаклланишига ўз эътиборини қаратган. Улар каузатив тузилмаларнинг семантик фарқланишига эътибор қаратмаган. Баъзи тадқиқотлар инглиз тилидаги битта (Kemmer 2001 on causative *make*), баъзан эса бир нечта каузатив тузилмалар таҳлилига бағишланган. Ушбу тузилмаларнинг когнитив жиҳатлари борасида ҳам кўплаб қарашлар мавжуд (R.W.Langacker, 1999; Т.Белошапкина, 2008). Ушбу тадқиқотларда когнитив ёндашувнинг каузативликни тадқиқ этишда қўл келадиган асосга эгаллиги таъкид этилади. Чунки каузативлик онгнинг фундаментал категорияларига мос келадиган ҳодиса сифатида баҳоланади. Мазкур тадқиқотчилар каузацияни “трансцендентал тушунча (тафаккурнинг тажрибага асосланиши)” (transcendental notion) сифатида тан олишади. Каузативлик тадқиқига когнитив ёндашув уларнинг моҳиятини белгилашга янги имкониятлар яратади.

Каузатив феъллар иштирок этадиган бирикмалар турли шаклларда (олмош+от, сифат +от, аниқловчи+от+релятив эргаш гап) намоён бўлиши мумкин. Ушбу бирикмаларда гапда иштирок этадиган равиш ёки бошқа тил бирликлари каузатив феъл ва резултативлик маъноси юклатилган тил бирлиги қуршовида келиши мумкин.

Резултатив тузилмаларнинг формал таркиби таҳлилига Н.Хомский (Chomsky, 1965), Фрид (Freed, 1979), Палмер (Palmer, 1988), Рошен (Rosen, 1993) ишларида ҳам кузатилади. Чунинчи, *I had a book stolen* (Н.Хомский томонидан келтирилган мисол), бир неча хил тарзда тушунилиши мумкин, яъни “*I caused someone to steal a book for me*” – “Мен китобни ўзим учун ўғирлатдим” (каузатив конструкция), “*It happened to me that someone stole a book of mine*” – “Кимдир китобимни ўғирлабди” (экспериментал конструкция), “*I possessed a book that had been stolen*” – “Ўғирланган китоб менга тегишли эди” (лексик маъно) ёки “*I succeeded in stealing a book*” – “Ўғирланган китобга эгалик қилдим” (конклюдив перфект) (Chomsky, 1965). Таъкидлаш жоизки, *have* феъли иштирок этадиган каузатив тузилмаларда тил бирликларининг лексик маъноси,

грамматик шаклланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юзага келадиган каузативлик воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган тил бирликларининг лексик маъноси ва грамматик шаклланишиги боғлиқ тарзда маънолар ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан: *I had the boiler going* (R.Quirk, S.Greenbaum, G.Leech, J.Svartvik, 1982). Муаллифлар ушбу мисолни эгзисционал маънога эга тузилма тарзида талқин этишади.

Каузаллик деганда кенг маънода сабаб, мақсад, шартлилик, оқибат каби мураккаб муносабатларда юзага келадиган ўзаро боғлиқлик тушунилса, тор маънода сабаб ва оқибат боғлиқлигининг ифодаланиши сифатида талқин этилади. Каузативлик категорияси эса каузал, резултатив ва интенционал маънолар боғлиқлигида ҳосил бўладиган мунозарали семантикага эга саналади.

Бундан ташқари, каузал таркиб ва аспектуал таркиб борасида баҳсли қарашлар учрайди. Кўпчилик тилшунослар (В.А. Плунгян, 2011; С.Tenny, 1994) каузал ифодаловчи бирликларни аспектуал таркибга киритишса, уларни алоҳида категория сифатида талқин этадиганлар ҳам учрайди (J.Simpson, 1983 В.П. Недялков, Г.А. Отаина, А.А. Холодович, 1974).

Аспектуал таркиб, одатда, воқеа-ҳодисаларнинг вақт кечимидаги хусусиятни (Ғ.Мирсанов, 2019), яъни қай йўсинда (бошланиш, давомийлик, тугалланганлик, такрорланувчанлик, дуративлик, резултативлик, интенсивлик ва ҳоказо) амалга оширилишини ифодалайди. Бу аспектуалликнинг бевосита феъл билан боғлиқ ҳодиса эканлигини кўрсатади. Каузал таркиб эса нафақат феъл, балки от билан ифодаланадиган маънонинг воқеланиши билан ҳам боғлиқ саналади. Мазкур ҳодиса Талми томонидан каузал таркиб (causal structure) ёки динамик-кучга эга таркиб (force-dynamic structure) атамалари билан юритилади (Talmy 1988/2000). Каузал таркиб воқеа-ҳодиса ифодаланишида иштирок этувчи тил бирликларининг ўзаро каузал муносабатларида юзага келади. Каузаллик агенс ва пациенс муносабатларида имплицит маънони англатади. В. Крофтнинг таъкидлашича, каузал таркиб от маъноси ифодаланишида асосий семантик белги вазифасини ўтайди (В. Croft, 1991).

Таъкидланганидек, каузатив конструкцияларни ҳосил қиладиган феъллар иштирок этадиган гаплар кўпгина ҳолларда бир неча маъноларни англатиши мумкин. Мазкур маъноларни фарқлашда каузативлик ва эксперименталлик мезонларини ҳамда гапда иштирок этадиган тил бирликларининг семантик имкониятларини эътиборга олган ҳолда, гапнинг контекстига муурожаат қилиш орқали фарқлаш мумкин. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

a. *John had his daughter accepted at Dawson College.* [Экспериментал таҳлил юзага келган]

b. *John paid fifty dollars to have his daughter accepted at Dawson College.* [бевосита каузативлик семантикаси ҳосил бўлган].

Келтирилган иккала мисолда ҳам иккиламчи предикат вазифасида сифатдош II шакли қўлланилган. Айнан, сифатдош II шакли пациенс вазифасида қўлланилган субъектнинг коллежга қабул қилинганлиги, унинг олдинги хатти-ҳаракатининг (қаттиқ тайёргарлик кўргани) натижасини англатган. Фикримизча, мазкур тузилма каузативликдан кўра резултативликка яқинроқ.

a. *Sherry had George water her plants* [каузатив таҳлил амалга оширилган].

b. *Sherry had George overwater her plants.* [экспериментал таҳлил ҳосил бўлган] Ritter, Rosen (1993: 526).

Мазкур (а) мисолда каузативлик каузатив феъл билан амалга оширилган. Аммо (в) мисолда иккиламчи предикат вазифасида келган *overwater* инфинитив шаклидаги *over* олд қўшимчаси лексик нуқтаи назардан ортиғи билан амалга оширилган ҳаракатни англатади. Шунинг учун ҳам мазкур мисолдаги иккиламчи предикат ифодалаган маъно резултативликка хос. Ушбу ҳолларда бир тузилма доирасида каузативлик ва резултативлик ўз ифодасини топганлиги боис уларга нисбатан резултатив-каузатив тузилма атамасини қўллаймиз.

Каузатив тузилмаларда ифодаланадиган семантик фарқланишларни аниқлашда каузатив феъллар (*cause, get, have* ёки *make*) ва резултативликни ҳосил қиладиган (*infinitive, present participle* ёки *past participle*) тил

бирликларининг турини белгилаш кенг тус олган. Шунинг учун ҳам кўплаб тадқиқотчилар бир феъл доирасида ҳосил бўладиган барча тузилмаларни биргаликда таҳлил қилишга эътибор қаратишади. Мисол учун *get* феъли билан ҳосил бўладиган (*X get Y Vto-inf*), (*X get Y Vprp*) ҳамда (*get Y Vpp*) турли тузилмалар сифатида талқин қилинади. Фикримизча, мазкур тузилмаларнинг аргумент сифатида иштирок этадиган тил бирликларининг лексик-семантик маънолари, прагматик вазифаси, когнитив асосига кўра каузатив ва результатив тузилмаларга ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Каузатив-результатив тузилмаларда биргина каузатив феъл ва унга тўлдирувчи вазифасида келадиган инфинитив ёки сифатдош фарқланишида ҳосил бўладиган маъноларни таҳлил қилиш етарли эмас. Маълумотлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун “қайта тиклаш механизми (Granger 1997)”дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ келиши мумкин. Қайта тиклаш механизми результатив тузилмаларда иштирок этадиган тил бирликларининг прагматик вазифасига кўра маънолар миқдорини аниқлашга қаратилади ва шу орқали уларни ташкил қиладиган тил бирликларининг фоизи аниқланади. Мазкур жараёнда, асосан, корпусдан тўпланган мисоллар таҳлил учун самарали эканлиги баъзи тилшунослар томонидан таъкидланган (S.Wechsler; 2005, 73–255).

Инглиз тилида *to get, to have, to make, to cause* феъллари мураккаб тўлдирувчили бирикмали тузилмаларда каузатив ва результатив тузилмалар иштирокчиси сифатида таҳлил марказидан ўрин эгаллайди. Каузативлик, бевосита, феълнинг валентлик хусусиятига алоқадор ҳодиса бўлса, результативлик феъл семантикасига тегишлидир. Баъзи тилшунослар результатив тузилмаларни идиоматик иборалар турига киритади. Уларнинг таъкидлашича, результативлик биргина лексик бирлик маъноси *God smote him dead/ *half-dead/ *black and blue* ёки идиоцентрик маънога эга қатор лексик бирликлар бирикиши натижасида юзага келади. *He drove her crazy/ bonkers/ over the edge/ to the brink of lunacy/ *happy* (J.Carrier, J.Randall; 1992, 184).

Ўзбек тилида каузативлик ҳам лексик, ҳам морфологик ифодаланишга эга. Мазкур ҳодиса (каузативлик) “Ўзбек тили грамматикаси” (1975)да феълнинг даража категориясига киритилган (Ўзбек тили грамматикаси; 1975, 445). Ушбу асарда *жойламоқ, кесмоқ, синдирмоқ, қийнамоқ, артмоқ, тўкмоқ* ва шу каби қатор лексик хусусиятли каузатив феъллар ўзлик даража феъллари гуруҳига бирлаштирилган. Феълнинг даража категориясига кирувчи ушбу феълларнинг кўпчилигида каузативлик маъноси билан бир қаторда результативлик маъносининг мавжудлигини кузатиш мумкин. Буни аниқлаш учун прагматик муносабатларга мурожаат қилиш талаб қилинади. Мисол тариқасида *кесмоқ* ва *синдирмоқ* феълларини таққослаб кўрамиз. Мазкур феъллар результатив бўлиш билан бир қаторда каузатив ҳам саналади. *У қўлини кесиб олди* ва *У қўлини синдириб олди* мисолларидаги биринчи гапда *қўлнинг кесилиши* бирор ўткир предмет таъсирида каузацияга учраган. Қўлнинг кесилганлик натижаси эса результатив ҳодисадир. Иккинчи мисолда эса каузациянинг юзага келишига бир неча сабаблар бўлиши мумкин. Жумладан, субъектнинг эҳтиётсизлик сабаб йиқилиши, иш жараёнида бирор техник восита таъсири ва шу каби ҳодисаларда каузация ҳосил бўлади. Қўлнинг синганлиги эса результатив ҳодиса сифатида баҳоланади. Инглиз тилида *to raise, to close, to open* феъллари, ўзбек тилида эса *кўтармоқ, қисмоқ, ёпмоқ, очмоқ* ва шу каби феъллар психологик ва механик каузация турига тегишли саналади. Қиёсланг: *closed eyes* – психологик каузация, *closed the door* – механик каузация, *кўзларини очди* – психологик каузация, *эшикни очди* – механик каузация.

Кўпгина ҳолларда фақатгина каузатив феъл орқали результатив ҳодисани аниқлаш мушкуллик туғдиради. Мазкур ҳолларда объектнинг иштирок этиши муҳим саналади. Психологик ёки механик каузация биргина феъл эмас, балки феъл+каузацияга учраган объект жуфтлигида юзага келади. Масалан: *Мўйловини яқинда тарашилатиб кўркамлаштирган Давлатбеков Дарвозадан кирди-ю, кулранг иляпали кишини олдинга ўтқазди* (Примқул Қодиров, 114).

Мазкур мисолда *тарашилатиб кўркамлаштирган* тузилмасида –*лат, -тир* даража категориал қўшимчалари каузатив ифодани англаган бўлса, –*ган*

қўшимчаси воқеа-ходисанинг натижасини англаиб резултатив воқеликни акс эттирган.

Кўпгина ҳолларда фақатгина каузатив феъл орқали резултатив ходисани аниқлаш мушкул. Мазкур ҳолларда объектнинг иштирок этиши муҳим саналади. Психологик ёки механик каузация биргина феъл эмас, балки феъл+каузацияга учраган объект жуфтлигида юзага келади. Масалан: *Ортиқ газабланиб, линейка билан унинг иккинчи қўлига ҳам урди. Бунини нариги қатордаги партадан кўриб қолган Аваз чопиб келди-ю, линейкани акасини қўлидан олиб синдириб ташлади* (Пиримқул Қодиров, 15). *Муз парчасидак тонгни оппоқ тонг нафаси эритиб юборди-ю, аъзим тераклар учидаги япроқлар алвондек ялтиради. У қўлимдан ушлаб судради* (Саид Аҳмад, 103).

Келтирилган биринчи мисолдаги *синдириб ташлади* физик каузацияни ифодалаб келган. Бунда субъектнинг ҳаракати натижасида объект сифатий ҳолатининг ўзгарганлигига (синганлиги) гувоҳ бўламиз. Объектнинг янги кўриниш олганлиги резултативлик сифатида баҳоланади. Кейинги мисолдаги *эритиб юборди* бирикмасида механик каузация ифодаланган ва объект мавҳумлиги юзага келган. Механик ҳодиса жараёнида объектнинг сифатий ўзгариши (эриб кетганлиги) резултатив маънони англаган.

Рус аспектолог В.С. Храковскийнинг таъкидлашича, сифатдошнинг резултатив семантикаси чегараланган хусусиятли феъл парадигмасига мансубдир. Бир лексема билан ифодаланадиган барча шакллар тенг хусусиятга эга. Жумладан, акционал ва резултатив пассив маълум вазиятнинг турли қисмларига тегишлидир (В.С. Храковский; 1991, 151). Ўзбек тилида етакчи ва кўмакчи феълнинг ўзига хос бирикиши орқали ҳосил бўладиган резултативлик тузилмаси мавжуд бўлиб, у субъектнинг ҳолат ўзгаришини англатади. Мазкур тузилма англатадиган маънони ҳозирги замон билан алоқадор воқелик сифатида баҳолаш мумкин. Масалан: *Комбензон кийган, сочлари тўкилиб, чаккалари ялтираб қолган баланд бўйли, озгин шофёр йигит Аҳмаджонга керакли нарсаларни елкасида кўтариб келди* (Пиримқул Қодиров, 96). *Бейшенали пўнгилаб бошига чойшаб тортиб ётиб олди. Боши ёстиққа тегмай*

пиш-пиш ухлади-қолди (Саид Аҳмад, 112). Биринчи мисолда *сочлари тўкилиб чаккалари ялтираб қолган* бирикмасида механик каузация, сифатий ўзгаришлар каузатив-результатив семантикани ифодалаб келган. Кейинги мисолдаги *ухлади-қолди* тузилмаси субъект ҳолатининг ўзгаришини ифодаловчи результативлик ҳисобланади. Мазкур мисолларда результативлик субъект бошқаруви натижасида юзага келган. Субъект бошқаруви натижасида ҳосил бўладиган результативликда от ёки сифат-от бирикмаларининг субъект томонидан ҳолат ўзгартирилиши ҳамда феъл семантикаси результативликнинг асосини ташкил қилади. Бундан ташқари, объект бошқарувли результатив тузилмалар ҳам мавжуд бўлиб, результативлик **-иб** равишдош шаклидаги *қилмоқ* ва *бўлмоқ* кўмакчи феъллари ва уларга мослашган сифат ёрдамида ифодаланади. Объект бошқарувли результативлик ўтимли ҳаракатларни англатиб келади. Масалан: *Юкни тушириб бўлиб, уйларига қараб кетаётган Аваз шу улугвор тоғлару чакмонидаги бежирим қўзилардан бошқа нарсани ўйламасликка тиришади* (Пиримқул Қодиров, 13). *Аваз мактабда Хулкар туфайли Ортиқ акаси билан уришиб, чўпон бўлиб кетгандан кейин, Хулкар уни кўп ўйлайдиган ва соғинадиган бўлиб қолди* (Пиримқул Қодиров, 31).

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида результативлик, шунингдек, каузативлик ҳам контекст таъсирида юзага келади. Бунда результативлик ёки каузативлик асосий предикат билан биргаликда мураккаб кесим вазифасини бажаради. Субъект ҳаракати уюшган ҳодиса сифатида бир ҳаракатнинг тугалланиши ҳамда бошқа ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ. Бу кўпроқ прагматик хусусият (амалга оширилган ҳаракатнинг ишончилиги) касб этади ва субъект томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларда бирининг натижага эришилганлиги бошқасининг бажарилишига ундайди. Мазкур матнда результативлик **-иб** равишдош шакли билан ифодаланган биринчи предикатга тегишли бўлади. Масалан: *У ариқда шилдираб оқаётган сувда юзини ювиб, ҳўл бўлиб кетган соқолларини белбоғига артиб, супага ўтирди* (Саид Аҳмад, 50). *У ёққа борди, бу ёққа борди, каловлаб кирди. Чой чиқариб қўйиб чиқиб кетиб қолди* (Саид Аҳмад, 241).

Мазкур мисоллардаги *юзини ювиб, белбоғига артиб, чиқариб қўйиб* каби тузилмалар реал воқеликдаги ҳаракатларни англатиб келган. Бунда ҳаракатлар кетма-кетлиги ифодаланган бўлиб, бирламчи бажарилган ҳаракат (субъектнинг юзини ювганлиги, белбоғга артганлиги, чойни чиқариб қўйганлиги) натижа (результативлик) саналади. Кейинги ҳаракатларни (асосий предикат билан ифодаланган *сунага ўтирди, кетиб қолди*) эса результативликка олиб келган ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу кўмакчи феълли аналитик тузилмаларда результативлик ифодаланган ва асосий предикатни ифодалаган феъллар ўз лексик хусусиятларини сақлаб қолади ҳамда икки ёки уч ҳаракатларни англатади. Бунда бир ҳаракатнинг результативлиги бошқасининг амалга ошишига боғлиқ. Масалан: *Аваз ўқни жойлаб бўлиб, қўлини шимига артиб, дивандаги кўрпанинг устидан ёстиқни олиб, каравотга, Хулкарнинг ёстиғи ёнига келтириб қўйди:*

-Мана, топширигинг бажарилди, -деб ҳазиллашди (Пиримқул Қодиров, 59).

Результативлик вазият таҳлили ёки вазият билан алоқадор бўлган метафорик ифода эмас, балки кузатувчи томонидан вазият хусусиятини ифодаловчи маълумот саналади. Бу эса результативликни депиктивлик, стативлик ва баъзи ҳолларда каузативлик билан синонимия ҳосил қила олишлигидан дарак беради. Шунингдек, результативликнинг перфект билан синонимия ҳосил қилиши борасида ҳам фикрлар (M.Rappaport Novav, B.Levin; 2001, 766–797. Ю.А. Ландер; 2002, 300–312) учраб туради.

Результатив тузилмаларга синонимик ҳодиса сифатида ҳолат ўзгаришини англатадиган маълум феъллар гуруҳини киритиш мумкин. Иккала тилда ҳам бу лексик результативлик сифатида баҳоланади, яъни бу маълум феълларга хос хусусият саналади. Лексик результативликка воқеа-ҳодисанинг натижасини акс эттирувчи феъллар киритилади. Бу ҳодиса ҳар бир тилда учраши мумкин. Мисол учун инглиз тилидаги ҳолат ўзгаришини англатадиган *alter, improve, arise, die* ва шу каби ҳолат ўзгаришини англатадиган феъллар семантикасида результатив маънолар мавжуд. Ўзбек тилида ҳам *ўзгартирмоқ, ўлмоқ, содир*

бўлмоқ, юзага келмоқ ва шу каби ҳолат ўзгаришини англатадиган феъл ва мураккаб феълларни резултатив тузилмалар каторига кўшиш мумкин. Масалан: *A meeting in Hyde Park in 1926 was attended by 1,000 people and ended with a fight with communist demonstrators.* (Source: KCX)

*'Mr. Behrman died of pneumonia today in hospital. (O'Henry, 194);
Meanwhile Mr. Mc Gowan's smile faded to a look of perplexed gloom. (O'Henry, 54);*

Гаврюшев ўтган йили қазо қилган эди (С.Аҳмад, 57).

Сал фурсатдан кейин хушидан кетган Дадажонни кўтариб чиқишди (С.Аҳмад, 48).

Баланд ёнбағирларнинг у ер-бу ерида эрталаб кўзга ташланган қор урвоқлари ҳозир эриб кўринмай кетган. Шамол гуж-гуж арчаларнинг ҳидини олиб келади (Пиримқул Қодиров, 13).

Инглиз тилида резултатив ва каузатив тузилмалар шаклан бир-бирига яқин. Баъзи ҳолларда каузативлик ва резултативлик бир тузилмада ифодаланиши мумкин. Бу ҳолат эса уларни ҳосил қиладиган асосий предикатдаги феъл синтактик жиҳатдан мураккаб тўлдирувчи олиши билан боғлиқ. Резултативлик ва каузативлик мураккаб тўлдирувчидаги элементларнинг иккиламчи предикат семантик ифодаси ва морфологик белгисига кўра (инфинитив, сифатдош I, сифатдош II, сифат) аниқланади. Жумладан, сифат, сифатдош II иккиламчи предикативлари қўлланилиши резултатив тузилмалар саналади. Бундан ташқари, чегараланган акционал хусусиятли феълларнинг мажхул нисбат шакли, баъзи боғловчи феълларнинг предикатив вазифада қўлланилиши, чегараланган хусусиятли феълларнинг сифатдош II шаклида қўлланилишида ҳам резултатив маъноларни учратишимиз мумкин.

Резултативлик ва депиктивлик предикатлари замон ҳарактеристикаси билан фарқланади. Хусусан, резултативлик асосий предикат ифодалаган ҳаракатнинг тугалланиши натижасида юзага келган ҳолат ўзгариши билан ифодаланса, депиктивлик маълум вақт оралиғида содир этилаётган ёки содир

этилган ҳаракатнинг тасвирий ифодаси ҳисобланади. Результатив ва депиктив тузилмалар англатадиган маъно предикатларнинг акционал (чегараланган/чегараланмаган) турига қараб фарқланади. Результатив маъно, асосан, чегараланган ва трансформатив предикатларда ифодаланади. Масалан: *The idea of touching people in the crowd touch him was something that had not occurred to him, but to be beautiful and that remote –you have got to get a crowd to touch him because that was what really got them wild (source:AB5).*

Синтаксис ва семантиканинг боғлиқлигини таъминловчи фундаментал асосни ўрганишда “гап маъносини белгиловчи омил, яъни предикатга” (Levin, Rapoport, 1996; 1) асосий эътибор қаратилади. Ч. Филлмор отнинг гапдаги ўрнини белгилашда феълнинг лексик маъноси муҳимлигини таъкидлайди (Ch. Fillmore, 1975). Аргументларнинг гапдаги синтактик-семантик боғлиқлиги феълнинг ўтимли/ўтимсиз хусусиятига ҳам алоқадор ҳодисадир. Чарлиз Филмор инглиз тилидаги *hit, break* феълларининг иккаласи ҳам ўтимли хусусият касб этса-да, каузатив қўлланишда бошқа-бошқа синтактик ифодага эгаллигини аниқлайди. Муаллиф келтирган мисолларга эътибор қаратамиз:

John broke the window // The window broke;

*John hit the window // *The window hit;*

I hit his leg // I hit on the leg;

*I broke his leg// *I broke him on the leg (Ch. Fillmore, 1975).*

Мазкур мисолларда феъл воситасиз тўлдирувчи олиши натижасида каузативликни англатиб келган бўлса-да, ифодаланган маъно ҳаракатнинг натижасига ишора қилади. Бу, ўз навбатида, каузативлик ва результативликнинг бир тузилмада ифодаланишидан далолат беради.

2.3. Инглиз тилида результатив тузилмаларнинг семантик хусусиятлари

Ҳар бир тилдаги грамматик тадқиқотлар марказида воқеа-ҳодисаларнинг тил бирлиги сифатида ифодаланишини ва гап доирасида иштирок этадиган бирликларнинг ўзаро боғланишини таъминлаш туради. Ушбу грамматик таҳлил турлари тилшунослик тарихида кўплаб атамалар билан маълум: грамматик

муносабатлар, синтактик функциялар, фреймларнинг субкатегоризацияси, аргумент таркибли тузилмалар, аргумент боғлиқлик ва бошқалар. Грамматиканинг ҳар бир бўлимига тегишли асосий масалалардан бири бу ўша тил доирасида ҳамда бошқа тиллар кесимида ўхшашлик ва фарқли томонларнинг тўғри муносабатини танлаш саналади. Эга, кесим, тўлдирувчилар, одатда, соф грамматик муносабатлар сифатида формал категорияларга киритилади. Аммо мазкур категорияларнинг ўзаро муносабатга кириши орқали воқеа-ҳодисаларни ифодалаш жараёнида улкан семантик фарқланиш юзага келади. Бундан ташқари, тиллар кесимида таққосланадиган бўлса, нафақат улардаги синтактик вазифалар, балки формал кўрсаткичлар ифодалайдиган маъно кўлами ҳам фарқ қилади. Хусусан, инглиз тилида кесим ва мураккаб тўлдирувчи ўзига хос тузилмаларни ташкил қилади. Мазкур тузилмалар семантик нуқтаи назардан резултатив ва каузатив маъноларни ифодалаш учун қўлланилади. Мазкур маънолар инглиз тилида ўзига хос категориялар сифатида ҳам талқин этилади. Жумладан, каузативлик ҳам резултативлик мураккаб, кенг қамровли категориялар сифатида кўплаб ифодаланиш усулларига эга. Шунингдек, улар ташқи олам объектларига бўлган муносабатларни ҳам акс эттиради. Ушбу муносабатларда онгда мавжуд бўлган сабаб, натижа каби тушунчалар ётади. Бевосита каузативлик категорияси доирасида каузалик тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, улар бажарадиган муносабатларни фарқлаш талаб этилади. Бизнинг тадқиқотимиз каузативлик ва каузаликка қаратилмаганлиги боис мазкур муносабатларга тўхталмаймиз. Резултативлик ва каузативликнинг бир-бирига яқин тузилмаларда воқеланиши сабаб улардаги структуравий ва семантик фарқланишлар таҳлил этилади.

Резултатив тузилмалар иккиламчи предикацияда юзага келадиган семантик хусусият саналади. Хусусан, америкалик тилшунос С. Ротштейн иккиламчи резултатив предикатларни асосий предикат ифодаловчи воқеага алоқадорлиги нуқтаи назаридан аспектual ҳодиса турига киритади (S.Rothstein;2006, 209-233). Муаллифнинг таъкидлашича, иккиламчи

предикатлар тасвирий ва результатив семантик хусусиятларига эга. У улар ўртасидаги фарқни белгилаш мақсадида қуйидаги мисолларни келтиради:

a. *John drove the car drunk.*

b. *John painted the house red* (S.Rothstein; 2006, 209-233).

Келтирилган (а) мисол тасвирий предикацияга эга. Бунда “*Жон машинани маст ҳолда бошқарди*” маъноси мавжуд бўлиб, воқеа кечими тўғрисидаги маълумотни ўзида сақлаган. Ушбу гапдаги результативлик сифатдош II шаклидаги *drunk* иккиламчи предикатида ифодаланган. Мазмунан “*Жон машина рулига ўтиришидан олдин маст ҳолатга келган.*” Аммо ўзбек тили таржимасида результатив ифода кўзга ташланмайди. Кейинги (b) мисолда “*Жон уйни қизил ранга бўяганлиги ва бунинг оқибатида уй қизил ранг ҳолатига келганлиги*” борасидаги маълумот қайд этилган. Бу, шубҳасиз, бажарилган ҳаракатнинг натижасини ифодалаган. Шунинг учун ҳам мазкур мисол результатив предикация сифатида баҳоланади. Бу каби фикрларни (D. Dowty, 1991), (J. Carrier, J.H. Randall; 1992) ишларида ҳам учратиш мумкин.

Иккиламчи предикацияда ифодаланадиган результатив ва тасвирий маъноларни бевосита ажратиш ёки бир хил тузилма сифатида қабул қилиш борасида ҳам кўплаб инглиз тилшунос олимлари (S.Wechsler, 1997, B.Levin, Rapoport Novav; 1999, 2001. Дж.Э. Миллер, 1997) ўртасида баҳс олиб борилган. Уларнинг фикрича, иккиламчи предикат воситасиз тўлдирувчи фаоллигини чеклайди. Шунинг учун ҳам мазкур тузилмаларни семантик хусусиятларига кўра тасвирий ва результатив типларга ажратишнинг ҳожати йўқ, деган хулосага келишади. Фикримизча, воситасиз тўлдирувчи ва иккиламчи предикат бирикмаси инглиз тилига хос бирикма бўлганлиги сабаб уларни махсус тузилма сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай талқин қилиш орқали уларнинг семантик хусусиятларини ёритиш мумкин. Муаллифларнинг қуйидаги мисолларига эътибор қаратамиз:

John laughed sick.

John laughed himself sick.

John sang the baby asleep.

Мазкур мисолларда *sick, asleep* сифатлари *laugh, sing* феъллари ифодалаган ҳаракат таъсирида субъектнинг ҳолати ўзгарганлиги натижасида резултатив маъно юзага келган. Иккиламчи предикация тузилмалар тадқиқи, одатда, синтактик ва семантик жиҳатдан олиб борилади. Фикримизча, уларнинг таҳлилида иккала жиҳатни ҳам қамраб олиш талаб этилади. Иккиламчи предикация вазифасида келадиган тил бирликлари (сифат, от, феълнинг шахсиз шакллари ва ҳакозо) таҳлили шаклан синтактик ёндашувда ўз ифодасини топади. Мазкур тузилмаларда қўлланиладиган тил бирликларининг объект билан мослашуви синтактик фактор саналади. Ушбу тузилмаларда ифодаланадиган маъно иккиламчи предикация вазифасида келган тил бирликларининг лексик маъноси ва объект вазифасидаги тил бирлиги маъноси билан уйғунлашиши натижасида юзага келади. Масалан: *Then, when that offer wasn't leapt on with grateful thanks, 'Or I can arrange to have it delivered.'* (Liz Fielding, 33); *They reined up with a plunge at the Casino entrance. The cab doors flew open.* (O'Henry, 59). Биринчи мисолда *arrange* феълнинг лексик маъноси иккиламчи предикатдаги *delivered* сифатдоши билан тўлдирилган. Иккинчи мисолдаги *flew open* бирикмаси ўзига хос конструктив ҳодиса бўлиб келган. Резултатив маъно бирикманинг лексик хусусияти билан боғлиқ. Иккиламчи предикацияда сифатнинг қўлланилиши бевосита бирламчи предикациядаги феъл орқали ифодаланадиган маънога мослашади. Бу ҳол эса синтактик ва семантик омилларнинг чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. Демак, синтактик ва семантик боғлиқликнинг ҳар бир гапдаги асосий, бирламчи предикацияга эга бўлиши ва асосланиши талаб этилади. Иккиламчи предикат вазифасида сифат қўлланилиши орқали юзага келадиган резултатив тузилмалар объектга таъсир этиш маъносини англатади. Бу борада Р. Вошио резултатив ҳодисаларни типологик таҳлил қилиш жараёнида кучли резултатив “strong resultatives” ва кучсиз резултатив “weak resultatives” турларига ажратади (R. Washio; 1997, 1999, 2002). Муаллифнинг таъкидлашича, кучли резултативда феъл маъноси ва сифат маъноси бири-бирдан мустақил бўлиб, объектга йўналтирилган каузация эргатив

результативликни англатади. Исбот тариқасида муаллиф қуйидаги мисолларни келтиради: a) *The horses dragged the logs smooth*; b) *The jockeys raced the horses sweaty*. (R.Jackendoff; 1990, 226. R.Washio; 1997, 39.R.Washio; 2002, 689). Кучсиз результативликда эҳтимолий каузация таъсирида объект ҳолатининг ўзгаришини феъл хусусияти билан боғлайди ва қуйидаги мисолларни келтиради: a) *He wiped the table clean*; b) *He sharpened the pencil pointy* (R.Washio;1997, 227).

Фикримизча, результативликнинг кучли ёки кучсиз турга ажратилиши, бевосита, феълнинг акционал семантикасига бориб тақалади. Р.Вошио томонидан қўлланилган **drag, race** феъллари акционал нуктаи назардан чегараланмаган хусусиятга эга, айнан мазкур семантик хусусият таъсирида мазкур тузилмалар эргатив результатив маънони ифодалаб келган. Кучсиз результативлик ифодаланган **wipe, sharpen** феъллари акционал жиҳатдан чегараланган хусусиятга эга ва улар ифодалаган маъно объект ҳолатининг ўзгариши натижасида юзага келадиган результативликни англатади. Мазкур ҳолда Р.Вошио маъно ўзгаришини феъл хусусияти эканлиги билан боғлаган бўлса-да, айнан феълнинг акционал хусусияти эканлигига эътибор қаратмайди.

Инглиз тилидаги результатив тузилмалар синтактик-семантик сатҳда ўзига хос ўринга эга. Улар NP1 VP (NP2) кўринишда бўлиб, NP1 билан ифодаланган ҳаракат NP2 ни каузацияга учратиш орқали маълум натижавийликни ҳосил қилади. Мазкур ҳолатда учинчи компонент ёки иккиламчи предикат результатив тузилмани юзага келтиради. Масалан: *Herman hammered the metal flat* (E.Schultze-Bernd, N.P .Himmelman; 1988, 235).

Келтирилган NP1 VP (NP2) кўринишдаги результатив тузилмалар инглиз тили грамматикасида учрайдиган ўзига хос қурилмалардир. Улар феъл семантикасига боғлиқ ҳолда қурилиши ва янги воқеа-ҳодисани ифодалаши сабаб аспектвал модификаторлар доирасида ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, чегараланган хусусиятли феълларнинг сифатдош шакли контекст доирасида турли маъноларни ифодалаши ҳам мумкин. Қуйидаги

мисолга эътибор қаратамиз: *For a while he'd been dazzled too. Then completely blinded* (Liz Fielding, 67). Келтирилган мисолдаги *dazzled* сифатдош икки шакли резултатив маънони англатмаган, балки ҳолат ўзгариш жараёнини ифодалаб келган. Кейинги гапдаги *Then completely blinded* бирикмаси ҳолат ўзгариш натижаси сифатида резултатив хусусиятга эга. Ушбу мисол NP1 VP тузилмаси тарзида шаклланган.

Резултатив тузилмалар бошқа тилларга нисбатан инглиз тилида кенг тарқалган. Уларнинг қуйидаги морфосинтактик шакллари учратиш мумкин:

1) сифат билан ифодаланган резултатив бирикмалар. Масалан: *I wiped the table clean* (*British corpora*).

2) мураккаб эга таркибида сифат иштирок этувчи резултатив тузилмалар. Масалан: *Your son could have been born clever* (*British corpora*).

3) равиш ва равишли бирикмалар ёрдамида ҳосил бўладиган резултатив тузилмалар: *I left behind the tree into pieces* (*British corpora*).

4) сифатдош билан ифодаланган резултатив тузилмалар: *People drank spirits and got drunk* (*British corpora*).

Резултативлик ифодаланиш усулларига кўра тиллар кесимида фарқ қилади. Жумладан, инглиз тилида резултативликни ифодаловчи тил бирликларини уч гуруҳга ажратиш мумкин. Улардан биринчиси, ва асосийси, махсус иккиламчи предикацияга киришувчи тузилмалар; иккинчиси лексик ифода бўлиб, баъзи чегараланган хусусиятли феълларга хос, учинчиси предикативликка хос ҳодисадир. *John painted the house red, Mary drank her coffee hot. Mary believes/considers John foolish* (*British corpora*).

Қуйида таҳлил этиладиган мисолларда лексик резултативликка эътибор қаратилади. Лексик резултативлик феълнинг лексик маъноси таъсирида аргумент таркиби билан бирлашади. Ифодаланадиган ҳаракат аргументнинг ҳолат ўзгаришига олиб келади. Мазкур ҳолда резултативлик чегараланган хусусиятли феълларнинг мажхул нисбат шаклида ифодаланади.

A sudden fear seized Soapy that some dreadful enchantment had rendered him immune to arrest. (*O'Henry, 46*);

'I guess already that you have been stuck in the ribs with a knife. I have many times told you those Dagoes would do you up.'(O'Henry, 43);

As this dark mass had been transformed from a bright and love-endorsed flower to be an ignominious vegetable, so had her summer hopes wilted and perished. (O'Henry, 66).

Инглиз тилида резултатив тузилмаларни ташкил этувчи элементларга феълнинг лексик-семантик хусусияти ва грамматик шакл (мажхул нисбат, сифатдош II шакли) ҳамкорлигида, каузатив феълларнинг мураккаб тўлдирувчи олган ҳолатларида иккиламчи предикат вазифасида сифатдош II шакли қўлланилганда, асосий предикатда қўлланилган ҳаракат феъли семантикаси номинатив аргументнинг ҳолатини ўзгартириши юзага келганда (ҳолат ўзгариш семантикаси иккиламчи предикатдаги сифат семантикасига юклатилади), субъект ҳолатини ифодаловчи мураккаб кесимли қурилмаларда ўз ифодасини топади.

2.4. Ўзбек тили резултатив тузилмаларнинг семантик хусусиятлари

Туркийшуносликда ва хусусан, ўзбек тилшунослигида резултативлик борасида гап кетганда, бу борада амалга оширилган санокли ишларни келтириш мумкин (В.П. Недеялков; 1983, 23., В.П. Недеялков, Г.А. Отаина, А.А. Холодович; 1974. 232–251. В.Г. Гузев; 1990, 165., Д.М. Насилов; 1983, 118–123., С.Мухаммедова; 2007. 225-226., А.Т.Тыбыкова; 1988, 52–67. I.Nevskaya; 2008, 275–295. I.A. Nevskaya; 2014, 305–313). Мазкур ишларга рус тилшунослигида резултативликка оид амалга оширилган тадқиқотлар асос бўлиб хизмат қилмоқда. Резултатив маънолар у ёки бу шаклда барча тилларда учраши борасида олдинги бобда фикр юритган эдик. Инглиз тили мисоллари таҳлилида гувоҳ бўлганимиздек, инглиз тилида резултативлик ўзига хос тузилмаларда ифодаланади ва шунинг учун ҳам “резултатив тузилма (конструкция)” атамаси билан тилшуносликда ўрганилади. Инглиз тилида резултативлик фақатгина маълум тузилмалар билангина ифодаланиб қолмасдан, баъзи ҳолларда феълнинг лексик хусусиятига боғлиқ тарзда ифодаланиши мумкинлигига

ишонч ҳосил қилдик. Резултативлик билан тенг таҳлил қилинадиган депиктивликнинг туркий тиллар миқёсидаги қиёсий-типологик таҳлиллари амалга оширилганлигини кузатиш мумкин (И.А. Невская; 2011, 171–175). И.А. Невская ўз мақоласида туркий тилларда иккиламчи предикатлар ифодалайдиган депиктивларнинг семантик таркибий жиҳатлари қиёсий таҳлиliga эътибор қаратган.

Ўзбек тилида бирдан ортиқ элементлардан ташкил топган мураккаб кесим қурилмалари мавжуд бўлиб, ушбу бирикмаларда ҳам резултативлик маъноларини учратиш мумкин. Мураккаб кесим таркибида от ёки от категориясига оид тил бирлиги ва шахсли феъл билан ифодаланган икки предикатдан иборат. Масалан: *эрка (бўлиб) ўсди; қасамёд қилди*. Мазкур бирикмаларда феълга оид компонент синтактик жиҳатдан мустақил бўлса, отли компонент феълга нисбатан тобе саналади. Мазкур предикатлар фақатгина субъект билан боғланибгина қолмасдан, гапнинг бошқа компонентлари, хусусан, объект билан ҳам боғланади. Масалан: *Қорни қуёш тафти эритиб юборди*.

Мураккаб кесимда иштирок этаётган отга оид компонент предикатив хусусиятга эга бўлиб, кўпгина ҳолларда тасвирий ифодага эга бўлади. Феъл эса отли компонентнинг тасвирий ифода маъносини тўлдириш билан бир қаторда ҳолат, ҳолат ўзгариши, ҳаракатнинг бажарилиши каби маълум семантикани ҳам ҳосил қилади. Мураккаб кесим таркибидаги отга оид компонент тасвирий ифодани англатганда эга ва тўлдирувчи вазифасидаги шахснинг жисмоний ва психо-эмоционал ҳолатини ёритиш учун ҳам хизмат қилади. Масалан: *Аммо Қумрихон бошқачароқ хотин эди. У ўша гулхан ёнида туриб, эрининг қасосини олишига қасамёд қилди. Элик беш йигитга бош бўлиб, босмачи зотиға қирғин солди*. (Саид Аҳмад, 96).

Ўзбек тилида резултативлик предикатда ифодаланади. Шунингдек, ўзбек тилида *-ан, -ин, -ил (белгиланди, қилинди, бажарилди, амалга оширилди)* каби махсус суффиксларни резултативликни англатувчи кўрсаткичлар сифатида

қабул қилиш мумкин. Чунки ушбу суффикслар предикат ифодалаган ҳаракатнинг натижасини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Сифат ёрдамида ифодаланадиган резултативликни кучсиз хусусият сифатида баҳолаш мумкин. Мисол учун бирор ҳолат ўзгариши *қилмоқ* феъли (*у уйни топ-тоза қилиб қўйди*) ёрдамида ифодаланади. Ўзбек тилида резултативлик сифатдош шаклида ҳам ўз ифодасини топади. Мазкур ҳолда резултативлик ҳолат ўзгариши натижасида юзага келган ҳодиса ҳисобланади. Масалан: *Қип-қизил баҳмал билан нақшинкор тўқилган нимчасининг оҳори тўқилмаган* (Саид Аҳмад, 39).

Ушбу мисолда резултативлик маъносининг ифодаси—*ган* қўшимчали сифатдош ва сифат ёрдамида амалга оширилган: *нақшинкор тўқилган*. Ўзбек тилида феълнинг аналитик шакллари ва мураккаб феъл бирикмалари кенг маъно англатиш имконига эга. Жумладан, феълнинг қатор аналитик шакллари резултатив маънони англатиши мумкин. Феъл аналитик шакллари ёрдамида ифодаланадиган резултативлик сифатдош билан ифодаланадиган резултативликдан синтактик вазифасига ва лексик маъносига кўра фарқланади. Сифатдош билан ифодаланадиган резултативлик предикат англатадиган маънога референция вазифасини бажаради. Масалан: *Ортиққа неғадир раҳми келиб, маъюс бўлиб қолди. Сўнг челагини кўтариб, секин-аста йўлга тушди* (Пиримқул Қодиров, 248). *Вазира яқтакни оларкан, бақувват гавдасига, мускуллари бўртиб чиққан билақларига, кенг елкаларига махлиё бўлиб қолди* (Саид Аҳмад, 96).

Келтирилган мисолларда “*бўлиб қолди*” аналитик шакли шахснинг ҳолат ўзгаришини англатиб келган. Айнан “*қол*” кўмакчи феълнинг лексик маъноси ҳолат ифодасига эга. Шунинг учун ҳам аналитик шакллар ёрдамида ифодаланадиган резултативликда феълнинг лексик маъноси муҳим ўрин тутади.

Ўзбек тилида резултативлик морфологик кўрсаткичларга ҳам эга. Жумладан, *-ган* қўшимчали сифатдош ва *эди* тўлиқсиз феъл бирикмалари ўзига хос резултативлик тузилмаларини ҳосил қилади. Масалан; *Ширимбетов*

букчайганича, оёқлари букилганча қотиб қолган эди (С. Аҳмад, 31.; Азизхон кўндан бери бунақа кулмаган эди. Қорнини ушлаб букчайиб қолди (Саид Аҳмад, 142).

Кўмакчи феълли аналитик шаклларда резултатив ва асосий предикат маълум маънода ўз лексик маъноларини йўқотади ҳамда икки турдаги ҳаракатни ифодалайди. Бунда бир ҳаракат иккинчисининг натижаси сифатида баҳоланади. Масалан: *Аканг дадам бечорани белини букиб кетди; энди сен куйдирма* (Саид Аҳмад, 255).

Резултативлик ва статикликнинг биргаликда қатнашишини грамматик боғлиқ синонимия сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, мазкур ҳолда резултативлик асосий маъно сифатида қаралса, статиклик ҳосила ифодадир. Ҳосила дейишнинг боиси ҳолатнинг юзага келиши сифатдош шакли асосида қурилган. Масалан: *Деворлари нураб қолган ҳовлининг кунчай томонидаги айвонда кексагина бир хотин камзулига тугма қадаб ўтирибди* (Саид Аҳмад, 262). Кўринадикки, ўзбек тилида резултативлик ва статикликни баъзи ҳолларда бир-бирига яқин бўлган ҳодиса сифатида баҳолашимиз мумкин ва улар ўртасидаги фарқланишни фақатгина контекстга мурожаат қилиш орқалигина аниқлаш имкони мавжуд. Бу борада таниқли тилшунос Д.Насилов куйидаги фикрни билдириб ўтади: “Резултатив ва статив шакллар маъноси бир-бирини инкор этмайди, шу боис улар маълум муҳитда ўрин алмашиши мумкин (бундай ҳолатда резултатив перфект шаклида ифодаланади)” (Д.Насилов;1983, 118–120).

Резултативликни ташкил қиладиган лексик манбаларга ҳолатни ифодаловчи феълларнинг равишдош билан бирикиши, сифатдош ва ҳаракат номи бирикуви натижасида ҳосил бўладиган тузилмаларни (Bybee J., 1994: 53) киритиш мумкин. Масалан: *Эртаси кун кечки пайт оти терга ботган Холмат Ойкўлга кириб келди* (Пиримқул Қодиров, 244). Резултативликнинг лексик хусусиятлари кўпгина ҳолларда ҳолат ўзгариши, янги ҳолат пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ўзбек тилида резултативликнинг кенг тарқалган лексик турига “бўлмоқ” феълига баъзи кўмакчи феълларнинг бирикиши (*бўлиб қолди*)

ёки “*бўлмоқ*” феъли билан юзага келадиган кўшма феълларни киритиш мумкин (*бўлди-қолди*). Резултатив маъноларнинг шунингдек, статик маънога эга бўлган кўмакчи феълларнинг от ёки сифат билан бирикиши орқали ҳосил бўлиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан: *Бир пасда Икромжоннинг қадди букилди-қолди* (Саид Ахмад, 289). Янги ҳолатнинг юзага келиши сифатдош шакли ёки мажҳул нисбат шакли ёрдамида амалга оширилади. Мазкур ҳолда ўтимли феъл ўтган замонда содир бўлган динамик ҳаракатнинг натижаси сифатида баҳоланади. Масалан: *Машинанинг капотини очиб, моторини совутган шоп-мўйлов шофёр капотни ёнди-ю, Аваз яқин борганда шофёр унинг елкасидаги кўзиларни кўриб:*

-Ё тавба!-деб ёқасини ушлади. (Пиримқул Қодиров, 5). Кўринадик, резултативликнинг лексик хусусиятлари бир қанча лексик бирликлар, хусусан, феъллар билан бир қаторда, грамматик кўрсаткичларга ҳам боғлиқ. Резултативликнинг ифодаланиши эгаллик ёки эришилганлик маъноларида келган ўтимли феълларда ҳам кўзга ташланади. Масалан: *Юкни тушириб бўлиб, уйларига қараб кетаётган Аваз шу улугвор тоғлару чакмондаги бежирим кўзилардан бошқа нарсани ўйламасликка тиришди* (Пиримқул Қодиров, 13).

Ўзбек тилида резултативлик ўтимли феълларнинг сифатдош шакли билан ҳам ифодаланади. Масалан: *синган стул, тўпланган материал* ва ҳоказо. Резултатив тузилмаларда сифатдош предикатга тобе бўлган бирлик, аниқланмиш вазифасидаги бирликнинг натижага эришилган хусусияти, яъни резултатив ифодаларни англатувчи синтактик вазифаларни бажаради. Резултативлик предикатларнинг чегараланган ҳамда трансформатив хусусиятли акционал феълларда ҳам ўз ифодасини топади.

Боб бўйича хулоса

Асосий предикат доирасида ифодаланадиган резултатив маъно предикатнинг асосини ташкил қилувчи феълнинг лексик маъноси билан боғлиқ. Мазкур ҳолда ҳолат ўзгариши натижасида юзага келадиган резултативлик агенсга йўналтирилган бўлади, эга вазифасида қўлланилган номинатив бирликнинг сифатий хусусияти ёки ҳолатининг ўзгаришига олиб келинади.

Резултатив тузилмаларда иштирок этадиган сифат ушбу маънони кўрсатувчи асосий морфологик белги ҳисобланади ва синтактик тузилмани ташкил қилувчи асосий элемент сифатида тан олинади. Шунинг учун ҳам баъзи ҳолларда резултатив фраза атамаси билан ҳам юритилади.

Резултатив тузилма сифатида қуйидагилар ажратилди:

1) тузилмада иштирок этаётган феъл номинатив аргументнинг ҳолатига таъсир этиши, ҳолат ўзгаришига олиб келиш имконияти мавжудлиги;

2) ҳаракат бажарувчиси ифодаланмайди, ифодаланганда ҳам факультатив тарзда намоён бўлади;

3) резултатив тузилмаларнинг шаклланишида мураккаб тўлдирувчининг объект вазифасида қўлланилиши (инглиз тилига хос) муҳим аҳамият касб этади;

4) инглиз тилида резултатив тузилмалар аниқ морфологик белгиларга эга, жумладан, иккиламчи предикат вазифасидаги элементни сифат, сифатдош II, инфинитивнинг акционал хусусияти ташкил қилади;

5) мураккаб тўлдирувчи вазифасидаги резултатив тузилмалар каузатив ва депиктив тузилмалар билан муносабатга киришади, кўпгина ҳолларда бир тузилма икки хил маънони, резултативлик ва каузативлик, резултативлик ва депиктивликни ифодалаб келади;

6) ўзбек тилида резултатив тузилмалар локатив, инструментал отга нисбатан бажарилган ҳаракатни акс эттиради;

7) ўзбек тилида резултатив тузилмалар сифатдош шакли, “бўлмоқ”, “қилмоқ” феълларининг етакчи ва кўмакчи вазифаларида номинатив бирликнинг ҳолат ўзгаришини англатганда ҳосил бўлади;

8) результатив маъноларнинг ифодаланишида аналитик шаклларнинг ҳам ўрни бекиёс;

9) иккала тилда ҳам мажхул нисбатга хос грамматик шакллар ёрдамида результатив тузилмалар ҳосил бўлади. Мазкур ҳолларда феълнинг акционал чегараланган хусусияти муҳим аҳамият касб этади;

10) результатив тузилмаларда агенс ва пациенс иштироки муҳим.

Инглиз тилидаги чегараланган хусусиятли феълларнинг сифатдош II шакли мураккаб тўлдирувчининг иккиламчи предикати вазифасида, аниқловчи вазифасида ҳолат ўзгариши ва ҳаракат натижасини ўрнатувчи лисоний восита сифатида амал қилади.

Результативлик ва перфект мазмунан бир-бирига яқин ҳодиса бўлса-да, ифода мазмунига кўра, семантик воқеланиши томонидан фарқ қилади. Жумладан, инглиз тилида перфект ва результативлик маълум грамматик шаклланганлиги, прагматик ифодаланиш жиҳатларида, воқеа-ҳодисалар кетма-кетлигида фарқли томонлари аниқ кўзга ташланади. Ўзбек тилида эса перфект ва результатив маъноларни фақатгина контекстда, прагматик ифодаланиш жиҳатларини эътиборга олган ҳоллардагина аниқлаш мумкин.

Результатив тузилмаларда иштирок этадиган ва муҳим ўринга эга сифатдошнинг *–ган шакли* феълнинг акционал хусусияти ва лексик маънога боғлиқ ҳолларда керакли маънони англатади. Ҳолатни англатувчи феъллар сифатдош шаклида қўлланилганда субъект ҳолатининг нутқ вазиятига тенг бўлган ҳолатнинг ёки жараённинг юзага келишини кузатишимиз мумкин. Сифатдошнинг результатив тузилмаларни ҳосил қилишида феълдан ясалган сифатдошнинг акционал хусусияти таъсирини асосий белги сифатида тан олиш керак. Аниқ мисоллар асосида олиб борилган таҳлилларга асосланиб, айтиш мумкинки, чегараланган хусусиятли феъллар сифатдош (II) шаклида ҳаракат ёки жараён маъносини йўқотади ва ҳолат ўзгариши натижасида юзага келган результативликни ифодалайди.

Инглиз тилида результатив тузилмалар грамматик мақомга эга. Улар феълнинг ўтимлилик хусусиятига боғлиқ бўлиб, тузилма доирасида агенс ёки

пациенсинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ўтимли феъллар ва ўтимсиз феъллар иштирокидаги резултатив қурилмалар транзитивлик жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Ўтимли феъллар воситасиз тўлдирувчи олади ва мазкур объект сифат ўзгаришига учрайди. Шунингдек, мазкур тузилма мазмуни бевосита феълнинг лексик маъносига боғлиқ.

III БОБ. РЕЗУЛЬТАТИВ МАЗМУНДАГИ ВОҚЕА-ХОДИСАЛАР ТАРКИБЛАНИШИНING ЛИСОНИЙ ВА КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Иккиламчи предикат билан ифодаланадиган резултатив тузилмалар турлари хусусида

Америкалик тилшунос олима С. Ротштейн асосий предикат ва иккиламчи предикатни маъно жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган ҳодисалар сифатида қарайди. Муаллиф иккиламчи предикат воқеланишининг сабабларига аниқлик киритиш мақсадида қуйидаги саволларни қўяди ҳамда уларга жавоб беришга ҳаракат қилади:

1) Асосий предикатда ифодаланадиган воқеа-ходисаларни иккиламчи предикатда ажратган ҳолда маъно жиҳатдан таҳлил қилиш имкони мавжудми?

2) Нима учун иккиламчи предикатларда интранзитив ифодалар учрамайди? Мисол учун *I sang the baby asleep* шакли билан ифодаланадиган иккиламчи предикат унга синонимик тарзда пайт эргаш гапда *I sang while the baby was asleep* каби қўлланилиши қиёсан таҳлил қилинмайди?

3) Нима сабабдан иккиламчи предикатлар резултатив ва депиктив маъноларни англатади?

Муаллиф ушбу саволларга иккиламчи предикат ва асосий предикат ифодалайдиган воқеа-ҳодиса вақти бир-бирига тенг келиши сабаб бўлиши мумкин деган, жавобни беради. Унинг фикрича иккала предикат маъно жиҳатдан бир-бирини тўлдиреди (S.Rothstein; 2004, 68-69). Ғ.Мирсанов эса иккиламчи предикатлар асосий предикат англатадиган аспектual семантикани аниқ ифодаловчи кўрсаткич вазифасини бажаришини таъкидлайди (Ғ.Мирсанов; 2018, 55). Шунингдек, муаллиф резултативликни тугалланганлик фреймига тегишли бўлган слот (тугун) сифатида баҳолайди (Ғ.Мирсанов; 2019, 108-109), ваҳоланки, резултативлик ва тугалланганлик алоҳида ҳодисалар саналади. Чунки резултативлик ўзига хос тузилмаларни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам резултативликни алоҳида ҳодиса сифатида қиёсий ўрганиш ўзига хос самара бериши мумкин. Аммо муаллифнинг

результативликни аспектвал семантика турига киритишини маъқуллаймиз. Результативликни алоҳида тузилма сифатида таҳлил қилишимизга яна бир сабаби инглиз тилида мажхул нисбат *to be* кўмакчи феъли ва *participle II* шакли билан ясалиши билан боғлиқ. Аммо *he is gone* тарзидаги результатив ифода ҳам алоҳида тузилма сифатида тан олинади. Бундан ташқари мазкур бирикмалар перфект шакли билан карама-қарши кўйилиши ҳам одат тусига кирган. Масалан: *He has fallen* грамматик перфект шакли маъно жиҳатдан ҳаракатнинг ҳозирги воқелик пайтигача содир этилганлигини англатса, *He is fallen* результатив маънони ифодалайди, берилаётган маълумот натижани билдиради. Бу каби ҳодисалар инглиз тилидаги *to fall, to set, to go, to do* каби қатор боғловчи феълларга хос хусусият саналади.

The sun is set/has set “Қуёш ботди” / He is gone to the market “У бозорга кетди”.

Ғ.Мирсановнинг таъкидлашича, чегараланган ўтимли феъллар объект ҳолатини ўзгартириш маъносида результатив маънони англатади: *But all that had ended when they moved the first shovel* (Stone, 275) (Ғ.Мирсанов; 2019, 106). Фикримизча, мазкур ҳолда феълнинг ўтимли шаклидан ташқари тўлдирувчи вазифасида келган бирликнинг сон кўрсаткичи, миқдорий кўрсаткичларига ҳам боғлиқ. Хусусан, ушбу бирикмани кўплик шаклга трансформация қиладиган бўлсак (*moved several shovels*) результативлик семаси ўз-ўзидан йўқолади.

Маълум феъл лексемаси ифодалайдиган результатив маъно аспект шаклининг семантикаси ва феълнинг акционал (чегараланган) турига боғлиқ тарзда қурилади (С.Смит; 1991, 1997). Мазкур қурилма ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг тилда ифодаланишида қатнашадиган иштирокчилар ҳамда предикатда акционал тасниф тарзида акс этадиган онтологик хусусият билан боғлиқ. Маълум тарзда ифодаланадиган воқеа-ҳодисалар грамматикада ўзига хос қурилмалар кўринишида намоён бўлади. Инглиз тили грамматикасида шу каби тузилмалар икки турда ўз ифодасини топади: результатив ва каузатив тузилмалар (А.Голдберг; 1995, 2005; В.Крофт, 2001). Ушбу тузилмалар ўзига хос

маъно ифодалаш билан ажралиб туради. Масалан: *She sneezed the napkin off the table.*

Инглиз тили грамматикасида маълум феъллар гуруҳи доирасида ясаладиган шу каби тузилмаларнинг икки хил маъно (каузатив ва резултатив) англата олиш имкониятлари кўплаб тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда. Феъл семантикаси ва когнитив семантика билан шуғулланадиган кўплаб тилшунослар уни каузатив тузилма сифатида талкин этишади (F.Palmer, 1988; J.Carrier, J.Randall; 1992, 173–234). Феълнинг аспектвал семантикаси билан шуғулланадиганлар эса уни резултатив семантикани англатувчи алоҳида ҳодиса сифатида баҳолашади (D.Dowty, 1972, Z.Vendler, 1967; C.Tenny, 1994; M.Krifka, 1998). Мазкур тузилмаларни ҳосил қиладиган феълларни Г.Гатеннели перифрастик каузатив феъллар деб номлайди (G.Gilquin; 2010, 37) Муаллифнинг таъкидлашича, ҳар бир перифрастик каузатив феъл бир турдаги маънони бир неча тузилмаларда ифодалаш имконига эга. Масалан, *get* феъли билан [X *get* Y Vto-inf], [X *get* Y Vpp], [X *get* Y Vprp] каби қолипдаги тузилмалар ҳосил бўлади. Конструктив грамматика соҳаси вакилларининг таъкидлашича, тузилмалар бир-биридан шаклан фарқланса, улар алоҳида тузилмалар сифатида баҳоланиши керак. Чунки улар семантик ёки прагматик нуқтаи назардан турли маънони англатиши мумкин ва шунинг учун ҳам алоҳида таҳлил қилинишга мойилдир (A.Goldberg, 1995). Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: *The door banged behind her and John Ryan saw, through the bedroom window, his wife run across the small foot bridge opposite the pub* (Maeve Binchy, 4). Келтирилган мисолда X adj. reflexive V prp қолипи резултатив тузилмани ҳосил қилган ва ушбунинг ифодаси кейинги воқеа-ҳодисалар учун референция вазифасини бажарган.

Маълум турдаги бирикмаларда каузация субъекти ва каузацияга учрайдиган объектнинг умумий семантикаси феъл кесимда акс этади. Мазкур ҳол инглиз тилига хос хусусият саналади. Масалан: *And every evening while she was getting supper she made him take me out on the end of a string for a walk.* (O'Henry, 49) *Last time we got them filled we got them from down here, thirty odd*

quid Yeah; (Source:KCX). Келтирилган биринчи мисолда X make V inf тузилмасида каузация таъсирида иккиламчи предикатдаги результативлик ҳосил бўлган. Иккинчи мисолда X got YVpp, X get Ypp каузатив-результатив тузилмалари ифодаланган. Каузация таъсирида объект ҳолати ўзгаришга учраган Ўзбек тилида эса биров бошқача вазиятни кузатишимиз мумкин. Каузатив ифода феълга морфологик қўшимча қўшиш орқали юзага келади ҳамда субъект ҳаракатни амалга оширувчи вазифани бажаради. Масалан: *Чўл шамоли эсиб қамишзорларда увлади, қиз сочларини тўзгитди, қошларини беркитиб ташлади* (Саид Аҳмад, 362). Ушбу мисолда V cause +ит –У тузилмасида каузативлик –ит суффикси билан ифодаланган. Каузация таъсирида объектнинг (*сочлар, қошлар*) ҳолати ўзгарган, результатив маъно ифодаланган.

Инглиз тилида икки предикатдан ташкил топган ва маъно жиҳатдан бири-бирига яқин бўлган тузилмалар мавжуд. Мазкур тузилмалар результатив, каузатив, депиктив каби турларга бўлинади. Хусусан, бирламчи предикат субъект ҳаракатини ифодаласа, иккиламчи предикат предикатив ҳаракат натижасини, субъект ҳолатини, субъект ҳаракати тасвирини ифодалайди. Результативлик ва каузативлик маълум маънода бири-бирини тўлдиради. Баъзи ҳолларда бир тузилма доирасида результатив ва каузатив маънолар биргаликда ифодаланиши мумкин. Результативлик иккиламчи предикат вазифасида сифатдош, инфинитив каби феълнинг шахссиз шакллари қўлланилишида кузатилади. Депиктив ҳаракат ва ҳолатнинг қай тарзда амалга оширилганлигини равиш ёки сифат билан ифодаланган тузилмаларда кузатиш мумкин. Мазкур белгилар сиртдан ўхшаш тузилмаларда результативликни депиктивдан фарқлаш имконини беради.

1) результативлик депиктивдан вазият билан боғлиқ ҳаракат турида фарқланади: *He left the party angrily // He was upset of the party*. Биринчи мисолда шахснинг кечани қай тарзда тарк этгани тасвирланган. Мисолдаги *the party angrily* тузилмасидаги депиктивлик *angrily* равиши билан ифодаланган.

Кейинги мисолда шахснинг кечадаги вазият таъсирида юзага келган ҳолати резултативликни ҳосил қилган;

2) резултативлик ва депиктивлик иккиламчи предикатда иштирок этаётган шахссиз феълнинг лексик-семантик маъносига боғлиқ тарзда юзага келади. *The cold made his nose run // The smell of the roast beef made Willy realize that he was hungry.* Биринчи мисолда каузативлик ва резултативлик бир тузилма таркибида ифодаланган. Каузативлик асосий предикатдаги каузатив феълига хос бўлса, резултативлик *his nose run* қурилмасининг инфинитив билан ифодаланган иккиламчи предикатида ўз ифодасини топган. Иккинчи гапда эса каузативлик ва депиктивлик бир конструкцияда ўз аксини топган. Бу мисолда ҳам каузативлик бош предикатдаги феълга хос хусусият саналса, депиктивлик иккиламчи предикат ва тўлдирувчи эргаш гап англатган маънодан англашилади. Ўзбек тилида резултатив, каузатив ёки депиктив тузилмалар бир-бирига яқин ифодага эга. Каузация мантиқан англашилади. Резултативлик ва депиктивлик бир тузилмада ифодаланиши мумкин. Резултативлик бутун тузилмага хос маъно бўлса, депиктивлик ахборот хусусиятига эгаллиги билан баҳоланади. Масалан: *У синган, парча-парча бўлиб кетган ойна орасидан ҳамон илжайиб қараб турарди* (Саид Аҳмад, 294). *Қуриб-қовжираб қолган қамишларни олов бир чеккадан ямлаб борарди* (Саид Аҳмад, 319).

Мазкур мисолларда резултативлик бирор олдинги ҳаракат оқибатида юзага келган янги ҳолат ёки ҳаракатнинг натижаси сифатида баҳоланади. Резултативлик баъзан ҳолат маъноси билан боғлиқ грамматик шаклга эга бўлса, бошқа ҳолларда лексик-семантик хусусиятга эга. Келтирилган мисоллардаги резултативлик айнан иккиламчи предикатга тегишли. Иккиламчи предикат вазифасидаги *синмоқ, парча-парча бўлмоқ, қовжирамоқ* феълларининг лексик-семантикасида резултативликка йўналтирилганлик мавжуд. Айнан лексик-семантик усулларга мойил тиллар тизимида ҳам резултативликнинг ифодаланиши баъзи грамматик шаклларга бўйсунди. Резултативликнинг грамматик кўрсаткичлари сифатида ҳолат ўзгаришини

англатувчи феълларнинг мажхул нисбат шакли ёки сифатдош шаклларини келтириш мумкин.

Тузилмалар феъл семантикаси таҳлилида муҳим ўрин тутди. Бунда маълум феъл синфи доирасида юзага келадиган бирикувлар ажратиб олинди ҳамда тузилма ҳосил қилиш имкониятларига қараб баҳоланади. Натижада, маълум гуруҳга оид бўлган феъллар англатадиган маъно нутқий тузилма ифодаладиган маънога алоқадорлигининг бир неча усуллари белгиланади. Бунинг оқибатида феъл англатадиган маъно бевосита ўзи иштирок этаётган тузилма маъносини акс эттирмайди. Тузилмалар тузилиши ҳар доим ҳам айtilган тартибга эга бўлавермайди. Бу ҳар бир тил оиласига мансуб структураларнинг фарқлиниши билан боғлиқ. Тиллараро қиёслашда феълларнинг морфологик белгилари тузилма ясалишига таъсир этишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мисол учун, *поссессив*, *аппликатив*, *каузатив* каби лисоний тушунчалар инглиз тилида феъл лексемасининг хусусияти сифатида баҳоланади. Бошқа тилларда, хусусан, ўзбек тилида феълнинг категориал ўзгариши морфологик белгиларга боғлиқ. Феъл ўзагига қўшиладиган қўшимчалар, аналитик шаклларни ҳосил қиладиган кўмакчи феъллар маълум синфга ёки гуруҳга тегишли бўлган феълни семантик жиҳатдан кичик гуруҳларга ажралиши мумкин. Бу каби ҳолларда лексик ҳодисага асосланиш орқали тузилмаларни фарқлаш амали иш бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам тузилмаларни аниқлаш ва таҳлил қилишда барча лексик, морфологик, синтактик воситаларга асосланиш маълум натижаларга олиб келади. Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ инглиз тилидаги баъзи феъллар гуруҳи тузилмаларнинг асосини ташкил қилади. Буни чегараланган хусусиятли феълнинг депиктив сифат билан бирикканлигида кузатишимиз мумкин. Масалан: *The door closed shut* (O'Henry, 364). Мисолдаги резултатив тузилма *close* феълнинг акционал хусусияти ва *shut* сифати семантик муносабатида ҳосил бўлган.

Резултативлик феъл ҳаракати натижасида юзага келган ҳолат ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, аргумент семантикасига хос ҳодиса бўлади. Аргумент бу каби ҳолларда пациенс вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам инглиз тилида

результатив тузилмалар ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъллардан кейинги позицияда юзага келиши мумкин. Ўтимли феъллардан кейинги позицияда ҳосил бўладиган результатив тузилмалар воситасиз тўлдирувчига тааллуқли бўлади. Масалан: *"I had brushed my hair very smooth."* (Ch. Bronte, *Jane Eyre*);

"You killed it stone-dead." (Somerset Maugham, *"Altogether"*).

Мазкур мисолларни синтактик-семантик шаклланишга кўра икки турдаги результатив тузилмалар тарзида баҳолаш мумкин. Биринчи мисолда ўтимли феъл ва результатив фраза маъно жиҳатидан уйғунлашган. Иккинчи мисолда эса результатив маъно феъл семантикасига тааллуқли ҳисобланади.

Инглиз тилида результативликнинг ўтимсиз феъл ёрдамида ҳосил бўлиши ҳам кузатилади. Ўтимсиз феъл ёрдамида ифодаланадиган ходисалар “интранзитив результатив тузилмалар” деб аталади. Қиёсланг:

- a. *The joggers ran their Nikes threadbare.*
- b. *The kids laughed themselves into frenzy.*
- c. *He sneezed his handkerchief completely soggy.*
- d. *The boy cried himself sick.* (Rothstein S., 1992; 127)

Келтирилган (а) мисолда “Югурувчилар оёқ кийимларини югуриши орқали чокидан сўтилтиришди”, (б) мисолда “Болалар кулгудан ўзларини йўқотиб қўйишди”, (с) мисолда “У акса уриш билан рўмолчасини ҳўл қилиб юборди”, ҳамда (д) мисолда “Бола йиглайвериб касал бўлиб қолди” каби маънолар ифодаланган. Мазкур мисоллардаги результатив маънолар композиционал тасвирий ифода натижасида юзага келган. Результативлик семантикаси феъл ва унга воситали тўлдирувчининг бирикиши натижасида юзага келган.

Результатив тузилмалар мажҳул маъно ёки мажҳул нисбат шаклларида семантик жиҳатдан эгага боғланган ҳолда ҳам ифодаланadi. Масалан: *"I charged with them, and got knocked silly for my pains."* (Rider Haggard, *"King Solomon's Mines"*, 93);

The tools were wiped clean. (O'Henry, 78)

Результативликнинг воқеа-ҳодисалар таркиби, субъект ёки объектнинг макони билан алоқадор жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу результативликнинг

ифодаланиш имкониятлари чекланмаганлигидан далолат беради. Макон билан боғлиқ резултативлик объект жойлашган позициянинг ўзгариши натижаси, яъни транзитив резултативликдир. Масалан: *The door banged behind her and John Ryan saw, through the bedroom window, his wife run across the small foot bridge opposite the pub (Maeve Binchy, 4);*

What could they be doing that made them stay when all the others had gone? (Maeve Binchy, 14);

He believed that basically most people were very good. This made him a nice change from many other parish priests in the country who believed that most people were intrinsically evil. (Maeve Binchy, 18);

Dara hopped around on one leg and looked through the door that they were meant to keep firmly closed, to see how big the audience was. (Maeve Binchy, 22).

Мазкур ҳолларда резултативлик воқеа-ҳодисаларнинг макон позицияси ўзгариши билан боғлиқ маънога эга. Резултатив тузилмалар динамик ҳодисаларда ҳам ўз ифодасини топади. Бу каби ҳолларда резултативликни акс эттирувчи тил бирлигининг лексик маъносига эътибор қаратилиши керак бўлади. Таъкидлаш жоизки, резултатив маъно баъзи ҳолларда эмоционал ифода натижасида юзага келади. Масалан: *They preferred to sell whiskey already bottled. (Maeve Binchy, 30);*

'Oh I know that, I'm not disputing it, Eddie would have your heart scalded. (Maeve Binchy, 77);

He tapped gently. She came to the door fully dressed. (Maeve Binchy, 80).

Конструктив грамматика соҳаси вакилларининг таъкидлашича, агарда тузилмалар бир-биридан шаклан фарқ қилса, улар мустақил тузилмалар сифатида баҳоланиши керак. Чунки улар семантик ёки прагматик нуқтаи назардан турли маънони англатиши мумкин ва шунинг учун ҳам алоҳида таҳлил қилинишга мойилдир (A.Goldberg, 1995).

Каузатив тузилмаларга когнитив парадигманинг таъсири каузатив феълларнинг семантик ва стилистик хусусиятларида кўзга ташланади. Чунки *get, have, make, cause* каузатив феъллари ва Ob+inf, Ob+gerund, Ob+PI, PII,

Ob+adj, Ob+prp қолиплари ёрдамида ҳосил бўладиган каузатив конструкциялар англатадиган маънолар когнитив фаолият орқали аниқланади. Аммо конструктив грамматика вакиллари бир неча тузилмаларни шаклан бир хил ҳодиса сифатида таҳлил қилишади (A.Goldberg, 1995). Фикримизча, маълум маънода шаклан бир хил бўлган қурилмалар семантик ёки прагматик жиҳатдан фарқланиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, бир каузатив феъл доирасида ҳосил бўладиган ҳар бир конструкция алоҳида таҳлил қилиниши лозим.

Her fair hair was curled carefully, and she wore a little lipstick but not enough to do any damage (Maeve Binchy, 27).

Результатив тузилмалар фрейм семантикасида ҳам муҳим ўрин тутиши мумкин. Турли результатив тузилмалар фрейм доирасида битта фреймга бирлашиб қолмасдан, балки мазкур тузилмаларнинг ўзига хос умумлашган бир хил қолипдаги маъноларини ифодалайди. Шунингдек, фрейм назарияси доирасида улар синтаксис ва семантика ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш учун ҳам хизмат қилади. Бу орқали фрейм элементлари қай даражада синтактик сатҳда амалга ошишига ойдинлик киритилади. Мазкур результатив тузилмаларда каузацияни амалга оширувчи, каузацияга учрайдиган объект, пациенс, натижа (результативлик) каби фрейм элементлари фарқланади. Улар кўпгина ҳолларда каузатив конструкциялар билан қоришиб кетади. Шунинг учун ҳам асосий предикатни “каузатив ҳодиса (causing event) (Shibatani, 1976)”, иккиламчи предикацияни эса “результатив ҳодиса (resultative event)” атамалари билан номлашни маъқул деб топдик. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: *Will I make [causing event] her do [caused event]handstands? Declan was interested now. (Maeve Binchy, 39); Oh I know that, I'm not disputing it, Eddie would have [causing event] your heart scalded [caused event] (Maeve Binchy, 77).*

Келтирилган мисолларда каузатор воқеа-ҳодисани амалга оширувчи шахс бўлса, объект эса каузатор таъсирида ўзгаришга учраган ва результатив воқеа-ҳодисанинг юзага келишида муҳим ўрин тутади. Мазкур тузилмаларнинг фрейм элементлари синтактик сатҳда фарқланади. Қиёсланг:

I had the boy leave.

The technician had the video working.

The emperor had the slave imprisoned.

Келтирилган биринчи ва иккинчи мисолларда эга вазифасида келган биринчи шахс олмоши ва от каузатор вазифасини бажарган. Каузацияланувчи эса воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган бирликлардир. Айнан тўлдирувчи вазифасидаги тил бирликлари томонидан амалга оширилган ҳаракат резултатив ифодадир. Учинчи мисолда эса воситасиз тўлдирувчи пациенс вазифасини олган. Каузатор вазифасини бажарувчи субъект ифодаланмасдан қолган (*The emperor had [his guards] imprison the slave - Император (қоровулларига) қулни қамашни буюрди*).

Р.Лэнгакер резултатив тузилмаларнинг қўлланилиши бевосита когнитив ҳодиса эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг қайд этишича, резултатив тузилмалар ҳаракатлар кетма-кетлигида бошланғич энергия манбаси асосида юзага келади” (Langacker; 1991, 408).

Ҳаракатнинг боғлиқлиги алоҳида ҳодисаларнинг кетма-кет келиши билан боғлиқ тарзда талқин этилади. Аммо резултатив тузилмалар мазкур ҳодисаларнинг якуний натижасини ифодалайди. Резултатив ва каузатив тузилмалар иштирок этадиган матнларда ҳаракатлар кетма-кетлиги ташаббусқори каузатор ҳисобланади. Феъл билан ифодаланган каузатор ҳаракати воситасиз мураккаб тўлдирувчи вазифасида келган объектга, яъни биринчи элементга йўналтирилади. Ҳаракат натижаси айнан иккинчи элемент бўлган феълнинг шахссиз шаклида англашилади. Ушбу ҳодисаларда иштирок этадиган барча элементлар боғлиқлиги концептуал сатҳга хос хусусиятдир. Кўпгина ҳолларда агенс ва пациенс муносабатида каузация феъл воситасида англашилади. Резултативлик мураккаб тўлдирувчининг иккинчи элементи маъносига юклатилади. Мазкур ҳодисаларни Ридден *The Queen killed Snow White // The Queen caused Snow White to die* (Radden, 1992: 516) мисоллари ёрдамида фарқлайди. Келтирилган биринчи мисолда “Қиролича”нинг ҳаракатига, яъни каузациясига урғу берган. Кейинги гапда эса “*to die*” элементи натижани англантиб келган ва резултатив тузилманинг бош элементи сифатида

акс этган. Кўринадики, феълнинг резултатив маъноси ва резултатив тузилма бир хил ҳодисани ифодаласа-да, қўлланилиши ва таркиби жиҳатдан турлича талқин қилиниши мумкин.

Инглиз тилидаги мажхул нисбат шаклига эга резултатив тузилмалар грамматик шаклларнинг ривожланиш тарихига бориб тақалади. Ушбу тузилмалар ҳолат ўзгариши билан алоқадор бўлган мажхул нисбат шаклининг маҳсули саналади. Масалан: *His shoes and clothes were wet through icy cold* (O'Henry, 194).

Резултатив тузилмалар маълум феъллар ёрдамида амалга оширилади. Бунга мисол тариқасида инглиз тилидаги *find* феълени келтириш мумкин. Масалан: *Turning, she found her view blocked by a broad chest, wide shoulders encased in a white linen shirt* (Liz. Fielding, 9).

Инглиз тилидаги кўплаб резултатив тузилмалар каузатив маънога эга. Таъкидланганидек, кўпгина ҳолларда бундай тузилмалар транзитив (ўтимли феъл) резултатив тузилмалари атамаси билан ҳам юритилади (J.Carrier, H.Randall; 1992, 173).

Резултатив тузилма мустақил ҳодиса бўлиб, маълум феълнинг аргумент билан бириккан ҳолда ифодаладиган маъноси саналади. Уларни аниқлашда аргумент вазифасида қатнашадиган агенс ва пациенснинг ҳолат ўзгаришига эътибор қаратиш лозим. Зотан, мазкур маъно аргументлар иштироки билан белгиланади. Жумладан, маълум тузилмада иштирок этаётган феъл маъноси тузилмадаги аргумент вазифаси билан мослашиши талаб қилинади. Шундай қилиб, агарда феъл маъноси иштирокчи аргументларга натижа берадиган бўлса, тузилма сифатида баҳоланади. Мисол тариқасида инглиз тилидаги *wipe, sell* феълларини келтиришимиз мумкин. Масалан: *He wiped the table clean. They preferred to sell whiskey already bottled*. (Maeve Binchy, 30).

Резултатив тузилмалар феълдан мустақил тарзда маълум аргумент таркибига эга бўлишади. Баъзи феъллар эса ўзларининг туб резултативлик маъносига эга. Улар пациенс таркибига кирадиган аргумент феъл маъноси таъсирида резултатив маънони англадиб келади. Мазкур ҳолда резултативлик

феъл билан ҳосил бўладиган сўз бирикмасининг бир қисми сифатида иштирок этади. Буни қуйидаги мисолда кузатишимиз мумкин. Масалан: *She became accustomed to working the bar* (Maeve Binchy, 70).

Ушбу мисолда **became** феъли резултатив маъно англатган **accustomed** сифатдош II билан сўз бирикмасини ҳосил қилган. Келтирилган тузилма резултативликнинг юзага келишини таъминловчи вазифасини бажаради. Бундан ташқари, резултатив тузилмаларни ҳосил қиладиган қатор лексик бирликлар ҳам мавжуд. В.Грин қуйидаги сифатларни резултатив тузилмалар ҳосил қилувчи бирликлар тарзида санаб ўтади: *"asleep/awake," "open/shut," "flat/straight/smooth," "free," "full/ empty," "dead/alive," "sick," "hoarse," "sober," "crazy", He drank himself funny/happy.*

He wiped it damp/dirty (Green W., 1972).

Резултатив тузилмалар бошқа тилларга нисбатан инглиз тилида кенг тарқалган. Уларнинг қуйидаги морфосинтактик шакллари учратиш мумкин:

1) сифат билан ифодаланган резултатив тузилмалар. Масалан: *I wiped the table clean* (British corpora);

2) мураккаб эга таркибида сифат иштирок этувчи резултатив тузилмалар. Масалан: *Your son could have been born clever* (British corpora);

3) равиш ва равишли бирикмалар ёрдамида ҳосил бўладиган резултатив тузилмалар: *I left behind the tree into pieces* (British corpora);

4) сифатдош билан ифодаланган резултатив тузилмалар: *People drank spirits and got drunk* (British corpora).

Резултативлик ифодаланиш усулларига кўра тиллар кесимида фарқ қилади. Жумладан, инглиз тилида резултативликни ифодаловчи тил бирликларини уч гуруҳга ажратиш мумкин. Улардан биринчиси ва асосийси, махсус иккиламчи предикацияга киришувчи тузилмалар; *John painted the house red, Mary drank her coffee hot. Mary believes/considers John foolish.*

Бу гандан кейин мен анча пўк бўлиб қолдим (Ғ.Ғулом, 115);

Шундай қилиб, жувон тушмагур илоннинг ёғини ялагандай бидирлаб мени авради, бош кўзимни айлантирди (Ғ.Ғулом, 115);

Болагинамнинг таги ҳам бўкиб кетибди (Ғ.Ғулом, 121);

Ҳалигача жирканиб, хор тутилган ўғлимга ҳам ҳеч ким шамолни раво кўрмай, дийдасининг устида сақлаб, ҳурмат қиладиган бўлиб қолди (Ғ.Ғулом, 123);

Ўғлим бўлса, алпон-талпон юрадиган, оппоқ бола бўлиб қолибди (Ғ.Ғулом, 124);

Ҳеч кутилмаганда эрта билан чойнинг устига кириб боришим кампир бечорани жуда довдиратиб қўйди (Ғ.Ғулом, 137).

Ўзбек тилида результативлик маълум феъллар ва аналитик шакллар орқали ифодаланади. Уларни маъно жиҳатдан шаклланишига қараб кучли ва кучсиз результатив гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, от билан ифодаланган аргументнинг бошқа ҳолатга ўтиши қолмоқ кўмакчи феълли ёрдамида ифодаланади. Масалан: *-Ҳой, сен бола, нима деясан? Синни солим шу ерга келганда, келиб-келиб энди сенга майна бўлиб қолдимми, болам?* (Ғ.Ғулом, 120); *Бир куни поччамнинг кўппагини яшириб олиб чиқиб, уриштирдим. Олдинги бир оёғи синиб қайтди ва бир умр чўлоқланиб қолди* (Ғ.Ғулом, 161).

Келтирилган мисоллардаги *майна бўлиб қолдимми, бир умр чўлоқланиб қолди* бирикмалари темпорал ёки модал хусусиятга эга эмас. Улар айнан результатив характерга эга бўлиб, ҳодисанинг натижасини англатиб келган.

Ўзбек тилида результативлик предикатда ифодаланади. Шунингдек, ўзбек тилида *-ан, -ин, -ил* (*белгиланди, қилинди, бажарилди, амалга оширилди*) каби махсус суффиксларни результативликни англатувчи кўрсаткичлар сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки ушбу суффикслар предикат ифодалаган ҳаракатнинг натижасини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Сифат ёрдамида ифодаланадиган результативликни кучсиз хусусият сифатида баҳолаш мумкин. Мисол учун бирор ҳолат ўзгариши *қилмоқ* феълнинг сифат билан бирикувида (*у уйни топ-тоза қилиб қўйди*) ифодаланади.

Таъкидаш жоизки, ўзбек тилида резултативлик *–ган* кўшимчали сифатдош ёрдамида ҳам амалга оширилади: *синган пиёла, эскирган мода*. Феъл аналитик шакллари ёрдамида ифодаланадиган резултативлик сифатдош билан ифодаланадиган резултативликдан синтактик вазифасига ва лексик маъносига кўра фарқланади. Сифатдош билан ифодаланадиган резултативлик предикат англатадиган маънога референция вазифасини бажаради. Шунингдек, ўзбек тилида резултативлик морфологик кўрсаткичларга ҳам эга. Жумладан, *–ган* кўшимчали сифатдош ва *эди* тўлиқсиз феъл бирикмалари ўзига хос резултатив тузилмаларини ҳосил қилади. Масалан: *Ширимбетов букчайганича, оёқлари букилганча қотиб қолган эди* (С.Аҳмад, 31); *Мактабдан қий-чув кўтариб чиққан болалар орасида, сўриларда чойхўрлар чордона қуриб ўтирган чойхона олдидан югуриб ўтди-ю, деразаларга оппоқ дарпардалар тутилган дўхтирхона олдига бориб қолди* (Ўткир Ҳошимов, 35).

Кўмакчи феълли аналитик шаклларда резултатив ва асосий предикат ўз лексик маъноларини йўқотади ҳамда икки турдаги ҳаракатни ифодалайди. Бунда бир ҳаракат иккинчисининг натижаси сифатида баҳоланади.

Ўзбек тилида резултативлик ўтимсиз феълларнинг сифатдош шакли билан ҳам ифодаланади. Масалан: *Сут ичиб оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дегандек, домланинг ҳам кўп марта оғзи куйган кўринади* (Саид Аҳмад, 22). Резултатив тузилмаларда сифатдош предикатга тобе бўлган бирлик, аниқланмиш вазифасидаги бирликнинг натижага эришилган хусусияти, яъни резултатив ифодаларни англатувчи синтактик вазифаларни бажаради. Резултативлик предикатларнинг чегараланган ҳамда трансформатив хусусиятли акционал феълларда ҳам ўз ифодасини топади.

Ўзбек тилида резултатив тузилмаларни ташкил қиладиган синонимик шакллар морфологик нуқтаи назардан синтетик ва аналитик бирикмаларда ифодаланиши мумкин. Бу ҳодиса сифатдошнинг асосий предикатдан мустақил тарзда ифодаланиш ҳолатида қўлланилади. Хусусан, феълнинг номинатив шаклларига тегишли бўлади. Масалан: *Белоруссия ўрмонларида партизан отрядига командирлик қилиб юрган пайтларида бошига теккан осколка ўнг*

чакасида каттагина из қолдирган барваста йигит эди (Пиримқул Қодиров, 104).

Результатив маъно нисбатан етакчи ва кўмакчи феъл бирикмасида ҳосил бўладиган аналитик шаклларда ҳам ифодаланиш хусусиятига эга. Аналитик шакллар англатадиган результативликни аниқлашда уларни депиктивдан фарқлаш талаб қилинади. Результативлик асосий предикат англатган ҳозирги замон билан алоқадор ҳамда асосий предикат ифодалаган маъно таъсирида ҳолат ўзгаради. Масалан: *Унинг очиқ қолган кўзларига қарадим. Тун қоронғусида кўзларида қандай ифода қотиб қолганини билолмадим* (Саид Аҳмад, 49).

Туркий тилларда результативлик кенг миқёсда ўрганилмаган. Д.Насилов ўзбек тилида результативликни англатувчи баъзи birlikларга қисман тўхталади (Д.Насилов; 1983, 118–123). А.Мемтимин ва И.Невскаялар уйғур тилидаги результативлик ва депиктивликни маълум контекстларда таҳлил қилишади (А.Мемтимин, I.Nevskaya; 2012, 80–94). Муаллифларнинг фикрича, депиктивлик семантик нуқтаи назардан асосий предикат билан ифодаланади. Результативлик эса иккиламчи предикатга хос хусусият сифатида баҳоланади. Ўзбек тили, маълумки, туркий тиллар оиласига мансуб. Туркий тиллар гап таркибининг синтактик қурилиши, грамматик шакллари билан бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Хусусан, уйғур тили ўзбек тилига лексик-грамматик жиҳатдан жуда яқин саналади. Демак, ўзбек тилида результативлик ва депиктив ифодаланиш бир-бирига жуда яқин. Шунинг учун ҳам мазкур икки ҳодисани фарқлашда тузилмада қатнашадиган birlikларнинг лексик-семантик хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Ҳамма ёқ кўм-кўк майса билан қопланган. Қўрғон деворларидан оша энгашиб турган мева дарахтлари оқ пушти гуллар билан ўралган, асаларилар гулдан-гулга қўниб бол йиғадилар (Саид Аҳмад, 16);

Ҳамма ёқда баҳор нафаси гуркирайди. Девор оша кўчага энгашиган ўрик шохларидан йўлларга танга-танга гуллар тўкилган. Жилдираб оқайтган ариқлар бетидан ҳам ўрик гуллари оқади (Саид Аҳмад, 62).

Келтирилган ҳар иккала мисолда ҳам депиктив ва результатив тузилмаларни учратиш мумкин. Жумладан, *кўм-кўк майса билан қопланган, оқ пушти гуллар билан ўралган, девор оша кўчага энгашиган* каби тузилмалар депиктивликка мисол бўлади. Зеро, улар маълум вазиятнинг тасвирий ифодасини англантиб келган. Кейинги мисолдаги *танга-танга гуллар тўкилган* тузилмасидаги *тўкилган* сифатдоши результативликка мисол бўлади. Мазкур тузилмадаги *результативлик тўкилган* сифатдошининг феъл шакли чегараланган акционал хусусияти ҳаракатнинг (гулларнинг тўкилганлиги, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтганлиги) натижасини англантиганлиги билан изоҳланади.

Ўзбек тилида результативлик бошқа тиллардаги каби, сифат билан ҳам ифодаланиш имконига эга. Қиёсланаётган инглиз тилидан фарқли равишда ўзбек тилида результатив маъно сифатга ёки отга эмас, балки иккиламчи предикатни ҳосил қиладиган сифатдошга тегишли саналади. Мазкур тузилмаларда сифат результативликнинг кўрсаткичи вазифасини бажаради. Масалан: *Бўри елкасига тоза қилиб ювилган сочиқ ташлади (Тоғай Мурод, 21);*

Азизхон камгап бўлиб қолган, биров билан очиқ гаплашмас, эрта билан қопини судраб трассага чиқиб кетар, кечқурун чодирга кириб кетганча қайтиб чиқмасди (Саид Аҳмад, 167);

Энди унинг бетидан тажсанглик, боя айтган сўзларидан хижолатлик излари қочган, илжайиб Али полвоннинг гапларига жим қулоқ соларди (Саид Аҳмад, 186).

Ушбу мисоллардаги результативлик контекстдаги *тоза, камгап, тажсанглик, хижолатлик* каби мавҳум от билан ифодаланган ҳолат ўзгаришида ўз ифодасини топади. Мазкур тузилмалардаги *қилиб ювилган, бўлиб қолган, излари қочган* аналитик бирикмалари результативликнинг бош кўрсаткичлари ҳисобланади.

Келтирилган мисоллар таҳлили кўрсатишича, ўзбек тилида результатив тузилмалар *сифат* ва *қилмоқ*, *бўлмоқ* феълларининг –*иб* равишдош шаклини олиши ҳамда кўмакчи феълнинг –*ган* сифатдош шакллари бирикишида ҳосил бўлади.

Тўпланган материалларда результатив тузилманинг–*иб* равишдош шаклига эга *бўлиб*, *қилиб* феъллари билан ҳосил бўладиган кўплаб мисоллар учради. Хулоса қилиш мумкинки, ўзбек тилида результативликнинг шаклланишида ушбу иккала кўмакчи феъл асосий элемент сифатида баҳоланиши мумкин. Уйғур тилида депиктив конструкцияларни таҳлил қилган И. Невская: *polip / bolup / boop* кўмакчи феъллари субъектив депиктив, *edip / qilip* кўмакчи феъллари эса объектив депиктив тузилмаларни (Nevskaya I., 2008; 275–295) шакллантириши борасида фикр юритади. Маълумки, ўзбек ва уйғур тиллари бир оиллага мансуб бўлиб, феълларнинг грамматик тузилиши бир-биридан катта фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам мазкур тилларда результатив ва депиктив тузилмалар шаклан ва мазмунан бир хил кўринишга эга.

Ўзбек тилида результативлик сифатдош, равишдош каби феълнинг номинатив шаклларига хос хусусият ҳам саналади. Ўзбек тилида феълнинг номинатив вазифасида келадиган равишдош, сифатдошлар инглиз тилидаги феълнинг шахссиз шакллари ёрдамида ифодаланадиган результативлик ёки улар ҳосил қиладиган результативдан синтактик вазифасига кўра шаклан фарқ қилади. Инглиз тилидаги результатив тузилмаларда феълнинг шахссиз шакллари иккиламчи предикат вазифасида қўлланилади. Ўзбек тилида результатив тузилмаларда иштирок этадиган феъл эса мазкур вазифани бажармайди. Ўзбек тилида результатив маънолар равишдош ёки сифатдош вазифасида қўлланилган феълнинг лексик маъноси ёки акционал хусусиятига боғлиқ тарзда юзага келади. Масалан: *Раис самоварчи келтириб қуйган яхнадан икки пиёлани устма-уст симириб, ўрнидан турди.* .(Саид Аҳмад 44); *Ун гарди билан оқариб кетган тол баргларига, тўкилган донларни талашиб чўқиётган товуқларга маънос термилиб қолди.* . (Саид Аҳмад 93).

Бундан ташқари, ўзбек тилида результативлик баъзи ҳолларда инструментал характерга эга бўлса, бошқа ҳолларда етакчи-кўмакчи феъли аналитик шаклларда ифодаланади. Бунда результативлик кўмакчи феълнинг чегараланган хусусияти билан боғлиқ бўлади. Масалан:

Нигоранинг кўзлари ялт этиб очилиб кетди .(Саид Аҳмад 91);

У анча сўлиб қолган, кўзлари ичига ботиб кетган, овози ҳам ҳазин эшитилаётгандек эди (Саид Аҳмад, 176)

Келтирилган биринчи мисолда *ялт этиб* равишдошли бирикма лаҳзалик ҳаракатни ва тасвирий ифодани англатган бўлса, асосий предикатдаги *очилиб кетди* аналитик шакли ҳолат ўзгариши натижасини ифодалаган. Оқибатда, результатив маъно юзага келган. Кейинги мисолда *сўлиб қолган, кўзлари ичига ботиб кетган* предикатлари субъект ҳолатининг ўзгарганлигини англатган ва результативликка мисол бўла олади.

Ўзбек тилида кўмакчи феъллар воқеа-ҳодисаларни ифодалашда семантик жиҳатдан бой хусусиятга эга. Мисол учун *қолмоқ* феъли локативлик ва статик хусусиятга эга. Аммо ушбу феъл кўмакчи феъл вазифасида ҳолат ўзгариши билан боғлиқ результативликни ҳам билдириб келади. Шунингдек, *ташламоқ* феъли ҳам шундай вазифани бажаради (А.Ҳожиев, 1975). Масалан: *Эш полвон қизиқ аҳволга тушиб қолди. Боятдан бери голиблик нашъаси билан порлаб турган кўзлари бежо бўлиб қолди (Саид Аҳмад, 193). Маҳмуд чинор тагига келди-да, ёнидан пичогини суғуриб, Қумри боғлаган арқонларини шарт-шарт кесиб ташлади (Саид Аҳмад, 95).*

Биринчи мисолда *қизиқ аҳволга тушиб қолди, кўзлари бежо бўлиб қолди* аналитик шакллари шахснинг ҳолат ўзгаришини ифодалаб келган. Ушбу мисолларда ҳолат ўзгаришини результативликнинг асосий кўрсаткичи сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбек тилидаги *қолмоқ* кўмакчи феъли билан ҳосил бўладиган аналитик шакллар кўпгина ҳолларда результатив маънони англатиб келади. Ифодаланаётган мазкур результативлик нафақат кўмакчи феълнинг семантик хусусияти, баълки тус-замон кўрсаткичига боғлиқ тарзда юзага

келган. Келтирилган мисоллардаги феълнинг ўтган замон шакли ҳам результативликнинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбек тилида результативликка мисол бўла оладиган ўзига хос феъл шакллари ҳам мавжуд. Бунда предикатда иштирок этаётган чегараланган хусусиятли феъллар уюшиб келади. Масалан:

-Э, ука, ҳали сизнинг кўп гаплардан хабарингиз йўқ. Бўлар иш бўлди, ўлган ўлди, қолган қолди (Саид Аҳмад, 218).

Мазкур мисолда *ўлган ўлди, қолган-қолди* шаклидаги феълли бирикмалар воқеа-ҳодисанинг натижасини англатиб, ўзига хос результатив тузилмаларни ҳосил қилган. Келтирилган мисолда бир хил шаклдаги феъл редупликатив тарзда келган.

Ўзбек тилидаги результативлик морфологик шаклланган бўлиб, аналитик шаклларда, тўлиқсиз феъллар ёрдамида ва, шунингдек, сифатдош шаклларида учрайди. Инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тилидаги результативлик ўтган замонга хос хусусият сифатида ҳам баҳоланиши мумкин. Масалан: *Маҳмуд чинор тагига келди-да, ёнидан пичогини сугуриб, Қумри боғланган арқонларини шарт-шарт кесиб ташлади* (Саид Аҳмад, 95).

Результативлик ўзбек тилида кўпгина ҳолларда аналитик шаклларда ифодаланади. Мазкур ҳолларда результативлик таксис ҳодисаси таркибида юзага келади. Бунда результативлик матн доирасида асосий маълумотдан олдин содир этилган воқеа-ҳодисани ифодалайди. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Умматалининг назарида ўгли анча эсли, мулоҳазали бўлиб қолган (Саид Аҳмад, 107);

Фақат ҳовлидаги ёнгоқлар яп-ялангоч бўлиб қолди (Ўткир Ҳошимов, 23).

Ўзбек тилида феъл ифодалайдиган ҳаракатларнинг замони воқеланишида нутқ моменти таянч нуқта сифатида қаралади. Бунга сабаб нутқ моментида олдин содир этилган ҳаракатлар айнан вақт оралиғига нисбатан ўлчанади. Жумладан, нутқ моментида нисбатан яқин вақт оралиғида содир этилган воқеа-ҳодиса яқин ўтган замон шакли ёки нутқ вақтидан анча олдин содир этилган

воқеа-ҳодиса узоқ ўтган замон шаклига эга. Масалан: *Бўри сан-сарик кўзлари бақрайганча ўлиб қолган эди* (Саид Аҳмад, 320). Бу ерда ўтган замон шакли ҳам маълум маънода содир этилган воқеа-ҳодисанинг натижасини англатиб келган. Аммо результативлик етакчи феълнинг лексик маъносига бориб тақалади. Олдинги мисоллар таҳлиллари кўрсатишича, “қолмоқ” кўмакчи феъли результатив тузилмаларни ташкил қиладиган энг муҳим элементлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Тузилмадаги “эди” тўлиқсиз феъли результативликка кўшимча информатив маъно берган. Ўзбек тили феъл системасига оид турли тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, аспектual семантика доирасига тегишли тугалланганлик, перфективлик, результативликни фарқловчи белгилар аниқланмаган. Олдинги фасллардаги мисолларнинг таҳлил натижалари кўрсатишича, ўзбек тилида результативликни сифат ёки сифатдош билан ифодаланадиган иккиламчи результатив предикатлар, чегараланган акционал хусусиятли феъллар иштирок этадиган мажхул нисбат шакллари, равишдош шаклидаги феъл (*одатда қилмоқ* ва *бўлмоқ* феъллари) ва сифатдош шакли бирикма, феълнинг баъзи аналитик шакллари ҳамда результативлик семантикаси мавжуд бўлган баъзи феъл лексемалари ташкил қилади. Жумладан, иккиламчи результатив предикатлар, чегараланган акционал хусусиятли феъллар иштирок этадиган мажхул нисбат шакллари, равишдош шаклидаги феъл (*одатда қилмоқ* ва *бўлмоқ*) феъллари ва сифатдош шакли бирикма, феълнинг аналитик шакллари результатив тузилмалар сифатида тан олинади. Таъкидланган аналитик шаклларнинг кўпчилиги ўтган замон шаклида тугалланган ҳаракатларни англатади. Результативлик етказётган тугалланган воқеа-ҳодиса, ҳаракат маълумотининг долзарблиги билан аниқланади. Масалан: *Қамбар ота ўғилларининг ноиноқлигини яна бир марта озғиниб ҳис қилди-да, ерга қараб, жим бўлиб қолди.* (Пиримқул Қодиров, 62); *Хулкар нонни ёпиб бўлиб, устидан озгина сув сочди-да, қозонни яллиғланган чўғнинг устига тўнкариб қўйди.* (Пиримқул Қодиров, 85).

Ушбу тузилмалар субъектив ва объектив резултативлик, каузатив-объектив резултативлик каби предикатларда ўз ифодасини топади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида *–ган* шаклли сифатдош ўз синтактик вазифасига эга бўлган ҳолларда ҳам резултатив маъноларни англатиш имкониятига эга. Аммо мазкур ҳолларда ҳам сифатдош предикатив бирикманинг бир бўлаги ҳисобланади. Масалан: *Ўн-ўн бир ёшли бир бола кекса нокнинг шохда туриб, қуриган шох-шаббаларни синдириб ташлар, пастда юзини ажсин қоплаган бир кампир уларни териб дасталар эди* (Пиримқул Қодиров, 123). *Ахир Акбарали чув тушган куёви билан йўлингни пойлаб юрипти* (Саид Аҳмад, 108).

Ўзбек тили грамматикасида *–ган* шаклидаги сифатдош, асосан, статик ҳолатни билдириши таъкидланган (Ўзбек тили грамматикаси; 1975, 510-512). Юқоридаги мисоллардаги *ажсин қоплаган, чув тушган* бирикмаларидаги сифатдош шакли статиклик ҳолатида келган резултатив маънони англатиб келган.

Резултатив тузилмаларни ҳосил қилувчи синонимик гуруҳлар ҳам мавжуд. Улар маълум аналитик шакллар ёрдамида ифодаланади. Мазкур тузилмаларнинг синонимик гуруҳ ҳосил бўлишида кўмакчи феълларнинг ўрни муҳим. Масалан: *бўлиб ўтди, бориб етди, ўқиб чиқди, ёзиб бўлди* ва ҳоказолар.

Ўзбек тилида перфект маъно яқин ўтган замон шакли ва “*бўлмоқ*” кўмакчи феъли ёрдамида ҳозирги замон билан алоқадор бўлган натижавийликни ҳосил қилади. Натижавийлик ўзбек тилида, асосан, баъзи кўмакчи феълли бирикмаларда юзага келади. Хусусан, ўзбек тилидаги “*бўлмоқ*”, “*чиқмоқ*”, “*тугатмоқ*” каби кўмакчи феъллар етакчи феъл билан ифодаланган ҳаракатнинг тугалланганлиги ва унинг натижасини англатиб келади. Масалан: *Аваз ўқни жойлаб бўлиб, Хулкарнинг ёстигини ёнига келтириб қўйди* (Пиримқул Қодиров, 59).

Бевосита аналитик шаклларда равишдош шаклидаги етакчи феъл ҳаракатни англатиб келади, резултативлик маъноси эса кўмакчи феълнинг маъносидан келиб чиқади. Мазкур ҳолат ўтимли феълларга хос хусусият

саналади. Масалан: *Унинг очик қолган кўзларига қарадим. Тун қоронғусида кўзларида қандай ифода қотиб қолганини билолмадим* (Саид Аҳмад, 49).

Инглиз тилидаги перфект грамматик шакли перфект маъносининг прототипи сифатида олинади. Аммо ушбу категория билан алоқадор бўлган масалалар етарлича тадқиқ этилмаган. Инглиз тили перфект шакллари англатадиган маънолар борасидаги қарашлар назарий жиҳатдан ва, шунингдек, амалий грамматикаларда ҳам фарқ қилади (R.Quirk, S.Greenbaum, G. Leech, J. Svartvik, 1982). Мисол учун Б. Комри таърифича, “перфект нутқ вазиятидан олдин содир этилган ҳодисани” англатади (Comrie; 1985, 52). Америка инглиз тили сўзлашув нутқи тадқиқотчиларининг (Lindstedt, 2000), (J. Terry, 2001) таъкидлашича, ўтган замон (Past Indefinite) ва перфект шаклининг аралаш шакли ёки перфектнинг *have* кўмакчи феъли муомаладан чиққан.

Ўзбек тилида резултативлик сифатдош шаклида ҳам ўз ифодасини топади. Резултативлик ҳолат ўзгариши натижасида юзага келган ҳодиса ҳисобланади.

3.2. Мажхул нисбат шаклида ифодаланадиган резултатив

тузилмалар таҳлили

Резултатив тузилмалар фарқланишини аниқлаш масаласи билан шуғулланган тилшунослар эътиборларини аргументнинг лексик маъноси ва синтактик таркибига қаратишган. (Langacker; 1991, 283). Резултатив тузилмалар ва, умуман, резултативликнинг ифодаланиши ва уларни аниқлаш борасида кўплаб қарашлар мавжуд. В.П. Недялков ва С.И. Яхонтовлар резултативлик бирор олдинги ҳаракат натижасида юзага келган янги ҳолат, деган таърифни беради (В.П. Недялков, С.И. Яхонтов; 1983, 7). Муаллифларнинг таъкидлашича, резултативлик мажхул нисбатга алоқадор ҳодисадир. В.С. Храковский эса резултативликни феълнинг акционал хусусияти билан боғлайди. У чегараланган хусусиятли феълларнинг сифатдош икки шаклини резултативликнинг бош кўрсаткичи сифатида баҳолайди (В.С. Храковский; 1991, 151). Унутмаслик лозимки, мазкур хусусиятни барча

тилларга хос деб бўлмайди. Бундан ташқари, чегараланган хусусиятли феълларнинг сифатдош шакли контекст доирасида турли маъноларни ифодалаш ҳам мумкин. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз: *For a while he'd been dazzled too. Then completely blinded.* (Liz Fielding, 67). Келтирилган мисолдаги *dazzled* сифатдош икки шакли резултатив маънони англатмаган. Балки ҳолат ўзгариши жараёнини ифодалаб келган. Кейинги гапдаги *Then completely blinded* бирикмаси ҳолат ўзгариши натижаси сифатида резултатив хусусиятга эга. Резултативлик, атамаси олдин бўлиб ўтган ҳаракатнинг тугалланиши натижасида предметнинг янги ҳолатга ўтганлигига нисбатан қўлланилади (В.П. Недеялков, С.И. Яхонтов; 1983, 7). Шунга ўхшаш фикрни Ж. Байбининг ишларида ҳам кузатишимиз мумкин: “Резултативлик – ўтмишда содир этилган маълум ҳаракат натижасида юзага келган ҳолатдир” (J. Bybee; 1994, 53).

Резултатив маънолар фақат чегараланган хусусиятли феъллар таркибида ҳосил бўлади. Аспектун нуктаи назардан резултативлик ва перфект маънолар бир-бирига яқин. Иккала тузилма бир-биридан семантик ва прагматик муносабатлар орқали фарқланади. Перфект таксис муносабатларда, нутқ вазиятига нисбатан прагматик асос билан аниқланса, резултативлик нутқ вазиятига нисбатан информатив хусусиятга эга, шунингдек, феълларнинг акционал хусусиятлари ҳам маълум аҳамиятга эга. Жумладан, перфект ифодаланиши иккала чегараланган ва чегараланмаган хусусиятли феъллар доирасида амалга оширилса, резултативлик фақатгина чегараланган хусусиятли феълларда юзага келади.

Инглиз тилида пассив тузилмалар тус-замон шакллари доирасида ўрганилади. Мажхул нисбат шакли аниқ кўрсаткичларга эга бўлса-да, мажхул маънони англатувчи бошқа бир қатор тузилмалар мавжуд. Баъзи ҳолларда мажхул маъно маълум лексик бирликларда ҳам ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, мажхул нисбат шакллари англатадиган маъно нуктаи назардан резултативликка ҳам яқин ифодаларни учратишимиз мумкин.

Инглиз тилида баъзи ҳолларда резултатив ва мажҳул нисбат ясалишида ўхшаш тузилмалар учраса-да, пассив шаклида ҳосил бўладиган резултатив маънолар предикатда иштирок этадиган феълнинг ўтимлилик ва чегараланганлик хусусиятига боғлиқ бўлади. Айнан шу жиҳатлар резултативлик ва пассивнинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари саналади. Шундай қилиб, резултатив ва пассивни икки хил тузилма сифатида баҳолаш керакми ёки бир тузилманинг икки хил семантик ифодаси сифатида талқин қилиниши борасидаги савол очиқ қолади.

Пассив динамик жараён бўлиб, ҳаракатнинг (эга вазифасида иштирок этмаган) бирор шахс томонидан амалга оширилганлиги ёки оширилаётганлигини англатади. Мажҳул нисбат икки сатҳли грамматик категория саналиб, қуйи сатҳда ҳаракат ва субъект муносабатидан иборат бўлиб, феълнинг морфологик ва семантик муносабатларида ифодаланади. Юқори сатҳда мажҳул нисбатда кесим ва эга вазифасидаги бирлик муносабати ўрин олган бўлиб, у синтактик сатҳга тегишли. Мажҳул маъно, шунингдек, феълнинг лексик-семантик хусусиятида ҳам ифодаланади. Шунинг учун ҳам мажҳул нисбатга семантик тавсиф берадиганлар ҳам учрайди. Мажҳул нисбат ва резултативлик тузилмалари синтактик шаклга эгаллиги (инглиз тилига хос) феълнинг ўтимли ва ўтимсиз хусусиятларига алоқадорлиги, лексик-семантик ифодага эгаллиги, баъзи ҳолларда маъно жиҳатдан бир-бирини тўлдириш жиҳатлари орқали ўзаро яқин тузилмалар сифатида баҳолаш мумкин.

Таниқли рус тилшуноси А.В. Бондарко рус тилидаги мажҳулликни функционал-семантик категория сифатида талқин қилади ва субъект ҳамда объектга йўналтирилган ҳаракат муносабати сифатида семантик таҳлил доирасига киритади (А.В. Бондарко, 1984). Ўзбек тилида мажҳуллик феълнинг даражаланиш категорияси таркибига киритилади ва объектли феъллар доирасида ясалиши таъкидланади (Ўзбек тили грамматикаси; 1975, 452).

Кўринадикки, мажҳуллик морфологик, синтактик ҳамда лексик-семантик асосга эга. Мажҳуллик ва резултативлик муносабатларини трансформация қилиш орқали ҳам белгилаш эҳтимоли мавжуд. Масалан: *The task done, students*

are enjoying with the break / The task has been done and students are enjoying with the break. Келтирилган биринчи мисолдаги *the task done* результативликка мисол бўлса, иккинчи мисолдаги *The task has been done* шакли мажхул нисбат саналади. Шунинг учун ҳам мажхул нисбат таҳлилида результативликка хос бўлан ифодаларни эътиборга олиш муҳим деган фикрдамиз. Мажхуллик таҳлилида феъл шакли ва феъл маъноларидан ташқари субъект, объект муносабатлари ҳам эътиборга олинади. Результативликда эса, асосан, объект муносабати ёки субъект ҳолат ўзгариши билан алоқадор бўлган таҳлилга эътибор қаратилади. Иккала ҳодисада ҳам синтактик бирикув, лексик-семантик маъно, морфологик шакллар ва баъзи ҳолларда гапнинг бошқа элементларининг иштироки муҳим саналади.

Таъкидлаш жоизки, синтактик бирикмалар шаклан ва мазмунан динамик бирлик сифатида амал қилади. Айнан тил тараққиётида синтактик бирикмалар шаклланиши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мажхул нисбат тузилмалари таҳлилида синтактик бирикишга ва синтактик бирикмаларнинг семантик-синтактик шаклланишига кўпроқ эътибор қаратилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин (Н.Ж. Сулейманова, 2018). Шу жумладан, результатив тузилмалар ҳамда пассив тузилмаларнинг синтактик шаклланиши тадқиқотчилар ва тилшуносларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келган (J.Carrier, J.N. Randall; 1992, 173-234. A.Goldberg; 2006, 280. W.Croft; 2001, 416).

Кўринадикки, маълум тузилмалар доирасида ҳосил бўладиган маънолар синтактик ва семантик муносабатлар доирасида юзага келади. Шу боис, мажхул нисбат категориясининг семантик ифодаси феълнинг эга ва тўлдирувчи муносабатларида ҳамда гапнинг бошқа элементлари таъсирида шаклланади. Бунинг оқибатида мажхул ифодаларда результатив маъноларнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бу эса уларнинг ҳар бирининг таҳлилида ўзига хос боғлиқ жиҳатларни эътибордан қочирмасликни талаб этади.

Результатив тузилмалар инглиз тилидагидек тўлиқ шаклланмаган тиллар учун “қўшма результативлик” (П.В. Петрухин, Д.В. Сичинава; 2006, 193–214) ҳодисаси кенг қўлланилади. Бунда результативлик ёлғиз кўрсаткич бўлиб

қолмасдан, бошқа категориялар, кўпгина ҳолларда мажхул нисбат билан ифодаланади. Бу каби ҳолларда резултативлик феълнинг лексик хусусияти ва мажхул нисбат шакллари кўшилиши орқали ифодаланади. Масалан: *The glasses were washed, the windows opened to air the place, two clean dishcloths lay out to dry on the counter. (Maevе Binchy,71); The days of a community depending on one family seat for livelihood and living quarters were long gone (Maevе Binchy,43).*

Мазкур мисолларда резултативликнинг лексик асоси ҳолат ўзгариши ифодаланиши билан боғлиқ тарзда намоён бўлган. Ҳолат ўзгариши ва резултативлик ўртасидаги фарқни аниқлаш мураккаблик туғдиради ва шунинг учун ҳам улардаги дериватларни биргаликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Интранзитив резултатив тузилмаларни ташкил этадиган мазкур бирикмага нисбатан композиционал атамаси Р.Ларсон томонидан қўлланилган (R.Larson; 1988, 335-391.) бўлиб, феълнинг ички аргументи (феъл ва от бирикуви) резултатив маънони англатадиган тил бирлиги билан бирикади. Ушбу тушинча резултатив маънога эга бўлган мажхул нисбат шакллариға нисбатан ҳам қўлланилади. Қуйидаги мисолларға эътибор қаратамиз:

a. *The seedlings were watered flat;*

b. *Those cookies were broken into pieces;*

c. *The socks have finally been scrubbed.t, clean. (D.J. Napoli, 1992).*

Резултативлик мажхул нисбатда қўлланилганда тўлдирувчи вазифасидаги от гапнинг эгаси вазифасини бажариб келади. Аммо у, резултативлик маъноси сақланганлиги боис интранзитив резултатив тузилма таркибига киритилади. Мазкур ҳолда юзага келадиган ҳаракатлар боғлиқлигининг лисоний ифодаси эга вазифасидаги отга юклатилади ҳамда конструкцияни ҳосил қиладиган баъзи элементлар яширин ҳолатда иштирок этади.

Резултатив тузилмалар тасвирий ифодаға ҳам эга бўлиб, тасвирий ифода семантик янгиланиш сифатида қаралади. Тасвирий ифода бутун гап доирасида юзага келадиган кўшимча маъно сифатида талқин қилинади. Таъкидлаш

жоизки, мазкур ҳолларда гапнинг яхлит маъносини предикат билан ифодаланадиган маъно билан чалкаштирмаслик муҳимдир. Чунки предикат маъноси дейилганда композиционаллик доирасида ҳосил бўладиган туб маъно назарда тутилади ва у резултатив тузилмани ҳосил қилади. Тасвирий ифода маъноси эса тўлиқ гап маҳсули ҳисобланади.

3.3. Резултативликни ифодаловчи лексик-грамматик воситалар

Ҳар бир тилдаги грамматик тадқиқотлар марказида воқеа-ҳодисаларнинг тил бирлиги сифатида ифодаланиши ва гап доирасида иштирок этадиган birlikларнинг ўзаро боғланишини кодлашга қаратилади. Ушбу турдаги грамматик таҳлили тилшунослик тарихида кўплаб атамалар билан маълум: грамматик муносабатлар, синтактик функциялар, фреймларнинг субкатегоризацияси, аргумент таркибли тузилмалар, аргумент боғлиқлик ва бошқалар. Грамматиканинг ҳар бир бўлимига тегишли асосий масалалардан бири - бу ўша тил доирасида ҳамда бошқа тиллар кесимида ўхшашлик ва фарқли томонларнинг тўғри муносабатини танлашдир. Эга, кесим, тўлдирувчилар, одатда, соф грамматик муносабатлар сифатида формал категорияларга киритилади. Аммо мазкур категорияларнинг ўзаро муносабатга кириши орқали воқеа-ҳодисаларни ифодалаш жараёнида улкан семантик фарқланиш юзага келади. Бундан ташқари, тиллар кесимида таққосланадиган бўлса, нафақат улардаги синтактик вазифалар, балки формал кўрсаткичлар ифодалайдиган маъно кўлами ҳам фарқ қилади. Хусусан, инглиз тилида кесим ва мураккаб тўлдирувчи ўзига хос тузилмаларни ташкил қилади. Мазкур тузилмалар семантик нуқтаи назардан резултатив ва каузатив маъноларни ифодалаш учун қўлланилади. Мазкур маънолар инглиз тилида ўзига хос категориялар сифатида ҳам талқин этилади. Жумладан, каузативлик ҳам, резултативлик ҳам мураккаб, кенг қамровли категориялар сифатида кўплаб ифодаланиш усулларига эга. Шунингдек, улар ташқи олам объектларига бўлган муносабатларни ҳам акс эттиради. Каузативлик категорияси доирасида

бевосита каузаллик тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, улар бажарадиган муносабатларни фарқлаш талаб этилади.

Лексик воситалар резултатив тузилмаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам агентив тўлдирувчи билан ифодаланадиган резултатив тузилмалар коммуникатив-прагматик вазифаларни бажаради. Бу борада таниқли тилшунос олим Ш.Сафаровнинг мулоҳазасини келтирамиз: “Нутқий тузилмалар мазмунидаги семантика ва прагматика муносабатини ҳосил қилувчи омиллар ҳақида гап кетганда, одатда, луғавий бирликларнинг (масалан, перформатив бирликлар, иллокутив феъллар) вазифаси муҳокама қилиниб, грамматик воситалар назардан четда қолади. Аслини олганда, грамматик воситаларнинг ҳам семантика ва прагматика ҳудудларидаги вазифавий тақсимоти ўзига хос кўринишга эга (Ш.Сафаров; 2008, 94). Предикат маъноси олдинги ҳаракатларнинг натижасини англатиб келади. Резултатив маъно юзага келишидан олдин амалга оширилган воқеа-ҳодиса перформатив ёки референция вазифаларини бажариб келиши мумкин. Масалан: *Ортиқ газабланиб, линейка билан унинг иккинчи қўлига ҳам урди. Буни нариги қатордаги партадан кўриб қолган Аваз чопиб келди-ю, линейкани акасининг қўлидан олиб, синдириб ташлади* (Пиримқул Қодиров, 15).

Тилшуносликда гапнинг маркази сифатида асосий эътибор феълга қаратилади, чунки унинг семантик моҳияти ёки семасилогик ўзаги замон ва вақт билан биргаликда намоён бўлади. Бундан ташқари, феъл динамик белги сифатида қаралади (В.Л. Егоров;1989,86). Гапдаги қолган бўлақлар эга, тўлдирувчи, ҳол феъл ҳаракати билан узвий боғлиқ ҳисобланади ҳамда ҳар бир бўлақ феъл ҳаракатининг ифдаланишида, семантик фарқланишида, феъл маъноларнинг бойишида муҳум ўрин тутди. Феълнинг лексик-грамматик маъносига қараб эга вазифасидаги субстант ҳаракат бажарувчиси, ҳаракат бошқарувчиси, ҳаракатни қабул қилувчи бўлиши мумкин. Шунингдек, феъл ҳаракати эганинг ҳолат, характер, усул ва бошқа белгиларини ҳам билдириб келиши мумкин. Масалан: *Then he closed the door, leaving her standing there (Ch. Frazier, 256);*

True to Inman's signal, the door soon reopened (Ch. Frazier, 257);

Inman's mouth tightened like a cord had been pulled in him (Ch. Frazier, 257).

Тўлдирувчи феъл ҳаракатига трансформацион маънони беради, феъл ҳаракатининг бажарилиши, унинг тўла бўлиши маъносини билдиради. Тўлдирувчи ва феъл муносабати фақатгина феълнинг ўтимлилик хусусияти билан юзага келади. Масалан: *Tom sent the letter. They get their clothes in Paris.*

Ҳол вазифасидаги субстантлар ва равишлар феъл ҳаракатининг структуравий тугалланганлик, мақсад, макон ва вақт ўлчовдаги ҳаракати, микдори, усули, тарзи каби маъноларини билдиради. Масалан: *The slaves had the same fare, but ate out under the pear tree (Ch. Frazier, 135); Ada and Ruby went to work cooking (Ch. Frazier, 135).*

Тўлдирувчи феъл ҳаракатига трансформацион маънони беради, феъл ҳаракатининг бажарилиши, феъл ҳаракатининг тўла бажарилиш маъносини билдиради. Тўлдирувчи ва феъл муносабати фақатгина феълнинг ўтимлилик хусусияти билан юзага келади. Бу каби ҳолларда резултатив маъно феълнинг лексик хусусиятига боғлиқ тарзда юзага келади. Масалан: *As far as we could see was red hills all washed down with gullies and scattered over with patches of piny woods. (O'Henry, 244);and all the sheep had died and Yeah, and what did you get you see, you get mutations going on in plants so that you get at the moment when the plants themselves are altered, it doesn't necessary, necessary mean that they're killed off, it doesn't necessary mean that they are killed off, it means that the actual genes alter, that they go on breathing so you get ginormous sort of cabbages, you know, cabbages that'll normally be about that size, suddenly become that size that they're the biggest (source: F7L)*

Тўлдирувчи вазифасидаги субстантлар ва равишлар феъл ҳаракатининг структуравий тугалланганлик, мақсад, макон ва вақт ўлчовидаги ҳаракати, микдори, усули, тарзи каби маъноларини билдиришда маълум таъсирга эга. Масалан: *He put down the newspaper automatically as the door opened wide (Maeve Binchy,107).*

Феъллар семантикаси резултатив маънонинг ҳосил бўлишида муҳим ўринга эга. Кўриб чиқганимиздек, ҳар бир феъл ўз лексик маъносидан ташқари, бошқа сўз туркумлари билан бирикиб келиши натижасида резултатив маънони ҳосил қилади. Ушбу комплекслар феълларнинг лексик-семантик маъноларини фарқлаши билан бирга, уларнинг турли бирикмаларини вужудга келтира олиши мумкин.

At the moment, though, the red hen came bursting through the leaves, her wings partially opened and trailing in the dust (Ch. Frazier, 32).

Инглиз тилида боғловчи феълли бирикмаларнинг резултатив тузилма ифодалашини янги сифат, ҳолатга тўла ўтганлик, янги ҳолатнинг пайдо бўлганлиги натижасини билдиради. Масалан:

It had gone dark;

Her hair had gone grey;

He has got lame.

Энди шу каби бирикувларнинг ва боғловчи феълларининг бошқа компонентлар билан бирикиб ифодаляйдиган маъноларига алоҳида-алоҳида тўхталамиз. *To fall* боғловчи феъли, асосан, сифат ва баъзи отлар билан бирикиб келади. Бу бирикмалар субъектнинг истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳолатнинг ўзгариши ёки бирор жараён, ҳолатнинг бошланишини англатади. Қуйидаги мисолларга эътибор берамиз:

Her husband had fallen a victim to his zeal for the public safety (Унинг эри омма хавсизлиги учун қурбон бўлди); The artist fell out of favour (Рассомнинг ҳурмати йўқолди); It fell dark (Қоронғу тушди).

Ушбу мисоллардаги ҳолат ўзгариши билан боғлиқ резултатив семантика боғловчи феъл семантикаси эмас, балки *victim, favour, dark* каби ифодаланган иккинчи компонентнинг маъносига қараб ўзгариб боради.

Рашиддош шаклидаги етакчи феъл ҳаракатни англатиб келади, резултативлик маъноси эса кўмакчи феълнинг лексик маъносидан келиб чиқади. Мазкур ҳолат ўтимли феълларга хос хусусият саналади. Масалан: *Хулқар хамирни зувалалаб бўлди-ю, ўчоқдаги чўғ устига қозонни тўнтариб*

қиздира бошлади. *Ит ўрнидан туриб, йўгон товуш билан вовуллади* (Пиримкул Қодиров, 84). *Аввал қип-қизил бўлиб кўринган ой аста бўзариб рангини йўқота бошлади. Сарғимтил тусга кирди, ундан кейин кўм-кўк шиша тусига кириб қолди* (Саид Аҳмад, 210).

Р.Вошио резултатив ҳодисаларни типологик таҳлил қилиш жараёнида кучли резултатив “strong resultatives” ва кучсиз резултатив “weak resultatives” турларга ажратади (R.Washio; 1997, 1999). Муаллифнинг таъкидлашича, кучли резултативда феъл маъноси ва сифат маъноси бир-биридан мустақил бўлиб, объектга йўналтирилган каузация эргатив резултативликни англатади. Исбот тариқасида муаллиф қуйидаги мисолларни келтиради: а) *The horses **dragged** the logs **smooth*** (R.Jackendoff; 1990, 226.R.Washio; 1997, 39.R.Washio;1999, 689).

б) *The jockeys **raced** the horses **sweaty***. (Washio R., 1999:689).

Кучсиз резултативликда эҳтимолий каузация таъсирида объект ҳолатининг ўзгаришини феъл хусусияти билан боғлайди ва қуйидаги мисолларни келтиради: а) *He **wiped** the table **clean***. в) *He **sharpened** the pencil **pointy***. (Washio; 1997, 227. 1999, 689).

Фикримизча, резултативликнинг кучли ёки кучсиз турга ажратилиши бевосита феълнинг акционал семантикасига бориб тақалади. Вошио томонидан қўлланилган *drag, race* феъллари акционал нуқтаи назардан чегараланмаган хусусиятга эга, айнан мазкур семантик хусусият таъсирида мазкур тузилмалар резултатив маънони ифодалаб келган. Кучсиз резултативлик ифодаланган *wipe, sharpen* феъллари акционал жиҳатдан чегараланган хусусиятга эга ва улар ифодалаган маъно объект ҳолатининг ўзгариши натижасида юзага келадиган резултативликни англатади. Мазкур ҳолда Вошио маъно ўзгаришини феъл хусусияти билан боғлаган бўлса-да, айнан феълнинг акционал хусусияти эканлигига эътибор қаратмайди.

Инглиз тилидаги резултатив тузилмалар синтактик-семантик сатҳда ўзига хос ўринга эга. Улар NP1 VP (NP2) кўринишда бўлиб, NP1 билан ифодаланган ҳаракат NP2ни каузацияга учратиш орқали маълум натижавийликни ҳосил қилади. Мазкур ҳолатда учинчи компонент ёки

иккиламчи предикат резултатив тузилмани юзага келтиради. Масалан: *Herman hammered the metal flat.*

Келтирилган NP1 VP NP2 кўринишдаги резултатив тузилмалар инглиз тили грамматика тизимида учрайдиган ўзига хос тузилмалардир. Мазкур тузилмалар феъл семантикасига боғлиқ ҳолда қурилиши ва янги воқеа-ҳодисани ифодалаши сабаб, уларни аспектвал модификаторлар доирасида ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Кўринадик, резултатив тузилмалар таҳлили синтактик сатҳни ва, шунингдек, идиоматик ибораларни ҳам қамраб олади. Синтактик сатҳ, бевосита, резултатив тузилмаларни ҳосил қиладиган тил бирликлари ва феълнинг бирикувлар ҳосил қилиши натижасида юзага келадиган резултатив маъноларни аниқлаш билан шуғулланса, идиоматик иборалар феъл ва унга мослашадиган бирлик бирикувида ҳосил бўладиган маъноларни аниқлашга қаратилади. Шунингдек, резултатив маъно ва тасвирий ифода ўртасидаги семантик фарқланиш ҳам бевосита синтактик сатҳ доирасида амалга оширилади. Резултатив тузилмаларда иштирок этадиган адъюнкт (тўлдирувчи) ва аргумент (феъл билан модификациялашадиган ҳар қандай от) қўлланилишидаги асосий фарқ шундан иборатки, адъюнкт вазифасидаги бирлик такрорланиши, яъни семантик жиҳатдан маъно тўлдириши учун бир ва ундан ортиқ тил бирликлари иштирок этиши мумкин. Аргумент эса ёлғиз ҳолда феъл билан бирикиш орқали резултатив тузилмаларни ҳосил қилади. Аммо ҳар бир тилда резултативлик ифодаланишининг бир неча усуллари мавжудлиги борасида ҳам фикрлар бор. “Ҳар қандай тилда резултативликнинг а) диатеза турига; б) резултативлик маъно кўрсаткичига; в) маълум феълнинг аниқ лексик резултативлик маъносига боғлиқ ҳолда ифодаланиш усуллари учрайди (В. П. Недеялков, С. Е. Яхонтов; 1983, 15)”. Албатта, барча усуллар резултативликнинг қўшимча ифодаланиш хусусиятларига тегишли бўлиб, ҳолат ўзгариши, маълум ҳаракат натижасида янги ҳолатга ўтганлик каби резултатив семантика билан боғлиқ.

Результативлик ва статиклик (ҳолатга ўтганлик) ўртасидаги фарқни белгилаш мураккаблик туғдиради. Шунинг учун ҳам мазкур ифодаланиш турларини биргаликда таҳлил қилиш, синонимик ҳодиса сифатида қараш кераклиги борасида фикрлар учрайди (В. П. Недялков; 1981, 164). J. Вубее; 1994, 53). Результативликнинг лексик асослари, асосан, ҳолат ўзгариши билан боғлиқ. Бу ҳолат ўзбек тилидаги “бўлмоқ” феълнинг статик маънога эга кўмакчи феъли билан бирикишида юзага келиши мумкин. Масалан:

Лутфинисонинг никоҳ кийимлари аллақачон тиканларга илиниб пора-пора бўлган (Саид Аҳмад, 32). *Бўрининг дили хуфтон бўлиб қолди* (Тоғай Мурод, 25).

Баъзи ҳолларда результативлик маъноси статик хусусиятга эга бўлган феълнинг сифатдош шакли ёки мажҳул нисбат шаклида ифодаланиши мумкин. Масалан: *У билан ёнма-ён ётган шериклари Тенгдик билан Бейшенани аллақачон донг қотишиган* (Саид Аҳмад, 109).

Результативликнинг ифодаланишидаги грамматик кўрсаткичлар (сифатдош шакли ёки мажҳул нисбат шаклида ҳосил бўладиган результатив маъно) феълнинг лексик хусусиятига боғлиқ тарзда юзага келади. Мазкур ҳол ўтимли ва акционал нуқтаи назардан чегараланган хусусиятга эга бўлган феълларга тегишли ҳодиса саналади. Масалан: *The door banged behind her and John Ryan saw, through the bedroom window, his wife run across the small footbridge opposite the pub.* (Maeve Binchy, 4).

Результатив тузилмалар ҳаракатнинг эгага йўналтирилганлигида феълнинг ўтимсиз хусусиятида ҳам шаклланиши мумкин. Масалан:

The floor was of beaten earth, the walls washed white with lime to keep off the flies. A crude stone hearth, a few sticks of furniture, chests and coffers and a shelf full of kitchen implements were all the friar's apparent possessions. (source: H9C); That night Sergeant Sheehan found somebody lying in a very awkward position, legs splayed, head lolling, and stretched right across the foot-bridge at the end of the town (Maeve Binchy, 79).

Кўринадик, резултатив тузилмалар фақат феълдан кейин қўлланиладиган тўлдирувчи ва иккиламчи предикат бирикмаси эмас, балки асосий феъл билан муносабатга киришадиган барча аргументларга ҳам хос ҳодисадир (A.Golbber; 2004, 181-182).

Резултатив тузилмаларнинг шаклланишида фаолият феълларига (Activity verbs) хос бўлган акционал чегараланганлик хусусияти ҳам муҳим ўрин тутди. Шундай бўлса-да, резултативлик чегараланган хусусиятли фаолият феълларининг асосий белгиси саналмайди. Мазкур ҳолларда резултативлик чегараланган хусусиятли феъл билан аргументнинг муносабатга киришиши натижасида хосил бўладиган семантик ҳодиса саналади. Бунга юқорида келтирилган *The river froze solid* гапи мисол бўла олади. Қиёсланг: *He waved at Michael silly* (Maeve Binchy,46).

Резултатив маънолар бир вақтнинг ўзида атрибут ва предикатга юклатилиши мумкин. Мазкур ҳолда атрибут вазифаси ҳолат ифодаланиши билан боғлиқ бўлса, предикат вазифасидаги тил бирликлари натижага эришилганлик маъносини англатади. Бу каби резултативликни турли ўхшаш ҳодисаларнинг уюшиб келганлигида кузатиш мумкин. Масалан:

The young woman stepped into the cab; the doors shut with a bang; Jerry's whip cracked in the air; the crowd in the gutter scattered, and the fine hansom dashed away 'cross-town (O'Henry, 69).

Келтирилган мисолдаги сифатдош шаклини синонимик тарзда қабул қилишга одатланганмиз. Аммо улар синтактик-семантик вазифалари турлича бўлишига қарамасдан, қатор резултатив тузилмаларни ташкил қилган. Ушбу тузилмалар ҳозирги замон билан алоқадор бўлган воқеа-ҳодисаларнинг натижасини англатиб келган. Мазкур тузилмаларнинг резултатив маъноси “феълнинг акционал хусусияти, яъни чегараланган ва терминатив тури билан узвий боғлиқ” (Е.В. Петрухина; 2000, 24). Чунки ушбу маъно мазкур иштирок этаётган феълнинг акционал хусусияти таъсирида юзага келган. Феълнинг акционал хусусияти етакчи ва кўмакчи феъллар бирикиши натижасида англатадиган маъноларда муҳим аҳамият касб этади (Ғ. Мирсанов; 2015, 37-42).

Результативлик иккала тилда ҳам маълум грамматик категориялар ёрдамида ҳосил бўлади. Бунга мисол тариқасида сифатдош шакли ва мажҳул нисбат бирикмаларида ифодаланадиган результативликни келтириш мумкин. Сифатдош билан ифодаланган вазият янгидан юзага келган результатив маъносини англатади. Масалан: *Turning, she found her view blocked by a broad chest, wide shoulders encased in a white linen shirt* (Liz. Fielding, 9).

Ўзбек тилида “бўлмоқ” ва “олмоқ” феълларининг кўмакчи феъл вазифасида чегараланган хусусиятли етакчи феъллар билан бирикиши ҳам результатив тузилмаларни ташкил қилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан: *Ёнимиздаги бўш қолган қафасга биздан яна уч кишини опчиқиб кетишди. Энди бизга жой бемалол бўлиб қолди* (Саид Аҳмад, 32).

Э.Даль ва Е.Хеден результатив вазиятларни ҳозирги замон билан боғлиқ ифодаланишига нисбатан “ҳозирги релевантлик” тушунчасини киритишади. Муаллифлар мазкур ҳодисани прагматик нуқтаи назардан баҳолашади. Улар “ҳозирги релевантлик” тушунчасини “*A bank has been robbed (банкни ўмариди)*” мисолида бевосита воқеа-ҳодиса билан боғлиқ жой назарда тутилмаслиги, балки мулоқот иштирокчилари учун қанадай оқибатларга олиб келинганлиги, воқеа қай тарзда амалга оширилганлиги унинг натижаси қизиқроқ аҳамият касб этиши билан тушунтиришади (O. Dahl, E. Hedin; 2000, 391-392). Албатта, мазкур ҳолда сўзловчи фақатгина воқеа-ҳодиса тўғрисидаги маълумотни етказибгина қолмасдан, етказилаётган маълумотни (банкнинг ўмарилиши) тингловчига қай даражада таъсир этиши ёки тингловчининг мазкур воқеа-ҳодисадан хабардорлигини текшириш ва шу каби муносабатларга эътибор қаратади. Э. Даль ва Е. Хеден келтирган мисол результативликдан кўра шаклан перфектдир. Шу давргача результативлик ва перфектни фарқловчи аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган. Шу сабаб кўпгина ҳолларда результативлик ва перфект бир ҳодиса сифатида баҳоланади. Бу боради В. А. Плунгян куйидаги муносабатни билдиради: “Шундай қилиб, ҳаракатнинг тугалланиши натижасида юзага келган аниқ лексикографик белгиланган ҳолатнинг тасвирланиши, ҳозирги вазиятга мос келадиган ҳар қандай маълумот, сўзловчи

тасвирлаётган вазиятнинг акс- садоси ҳозирги воқелик билан алоқадор бўлса, перфектни кучсизланган резултатив деб характерлаш мумкин” (Плунгян; 2000, 299).

Лексик тизимдаги бирор бирликнинг лексик-семантик майдонини аниқлаш ва гуруҳлаш улардаги синонимик ва антонимик кўрсаткичларнинг умумий семантикасида тортиб кичик хусусиятларини ҳам очиқ беради. Хусусан, турли лексик-семантик гуруҳларга тегишли бўлган феълларнинг лексик-семантик майдонини аниқлаш ва қиёслашда улардаги маъно элементларининг фарқларини (ҳаракат усули, боғликлиги, йўналиши, йуналишидаги фарқ, ҳаракатга киришиш, ҳаракатнинг субъект томонидан қабул қилиниши, ҳаракатга муносабат, ҳаракатни баҳолаш, ҳаракат бажарувчи восита, субъектларнинг хусусияти, объект муносабати ва ҳ.к.) очиқ беришга ёрдам беради. Бу ҳол бевосита резултативлик ҳодисасини ташкил этадиган феълларда ўз ифодасини топади.

Каузативликка алоқадор резултатив тузилмалар феълнинг динамик хусусияти билан узвий боғлиқ. Феълнинг динамик хусусияти таъсирида каузацияга учраган пациенс ҳолат ўзгаришига маҳкум.

Таҳлил қилинган резултатив, депиктив, каузатив тузилмаларнинг ҳар бири мустақил семантик чекланишларга эга. Улар категориал, лексик-семантик жиҳатлар билан фарқланса-да, бир-бири билан ўзаро боғлиқ.

Ўтимсиз феълларнинг иштирокида ҳосил бўлган резултатив маъно мақсадли ёки етакчи бўлиши мумкин. Бундай пайтда ҳолат ўзгариши субъект билан боғлиқ бўлади.

Резултативлик бошқа аспектуал категориялар сингари темпорал ўзгарувчанлик хусусиятига эга ва прогрессивлик билан қарама-қарши қўйилади (Плунгян, 2006). Прогрессивлик (ҳозирги замонга алоқадор) билан резултативлик қарама-қарши қўйилиши семантик муносабатлардагина самарали бўлиши мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларида тўпланилган мисоллар асосида резултатив тузилмаларни ҳосил қилувчи лисоний ифода воситалари миқдорини аниқлашга эришилди. Мазкур статистик таҳлилни ишлаб чиқишда қиёсланаётган

тиллардаги бадиий адабиётлар ва British corpora интернет корпусидан йиғилган мисоллар асос қилиб олинди.

Инглиз тилида - 2335

Ўзбек тилида - 1894

Жадвал № 1

т\р	Лисоний ифода	Кўз лексемалари сони	Кўрсаткич фоизи	т\р	сўз туркумлари	Кўз лексемалари сони	Курса ткич фоизи
1	Лексик асосли результати влик	633	28.5%	1	Лексик асосли результати влик	284	13.5 %
2	Иккиламчи предикатда ифодалана диган результати влик	814	35.5%	2	Аналитик шакллардаг и результати влик	957	51.6%
3	Мажхул нисбат шаклида ифодалана диган результатив лик	375	16.4%	3	Феълнинг статик шакли билан ифодалана диган результати влик	76	8.5%
4	Сифатдош билан ифодаланган н результати влик	515	19.6%	4	Сифатдош билан ифодаланган н результати влик	577	26.4%
	жами	2335	100 %		жами	288	100%

Келтирилган статистик таҳлил тўпланилган мисоллар асосида амалга оширилди. Шунга асосан инглиз тилида результативликнинг кўп фоизи алоҳида иккиламчи предикатлар иштирок этган махсус тузилмаларга тегишли бўлса, ўзбек тилида эса етакчи ва кўмакчи феълли аналитик шаклларда аниқланди.

Инглиз тилида результативликнинг таркибий моделлари статистик таҳлили қуйидаги кўринишни олди:

Жадвал № 2

Моделлар	Мисоллардан намуналар	Р/т.ларнинг қўлланилиш миқдори
Vtrans N+Adj	wiped the table clean	441
X have, get, make, causeY Vto-inf/PII	get him retire / to have it delivered	568
NP1 VP Adj	The lake froze solid	117
NP1 VPtransN/Pr+Adj	He shoot her dead	219
NP1 VPintransN/Pr+Adj	The cab doors flew open	263
VPconj PII	got drunk	255
NP1 VP trans Passive	He is fallen / is gone	228
adj.reflexiveVprp	The door banged behind	244
жами		2335

Инглиз тилида тўпланилган мисолларда Vtrans N+Adj, X have, get, make, causeY Vto-inf/PII моделлари билан ифодаланадиган результатив тузилмалар умумий миқдорнинг қарийиб эллик фоизини ташкил этди. Мазкур статистик кўрсаткич ҳам инглиз тилидаги результативликнинг ўзига хос тузилма ҳосил қилишидан далолат беради.

Ўзбек тилида результативликнинг таркибий моделлари статистик таҳлили қуйидаги кўринишни олди:

Жадвал № 3

Моделлар	Мисоллардан намуналар	Р/Тларнинг қўлланилиш миқдори
(Adj) Xnoun NP2 intransV –ган	хижолатлик излари қочган	128
(Adj) Xnoun NP2 trans V –ган	тоза қилиб ювилган	98
NP1 V бўлиб V аух қол	махлиё бўлиб қолди;	147
Vreduplicated	ухлади-қолди	46
NP1 V result Vаух қол	букчайиб қолди	276
Adj Vаух -ган	орапта қилинган	239
Adj V бўлиб Vаух қол	кўзлари бежо бўлиб қолди	198
NP1 V Vаух қол	шиша тусига кириб қолди	117
V reduplicated	ўлган ўлди, қолган қолди	88
NP1 V V аух кет	белини букиб кетди	268
NP1 V V аух қол/эди	ўлиб қолган эди	289
жами		1894

Тўпланилган мисоллар таҳлилича, ўзбек тилида резултатив маъноларнинг катта улуши NP1 V result Vаух қол, Adj Vаух –ган, NP1 V V аух кет ҳамда NP1 V V аух қол/эди моделларига тегишли. Мазкур моделларни асосан ўзбек тилидаги аналитик шакллар ҳосил қилади.

Боб бўйича хулоса

Результативликнинг самарадорлиги субъектнинг синтактик муносабатида кўзга ташланади. Бунда субъектнинг сифатий ўзгариши результативлик таъсирида юзага келган ҳолат ўзгариши билан боғлиқ. Мазкур ҳодиса предикат вазифасида ўтимсиз феълларнинг қўлланилишида, мажҳулликка хос бирикмаларда кўзга ташланади. Шу аснода, результативлик, бир томондан, кейинги воқеа-ҳодисалар учун долзарблигига ишора вазифасини бажаради ва прагматик ифодага эга бўлади, шунингдек, маънонинг нутқ вазиятига алоқадорлиги нуктаи назаридан семантик тузилма ҳосил қилади.

Ўзбек тилида результатив тузилмалар англатадиган маъно кўмакчи феъл маъносига боғлиқ. Мазкур ҳолларда кўмакчи феъл маълум даражада ўз маъносини йўқотади ва десемантизацияга учрайди. Тузилмани ташкил қиладиган тил бирликлари синтактик боғланиш орқали битта фраза сифатида баҳоланади.

Результатив тузилмалар феълнинг лексик-семантик ифодаланишига боғлиқ ҳолда қўшимча аргументни бўйсундиришига боғлиқ ҳолда турлича шаклланиши аниқланди. Жумладан, инглиз тилида баъзи ўтимли феъллар мураккаб тўлдирувчини бўйсундириши ёки объектни ҳолатини ўзгартириш маъноси билан боғлиқ иккиламчи предикат вазифасидаги сифат маъносига боғлиқ ҳолда тузилмаларни шакллантиради.

Мазкур бобда результативликни англатувчи феъл шакллари ва тузилмаларга, уларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги ифода воситалари қиёсий таҳлилига тўхталдик. Феъл шакллари сифатида аналитик бирикмалар ифодалайдиган результатив маънолар ҳамда лексик ва грамматик шаклланган результатив тузилмаларга эътибор қаратилди.

Результативликка синонимия сифатида баҳоланадиган ўткан замонга таалуқли маъно, перфект, каузативлик, депиктивлик, тугалланган маъно ва шунингдек, результатив маънолар фарқланишига эътибор қаратилди ҳамда ушбу ҳодисаларни фарқловчи лексик-семантик белгилар аниқланди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Инглиз ва ўзбек тилларидаги резултатив тузилмалар, ушбу маънони англатувчи лисоний бирликларнинг функционал-семантик ва лисоний-маданий ва когнитив жиҳатларини чоғиштирма таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотимиз бўйича қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Қиёсланаётган тилларда резултатив семантикаси ҳар бир тилнинг структуравий, морфологик, синтактик, лексик, ҳамда лингвомаданий хусусиятларига асосланган ифодаланиш усуллари, моделларда ўз ифодасини топган;

2. Маълум шакл ва мазмунга эга бўлган барча сатҳлардаги тил бирликлари тузилмани ташкил қилиши мумкин. Тузилмалар синтаксис ва семантиканинг муҳим тадқиқ объектларидан бири сифатида алоҳида ифодаланиш мазмунига эга. Шу аснода, барча тиллар таркибида каузатив, пассив, депиктив, резултатив, инструментал, интенсификация каби тузилмалар катори мавжуд. Булар орасида ўз ифодаланиш усули, ясаиш шакллари, синтактик-семантик боғланишига эга, типологик таҳлилга мос бўлган резултатив тузилмалар муҳим аҳамият касб этади;

3. Ўзбек тилида резултатив тузилмалар шаклан депиктив тузилмаларга ўхшаш ҳодиса саналади. Резултатив ва депиктив иккиламчи предикатларни ташкил қиладиган *-ган* шаклдаги сифатдош қуйидаги синтактик вазифаларни бажаради: 1) сифатдош предикатликка боғлиқ элемент сифатида баҳоланади; 2) сифатдош асосий предикатга нисбатан ҳол вазифасини бажаради;

3) сифатдош ушбу тузилмаларда резултативлик ва депиктивлик маъноларини акс эттирувчи асосий элемент ҳисобланади; 4) сифатдош резултатив тузилмаларда асосан *-иб* шаклини олган қилмоқ ва бўлмоқ феъллари билан алоқага киришади;

4. Инглиз тилига хос бўлган резултатив тузилмаларнинг асосий кўрсаткичи мураккаб тўлдирувчи вазифасида келган иккинчи компонентнинг морфологик белгиси саналади ва бу ҳолатни: 1) объект ҳолатининг ўзгаришини кўрсатувчи сифатнинг қўлланилиши; 2) чегараланган хусусиятли феълнинг

инфинитив шакли; 3) каузатив феъллардан кейин қўлланиладиган мураккаб тўлдирувчининг иккинчи компоненти сифатдош II шакли таъминлайди. Мазкур ҳолларда иккиламчи предикат объект ҳолатини ўзгарганлик натижасини англатиб келади.

5. Каузативликнинг ифодаланиши тилларнинг морфологик, синтактик шаклланишига кўра фарқ қилади. Баъзи тилларда мазкур ҳодиса морфологик хусусиятларга эга бўлса, бошқаларида лексик хусусиятга эгадир. Лексик хусусият морфологик шаклланган тилларга ҳам хос жиҳат саналади. Чунки каузатив бевосита феълнинг лексик ва семантик хусусияти бўлиб, морфологик жиҳатдан ўзига хос тузилмаларни ташкил этади.

6. Инглиз ва ўзбек тилларида резултатив тузилмалар аниқ ва ўхшаш шаклларга эга эмас. Инглиз тилида резултативлик иккиламчи предикат вазифасида сифат, инфинитив ва сифатдош шакллари, баъзи (одатда чегараланган хусусиятли) феълларнинг мажхул нисбат шакли, боғловчи феъл ва сифат бирикмали тузилмаларда, резултатив маънога эга феълларнинг лексик маъноси ёрдамида ифодаланади.

7. Ўзбек тилида резултативлик–*ган* шаклига эга бўлган сифатдош ва *бўлмоқ, қолмоқ, кетмоқ* кўмакчи феъллари билан ҳосил бўладиган аналитик бирикмаларга, сифатдош ва *эди* тўлиқсиз феъл бирикмаларига, феълнинг лексик-семантикасида натижага йўналтирилган маъно мавжуд. Масалан: *синмоқ, ўлмоқ, йиқилмоқ* каби феълларга, тасвирий ифода маълум натижани англатувчи тузилмаларга хос ҳодиса саналади.

8. Перфект ва резултатив семантика нутқ вазияти билан ҳолда фарқланади. Инглиз тилида перфект ўтган замон нуқтаи назаридан нарратив матнда ҳаракатлар кетма кетлигида, таксис ҳодисаларида, ҳозирги замонда эса нутқ вазиятига алоқадор ҳодиса сифатида баҳоланса, резултативлик эса ҳолат ўзгариши билан боғлиқ маълумотни ўзида сақлайди. Бундан ташқари, ушбу ҳодисалар динамиклик ва статик хусусиятлар асосида ҳам фарқланади.

9. Лексик воситалар резултативликни ифодаланишида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, резултатив тузилмаларда иштирок этадиган феъл, от,

сифат каби лисоний бирликларнинг лексик маънолари айнан резултатив маънони ифодалашда муҳим ўрин тутди.

10. Мажхул нисбат тузилмаларида резултативлик агентив тўлдирувчига нисбатан йўналтирилган ҳаракатнинг натижаси ёки субъектнинг ҳолат ўзгаришини таъминловчи восита сифатида намоён бўлади.

11. Сифатдош шакли (инглиз тилида сифатдош II шакли) феълнинг кучсизланган маъносини акс эттиради ҳамда ҳаракат натижасида ҳолат ўзгариши билан боғлиқ резултативликни англатади.

12. Қиёсланган тилларда резултатив тузилмалар маълум грамматик кўрсаткичларга эга. Хусусан инглиз тилида феълнинг ўтимлилик хусусияти етакчилик қилиб, тузилма доирасида агенс ёки пациенснинг иштироки муҳим ўрин тутди. Ўзбек тилида феълнинг аналитик шакллари, сифатдош шакли резултатив тузилмаларнинг асосини ташкил қилади. Ўтимли феъллар ва ўтимсиз феъллар иштирокидаги тузилмалар транзитивлик жиҳатлари билан фарқ қилади. Ўтимли феъллар воситасиз тўлдирувчи олади ва объект сифатий ўзгаришга учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи» газетаси 08.02.2017 й. 28(6722)- сон.

II. Илмий адабиётлар

1. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010. – 144 б.
2. Авилова Н.С. Вид глагола и семантика глагольного слова. – М., 1976. – 328 с.
3. Акимова Т. Г. Семантические признаки в сфере качественной аспектуальности и функционирования видовременных форм английского глагола // Теория грамматического значения и аспектологические исследования: Сб. статей. / Отв. Ред. А. В. Бондарко. – Л., 1984. – С. 71-91.
4. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. -341 с.
5. Белошапкина Т.В. Когнитивно-дискурсивное описание категории аспектуальности в современном русском языке: Автореф. дисс....д-ра. Филол. наук. – М.: 2008. -40 с.
6. Бондарко А.В. Функциональная грамматика. Л.: Наука, 1984. -133 с.
7. Бондарко А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. – Л., 1983. –208 с.
8. Булыгина Т.В. К построению типологии предикатов в русском языке // Семантические типы предикатов. – М., 1982. – С. 7-85
9. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М., 1983. – 266 с.
10. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент, 1973. –284 б.

11. Ганиев Ф.А. Видовая характеристика глаголов татарского языка: Проблема глагольного вида в татарском языке. – Казань. 1963. –С. 377-382.
12. Гузев В.Г. Очерки по теории тюркского словоизменения: Глагол. – Л., 1990. –165 с.
- 13.Иванова И. П. Вид и время в современном английском языке. – Л., 1961. – 200 с.
- 14.Егоров В.Л. Глаголы функционирование в описании принципа действия / Вопросы лингвистики. – М.,1989. .-С.86.
- 15.Есперсен О. Философия грамматики. – М., 1958.–404 с.
- 16.Зикириллаев Ғ. Ўзбек тили морфологияси. –Бухоро, 1994.
17. Зикириллаев Ғ. Рух ва тил. –Т.: Фан, 2018. –464 б.
18. Ландер. Ю. А. Перфект и обстоятельства конкретного времени // *Языки мира. Типология. Уралистика. Памяти Т. Ждановой.* Сост. В. А. Плунгян, А. Ю. Урманчиева. М.: Индрик, 2002. –С. 300–312.
19. Маслов Ю. С. Очерки по аспектологии. – Л., Изд-во ЛГУ,1984. – 263 с.
20. Маслов Ю.С. Результатив, перфект и глагольный вид // Типология результативных конструкций: Результатив, стив, пассив, перфект. – Л., 1983. – С. 41-54.
21. Маслов Ю. С. К основаниям сопоставительной аспектологии / Вопросы сопоставительной аспектологии.– Л., Изд-во ЛГУ, 1978. – С. 4-44
22. МиллерДж. Э. Исчезает ли английская перфектная форма глагола? Прошлое, ближайшее прошлое и результативность в современном английском языке // *Труды аспектологического семинара филологич. ф-та МГУ им. М.В. Ломоносова*, том 3. М.: МГУ, 1997. –С. 103–120.
23. Мирсанов Ғ. Қ. Дискурс таркибида аспектуал ва темпораллик мазмун ифодаси. // Монография. –Тошкент: “Наврўз”, 2018. -156 б.
24. Мирсанов Ғ. Қ. “Қол” кўмакчи феъли билан ифодаланадиган аспектуал семантика. // *Илм сарчашмалари* , 2015, 7-сон. –Б. 37-42.

25. Мирсанов Ғ.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектуал хусусиятлари. Филол.фан.н....дисс. автореф. –Т.:, 2009. – 21 б.
26. Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол.фан.номзод.дисс...автореф. –Т., 1999. –20 б.
- 27.Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол.фан. док.дисс....автореф. –Тошкент, 2007. –46.
28. Насилов Д.М. Акциональность в Алтайских языках: типология и «детерминанта» // Вопросы тюркской филологии (Материалы Дмитриевских чтений). – М., 2006. Вып., VI. – С. 80-90.
29. Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии: Акциональность. – Л.: Наука, 1989. –208 с.
30. Насилов Д. М.Статив и перфект пассива в узбекском языке // Типология результативных конструкций (результатив, статив, пассив, перфект) / Под ред. Л.: Наука, 1983. Недеялков В. П. С. 118–123.
31. Невская, И. А. Демонстративные второстепенные предикаты в тюркских языках //Синхронное и диахронное в сравнительно-историческом языкознании / Под ред. В. А. Кочергиной.- М.: Добросвет, 2011. –С. 171–175.
32. Недеялков В.П. Начинательность и средства её выражения в языках разных типов // Теория функциональной грамматики. Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. – Л., 1983. – С. 180-195.
33. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – 286 б.
34. Сафаров Ш. Семантика. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2013. – 341 б.
35. Boogaard R., Janssen T. Aspects of Language- 31. Tense and Aspect // www.let.vu.nl/staf/thalm.janssen
36. Brosig B. Depictives and resultatives in modern khalkh Mongolian // Hokkaidō

Gengo bunka kenkyū.2009. No. 7.–P. 71–101.

37. Bybee J. L., R. Perkins, W. Pagliuca. *The evolution of grammar: Tense, aspect and modality in the languages of the world*. –Chicago: The U. of Chicago Press, 1994.

38. Carrier J., Randall J.H., The Argument Structure and Syntactic Structure of Resultatives // *Linguistic Inquiry* 23, 1992. –P. 173-234.

39. Comrie B. Subject and Object Control: Syntax, Semantics, and Pragmatics. *BLS* 10, 1984.–P. 450-464.

40. Chomsky N. *Aspects of the Theory of Syntax*. Cambridge, Massachusetts: MIT, 1965. –251 p.

Интернет сайтлари

www.thoughtco.com/text-linguistics

phdessay.com/text-linguistics

<http://eas.uni-sofia.bg/text-linguistics>

Ru/article/n/tezaurus-aspektologicheskikh-terminov-printsipy-formirovaniya

<http://net.knigi-x.ru/24konferenciya/169714-1-the-semantic-scope-slavic-aspect->

<http://www.maldura.unipd.it/glagvid>

<http://programma.x-pdf.ru/16jazykoznanie>

<http://eas.uni-sofia.bg/text-linguistics>

www.utsc.utoronto.ca/~binnick

www.rucont.ru/efd/

google.ru/books/about/Verbal_Aspect_in_Discourse

[CELT \(Corpusof181.Electronic Texts\),](http://CELT(Corpusof181.ElectronicTexts),)

[www.ucc.ie/celt\).](http://www.ucc.ie/celt).)

<http://gramota.net/eng/materials/>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
<u>I боб. Аспектуаллик ҳодисаси тадқиқининг назарий асослари</u>	4
1.1. Аспектуал ва акционсарт ҳодисалар тадқиқи	4
1.2. Аспектуаллик тушунчаси талқинида асосий назарий ёндашувлар	13
1.3. Резултативликнинг аспектвал тадқиқотлар доирасида ўрганилиши ...	24
1.4. Резултатив ва перфект муносабатларига назарий қарашлар	33
Боб бўйича хулосалар	411
<u>II боб. Резултатив тузилмаларнинг лисоний воқеланиши</u>	43
2.1. Резултатив тузилмаларнинг лингвистик моҳиятига кўра фарқли жихатлари.....	43
2.2. Резултатив ва каузатив маъноларнинг ўзаро муносабати хусусида	49
2.3. Инглиз тилида резултатив тузилмаларнинг семантик хусусиятлари ..	61
2.4. Ўзбек тили резултатив тузилмаларнинг семантик хусусиятлари	67
Боб бўйича хулоса	722
<u>III боб. Резултатив мазмундаги воқеа-ҳодисалар таркибланишининг лисоний ва когнитив хусусиятлари</u>	75
3.1. Иккиламчи предикат билан ифодаланадиган резултатив тузилмалар турлари хусусида.....	75
3.2. Мажхул нисбат шаклида ифодаланадиган резултатив тузилмалар тахлили	96
3.3. Резултативликни ифодаловчи лексик-грамматик воситалар.....	101
Боб бўйича хулоса	1144
<u>Умумий хулосалар</u>	115
<u>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</u>	118

ДАВЛАТОВА МУҲАЙЁ ҲАСАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
РЕЗУЛЬТАТИВ ТУЗИЛМАЛАР**

Монография

Мухаррир: С.ШОДИЕВ

Техник муҳаррир: Т.ЛАТИПОВА

Мусахҳих: Ж.ИБОДУЛЛАЕВ

Нашриёт лицензияси №8589.

Оригинал макетдан босишга рухсат этилди.

25. 04. 2022 йил. Бичими 60x84. “Times” гарн.

Офсет қоғози. Босма табағи 7,75. Адади 100.

Буюртма №.585. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Бухоро вилоят босмаҳонаси” МЧЖда чоп этилди.

Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 27-уй.